

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

A. Сагдиев

Г. Фузаилова, М.Ҳасанова

## **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тарих бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тасдиқланган (№1639)

ТОШКЕНТ-2008

“Тарих ўқитиши методикаси” ўқув күлланмасида тарих ўқитиши методлари системаси, методик усул ва воситаларни ўқитишининг мақсад ва вазифалари, ўқитишининг оғзаки методи, унинг ўқувчиларга таълим-тарбия беришдаги етакчи роли, босма текстлар билан ишлаш методи, кўрсатмали метод, тарих ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларни кўллаш, тарих ўқитишининг самараадорлигига қаратилган, ўқувчиларнинг билиш ва мустакил фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш билан боғлик бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, тарих дарсига қўйиладиган замонавий талаблар, дарс турлари, уни тузилиши, тарих бўйича синфдан ташкари ишлар, уларни ташкил этишининг шакл ва методлари, тарих ўқитиши самараадорлигини ошириш каби муҳим масалалар ёритилади.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юрти тарих факультети талabalariiga мўлжалланган.

**Маъсул муҳаррир:** т.ф.н. Ф Ҳасанов

**Тақризчилар:** т.ф.н. М.Лафасов,  
п.ф.н.Қ.Р.Шоназаров

## Кириш

Ўзбекистоннинг мустакил давлат деб эълон қилиниши республикамизнинг буғунги кунинигина эмас, балки истиқболини ҳам белгилаб берувчи асосий омилдир. Ўзбекистон Республикасининг истиқлол йўли аждодларимизнинг тарихий анъаналари ва маънавий меросига суюнган ҳолда танлаб олинган. Зотан, мустакиллик йўли Ўзбекистон ҳалқларининг тарихий анъаналари ва маънавий бойликларини қайта тикловчи, янги мазмун билан бойитувчи йўлдир. Бу эса тарих ўқитишни миллий асосга қуришни, ҳалқимизнинг меҳнате~~барлик~~ дустлик, меҳмондўстлик, маърифатпарварлик каби анъаналари, имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, Ватанга ҳамда ҳалққа садоқат каби олийжаноб фазилатларини чукур ўрганишни, уларни асрраб-авайлаб, ёшлар қалбига, конконига сингдириш, ўзини англашга кўмаклашиши, республикамиз истиқлоли учун астойдил хизмат киласидаган фаолларни етиштиришни асосий вазифа килиб қўяди. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ўкувчиларнинг бу тарихий анъаналар ва олийжаноб фазилатлар манбаларини, улар мустахкам заминга эгалигини, тарихан таркиб топғанлигини, авлоддан-авлодга ўтиб, мазмунан бойиб борғанлигини, жамиятнинг равнаки ва фаровонлиги, инсонларнинг маънавий камолоти учун хизмат килиб келганлиги, уларни бундан кейин ҳам асрраб-авайлаб давом эттириш, аждодларимизнинг инсоний фазилатларига содик бўлиш ўзларининг муқаддас бурчлари эканлигини англаб олишларига ёрдам беради.

“Тарих ўқитиш методикаси” ўкув кўлланмасида тарих ўқитиш методлари системаси. методик усул ва воситаларни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, ўқитишнинг оғзаки методи, унинг ўкувчиларга таълим-тарбия беришдаги етакчи роли, босма текстлар билан ишлаш методи, кўрсатмали метод, тарих ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларни кўллаш, тарих ўқитишнинг самарадорлигига қаратилган, ўкувчиларнинг билиш ва мустакил фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, тарих дарсига кўйиладиган замонавий талаблар, дарс турлари, уни тузилиши, тарих бўйича синфдан ташкари ишлар, уларни ташкил этишининг шакл ва методлари, тарих ўқитиш самарадорлигини ошириш каби мухим масалалар ёритилади.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ўкувчиларни аждодларимизнинг кўп минг ийллик маданий ва маънавий мероси, уларни жаҳон илмий тафаккури ва маданияти тараққиётига кўшган улкан хиссаси билан танишириш, маданиятимизнинг беназир алломалари номларини хурмат билан тилга олиш, улар билан фахрланишга, миллий ифтихор руҳини сингдиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тарихи ўкувчиларнинг миллий онгини ўстиришда, ўзлигини англашда, улар сиёсий маданиятини оширишда, мустакил республикамизнинг ижтимоий фаол ва маънавий баркамол кишилари бўлиб етишишида, уларни ҳақиқий инсон, ватанпарвар қилиб тарбиялашда катта имкониятларга эгадир. Лекин, ҳозирга қадар бу имкониятлардан етарли даражада фойдаланмасдан келинди.

Ўзбекистон ва жаҳон тарихини ўқитишнинг бу имкониятларидан самарали фойдаланиш ўқитувчига, унинг мазкур тарихнинг янгиланган мазмунини, уни ўқитиш услубиятини мукаммал билишига, таълим ва тарбия ишларини илмий асосда уюштира олишига боғликдир.

Педагогика олий ўқув юртларининг тарих факультетлари талабаларига мўлжалланган ушбу қўлланма ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитиладиган “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” фанларининг янги дастурига мувофик тайёrlанди.

## **1-мавзу. Тарих ўқитиши методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари.**

**Режа:**

1. Тарих ўқитиши методикасининг предмети ва унинг вазифалари.
2. Тарих ўқитиши жараёнигин таркибий кисмлари ва улар ўртасидаги алоқалар.
3. Тарих ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан боғликлити.


Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимларда тарих фанининг асосий мақсади энг қадимги даврдан хозирги кунгача бўлган Ватанимиз ва жаҳон тарихига оид энг муҳим воқеалар билан ўқувчиларни таништириш, уларни Ўзбекистон ва жаҳон ҳалқларининг маданий ва маънавий меросига, илғор анъаналарига, миллӣй ва умумбашарий қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, буюк меросимизнинг давомчилари ҳамда уни бойитувчилари бўлмиш муносаб ворисларни тарбиялашдан иборат.

Тарих ўқитиши методикаси илмий педагогик фан бўлиб, у ўқувчиларга тарихдан пухта билим бериш, уларни миллӣй истиқбол ғояси руҳида тарбиялаш ва камол топтиришда ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитиладиган тарих курсининг мақсадини, таълим-тарбия вазифалари, мазмуни, метод ва усусларини ҳамда тарих ўқитишининг энг муҳим воситаларини белгилаб беради.

Тарих ўқитиши методикасининг асосий фан сифатида олий ўқув юртларидағи тарих факультетларининг ўқув режасига киритилиши ва уни ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, келгусида ўқитувчи бўлиб чиқадиган талабаларни ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишининг илмий асослари билан куроллантиришдан иборат.

Тарих ўқитиши методикаси ўзининг мустакил текшириш предметига эга. *Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих фанининг ўқитилиши ва ўқитиши жараёнигин ўрганилиши тарих ўқитиши методикасининг предметини ташкил этади*. Ўқитиши жараёнигин обьектив суратда амал қиласиган ўз қонуниятлари бор. Уларни билиб олиш ва таълим-тарбия жараёнида бу қонуниятларга амал қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишини илмий асосда олиб боришнинг муҳим шартидир.

Тарих ўқитиши методикаси тадқиқ этадиган, талабаларнинг пухта ва мукаммал билим олиши ва амалда суюниши керак бўлган тарих ўқитишининг умумий қонуниятлари нималардан иборат ва улар таълим жараёнида қандай намоён бўлади?




Тарих ўқитиши жараёнининг тарқибий қисмлари ва улар ўртасидаги алоқалар. Тарих ўқитиши жараёнининг тарқибий қисмлари (мақсади, мазмуни, ўқитишининг метод ва усуллари, натижалари) ўртасидаги қонуниятли алоқалар куийдагича намоён бўлади: ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида

мақсади, таълим-тарбия вазифаларининг муваффакиятли амалга оширилиши ўқитишнинг мазмунига, ғоявий-сиёсий ва назарий жиҳатдан пишик бўлишига боғлик бўлганидек, ўкувчиларнинг тарих курсини ўзлаштириш даражаси ҳам ўз навбатида ўқитишнинг ўрганиладиган мавзунинг мақсади, таълим-тарбия вазифалари ва мазмунига мос келадиган таълим шакллари, ўқитиш метод ва усувлари ҳамда воситаларидан қай даражада мақсадга мувофик фойдалана билишига боғликдир.

Шунингдек, ўқитишни натижалари ўқитувчининг ўқитишдан кўзлаган мақсади, унинг таълим-тарбиявий вазифаларини аниқ белгилай олишига, курснинг мазмунига мос тарзда амалга оширишга ёрдам бера оладиган метод ва усувлардан илмий асосда фойдалана билишига боғликдир. Тарих ўқитиш жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги бу ўзаро диалектик боғланиш натижасида улар бир-бирига узлуксиз таъсир кўрсатиб боради. Тарих ўқитишда ана шу конуниятларга суюнмасдан, уларни эътиборга олмасдан туриб яхши натижага эришиб бўлмайди.

Проф. П.В.Гора тарих ўқитиш методикаси дастури ва маъруза курсининг илмий асосларига багишланган маъруzasида ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих таълими жараёнининг умумий конуниятларини куйидаги чизмада ифодалаб, уларнинг ҳар қайсисига изоҳ беради:



**Тарих ўқитиш деганда, тарихий материал воситасида ўкувчиларга билим бериш, уларни миллий истиқбол руҳида тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга ошириш зарур бўлган жараён, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг аклий (ички) ҳамда ўкув харакатлари (ташки) жараёни тушунилади.**

**Тарих курсининг мазмуни деганда, биринчи галда тарих дастурида белгилаб берилган тарихий билимлар кўлами, ўкув материали, унинг асл мазмуни, ўкувчиларнинг тарихий материалларни ўзлаштириши натижасида олган билимларидан фойдалана билиш соҳасидаги ўкув усувлари, кўникма ва**

малакалари тизими, шу жумладан, уларни илмий тадқиқ қилиш ишларининг энг оддий шаклларини эгаллашлари кўзда тутилади.

**Тарих ўқитишни ташкил қилиш деганда**, тарихни ўқитиш ва ўқувчиларни уни ўрганишини ташкил этиш, уларнинг ўрганиш фаолиятини ўқитувчи томонидан бошқарилишига ёрдам берадиган метод ва методик усуллар, ўқувчилардаги мавжуд билимлари ишга солиш, уларни ижодий билишга йўналтирадиган топшириклар тизимини хамда таълимнинг турли хил кўринишлари (дарс, семинар машгулотлари ва бошқалар) тушунилади.

**Ўқитишнинг натижалари деганда** эса, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини муваффакиятли равишда амалга оширилиши - ўқувчиларнинг тарих фани асосларини, тарихий материалга мос самарали метод ва усулларни билишлари ва билимлардан фойдалана олиш малакаларини пухта ўзлаштиришлари, шу асосда ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини, тасаввuri ва нуткини, маҳсус ва умумий қобилияtlарини ўстириш кўзда тутилади.

Шундай килиб, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих таълими жараённинг юкоридаги умумий қонуниятлари қуидаги объектив ва қатъий такрорланадиган алоқаларда намоён бўлади: ўқитишнинг мақсади унинг мазмуни билан белгиланади; мақсад ва мазмунига мос келадиган ўқитиш методи ва усуллари танланади; ўқитишнинг самараси эса ўқитиша эришилган ижодий натижалар билан текширилади, яъни тарихий билимларнинг сифати, ўқувчиларнинг камол топиш даражаси билан ўлчанади.

Таълимни муайян педагогик мақсаддага йўналтироқ учун ўқитувчи ўрта гаълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг мақсадини, унинг асосини ташкил қилган таълим-тарбия вазифаларини аниқ белгилаб олиши керак. Бироқ, тарих ўқитиш олдида турган умумий мақсад билан таълим-тарбия вазифаларини билиб олишнинг ўзи кифоя кильмайди. Шу билан бирга, умумий вазифаларни амалга оширишда ҳар бир синфда ўқитиладиган тарих курсининг ўрни, вазифалари, ўз навбатида мазкур курсни ўқитишнинг таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишда унинг ҳар бир бўлими, бўлимдаги мавзулар, ҳатто ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг хам жузъий вазифалари олдиндан белгилаб олиниши керак. Чунки, ҳар бир тарих дарсининг бутун тарих курсининг умумий дарслар тизимида тутган ўрни бор, бу дарсда ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиш олдига қўйилган умумий вазифанинг қандайдир элементи ёки бўлаги ҳал этилади.

Тарих ўқитиши мақсадларини белгилашда, аввало таълим ва тарбиянинг узвий бирлигини, ўқитиши давомида ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий савияси муттасил ўсиб боришини, уларда қўнимка ва малакалар ҳосил қилишни хамда ижодий фаолиятга тайёрланишларини назарда тутмок керак. Таълимдан кузатилган мақсадларнинг муваффакиятли равишда амалга ошмоғи учун, улар илмий асосда белгиланмоғи лозим. Бу мақсадлар тарих таълимининг мазмуни ва вазифалари билан белгиланади. Шунингдек, бунда таълимнинг бошка шартшароитлари: ўқувчиларнинг савияси, билими, қўнимка ва малакалари; дарс учун ажратилган вакт, дарсни ўтиш имкониятлари ва бошқалар хам назарда тутилади. Таълим мақсадларининг илмий асосда белгиланиши уларнинг

реаллигини таъминлайди. Таълимдан кўзланган мақсадларни ўқитувчи қанчалик чукур англаб олган бўлса, тарих ўқитиш мазмунан шунчалик гоявий ва тарбиявий натижа беради. Бинобарин, тарих ДТС асосида ўқувчиларга ўргатиладиган тарих таълимидан кўзда тутилган мақсад, таълим-тарбиявий вазифалар олдиндан аниқ белгиланиши ўқувчилар билимининг ривожланиб, чукурлашиб боришига, воқеаларнинг моҳиятини пухта тушуниб олишларига ёрдам беради, зарур кўнікма ва малакаларни юзага келтиради, ўқувчиларнинг мустакил ицлаш қобилиятини ўстиради.

Тарих ўқитишнинг самарали бўлишида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш мухим роль ўйнайди. Дарс ва дарсдан ташқари машгулотларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг фаол бўлишлиги жуда кўп омилларга, аввало,, машгулот мазмунининг гоявий ва илмий-назарий жиҳатдан юкори савиядә бўлишига, ўқитувчининг энг мухим жонли ва ишонарли гарзда очиб бера олишига ва бу воқеаларни чукурроқ ўрганиб олишнинг мухимлигини ўқувчиларнинг тушуниб олиши хамда уларда ўрганишга иштиёқ ўйғотишга ёғликтидир. Бу ўринда ўқитувчининг ўқувчиларни машгулот мазмунини ўзлаштириб бориши устидан килган назорати, ўқувчилар ўрганишини бошкара билиши, шунингдек, уларнинг янги билимларини ўзлаштириш учун ўзларидаги мавжуд билим ва малакалардан фойдалана билиши, яъни ўзлаштирилган билим ва эгалланган малакаларини актуаллаштирилиши ҳам мухим ахамиятга эгадир.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих курси мазмунан жуда бой ва хилма-хилдир. Тарих курсининг мазмуни ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим, тизимида уни ўқитиш ва ўқувчиларнинг ўрганиш фаолияти оркали уларнинг онгига, тарбияси ва тафаккурига таъсир кўрсатади, уларнинг камол топишига ёрдам беради. Демак, машгулотнинг мазмуни ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш хамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришнинг ҳам асосий омили бўлиб хизмат киласди. Шунинг учун, ўқитувчи билиш фаолиятини фаоллаштиришга ижобий таъсир этувчи ва умуман ўқитишнинг самарадорлигини таъминловчи методик усул ва воситаларни танлашда ҳам ўрганилаётган тарихий материалнинг мазмунини назарда тутмоғи лозим.

Тарих ўқитиш методикаси жараённинг таркиби кисмлари ўртасидаги катъий тақорорланадиган ўзаро алоқа ва боғланишларда намоён бўладиган ҳуонуниятларни очиб беради ва тарих ўқитиш жараёнини такомиллаштириша улардан фойдаланиш йўл-йўрүкларини ҳам кўрсатиб беради. Демак, тарих ўқитиш методикаси бўлажак ўқитувчиларни ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг илмий-назарий асослари билан куроллантиради. Шунингдек, методика уларни тарих ўқитиш жараёнини ўрганишнинг текшириш методлари билан ҳам куроллантиради. Тарих ўқитиш жараёни икки йўл билан ўрганилади. Биринчиси - *кузатиш методидир*. Бу методдан фойдаланганда, турли хилдаги ўқув-методик адабиётлар, ўқувчиларнинг ёзма ишлари, маърузалари, уларнинг жавоблари, ўқитишга берилган баҳо ва хуносалар билан танишиб чиқилади, дарслар кузатилади, ўқувчиларнинг билими ва малакалари ўрганилади.

Шундай килиб, кузатиш методидан фойдаланганда, тадқиқотчи тарих ўқитишининг мавжуд тажрибаси доирасидан четга чиқмайди, уни табиий равишда кузатади ва ўрганади.

Иккинчиси - *тажриба методи*. Ўқитувчи ўқитиши жараёнини ўзи хохлаганича уюштиради. Хуллас, ижодий иш килади ва унинг бу иши илмий тажрибага ўхшаб кетади. Бирок, ўқитувчи килган ижодий изланишларнинг илмий тажрибадан фарки, аввало шундаки ўқитувчи дарсда амалий вазифани ҳал килади, унинг хulosалари эса ўз фаолиятининг натижаси бўлади. Илмий тажрибада кўпчилик ўқитувчиларнинг иши учун умумий бўлган қонуниятлар тадқиқ этилади, чиқарилган хulosалар илмий асосда расмийлаштирилади. Шунинг учун ҳам, тарих ўқитиши жараёнини тадқиқ этишдаги кузатиш методини экспериментал тадқиқотдан фарқ кила билиш керак.

Тарих ўқитиши методикаси тарих фани билан узвий боғлиқдир. Тарих ўқитиши ўкувчиларга тарихий воқеликни билдиришдан иборат. Шу жиҳатдан ўкувчиларнинг тарихий воқеликни билиш йўллари тарихий тадқиқотга ўхшаб кетади. Ўкувчилар тарихни ўрганишда олимлар томонидан илмий жиҳатдан текширилиб кўрилган ва таҳлил килиб чиқилган фактлар ҳамда илмий хulosаларга асосланиши билан бирга, баъзан фактларни янада аниклаш, тарихий фактлардан умумий хulosалар чиқариш, умумий хulosалардан янги фактларни ўрганиш учун фойдаланишлари мумкин. Бирок, ўкувчиларнинг тарихни ўрганиши илмий текширишдан фарқ килади. Ўқитиши жараёнинда ўкувчилар тарих фани ва унинг баъзи тадқиқот методларини билиб оладилар.

Шундай килиб, тарих фани ва тарих ўқитиши методикаси ўзининг алоҳида ўрганиш обьекти, вазифаси ҳамда тадқиқот методига эга. Тарих фани кишилик жамиятигининг тараққиёти жараёнини ўрганади. Кишилик жамиятигининг тараққиёт қонунларини билиш ўтмиш ва хозирги замонни яхширок тушуниб олишга, келажакни олдиндан кўришга имкон беради.

Методика ўқитувчиларни ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиши жараёнининг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги қонуниятли алоқаларни очиб бериш билан бирга ўқитишининг самарадорлигини ошира бориш мақсадида тарих ўқитиши жараёнини тадқиқ этиш методлари билан ҳам қуроллантиради. Методика тарих фани асосларини очиб бериш мақсадида тарихий манбалар, фактлар ва умумий хulosалардан фойдаланади. Ўқитиши методикаси тарих фанининг баъзи бир текшириш методларидан фойдаланар экан, ўкувчиларнинг билимларини яхширок ўзлаштиришларини ва уларни тарих фанининг баъзи тадқиқот методлари билан таништиришни кўзда тутади. Ўкувчиларнинг янги фактларни таҳлил этиш ва улардан зарур хulosаларни чиқариш пайтида ўрганган билимлари жуда ҳам мустаҳкам ва ишонарли бўлади, шунингдек, ўкувчилар мустақил фикрлашга ўрганади, бу уларни тадқиқот олиб боришининг дастлабки усуслари билан таништиришга ёрдам беради.

Шундай килиб, ўз предмети, вазифалари ва тадқиқ этиш методларига эга бўлган тарих ўқитиши методикасини тарих фанлари қаторига киритиб бўлмайди.

Тарих ўқитишида ўкувчиларнинг ёши, билими, фикрлаш қобилияти ва умуман психик фаолиятини эътиборга олмасдан туриб, уларнинг ўкув

фаолиятига самараали таъсир этиб бўлмайди. Шу сабабли методика психология фани билан чамбарчас боғлиқдир.

Тарих ўқитиш жараённда устод ва шогирдлар ўртасида маънавий яқинлик, соғлом ва эстетик қайфият вужудга келтириши ўқувчиларнинг ўкув фаолиятини фаоллаштиради, дарснинг самараадорлигини оширади.

Психология фани ўқувчилардаги психик фаолиятнинг умумий конуниятларни ўрганади, методика эса ўқувчиларнинг психик фаолиятини уларнинг тарихий материални ўзлаштиришлари билан боғлик бўлган томонларинигина тадқик киласди. Шунингдек, унинг ўқувчилардаги психик фаолиятни тадқик этиш методларидан ҳам кисман фойдаланади. Психология психик фаолиятнинг умумий конуниятларини ўрганади, методика эса тарих ўқитишнинг мазмуни ва методик усууллар билан психик фаолият оркали эришиладиган натижалар ўртасидаги қонуниятли боғланишларни ўрганади.

Демак, ҳар иккала предметнинг ўрганадиган объектлари қисман ўхашаш бўлса-да, вазифалари бошқа-бошқадир.

Шундай килиб, тарих ўқитиш методикаси ўқитишда яхши натижаларга эришиш, ўқувчиларнинг тарихий материални пухта ўзлаштириши билан фаолияти ўртасидаги қонуниятли боғланишларни ҳам ўрганади, ўқувчиларга таълим-тарбия беришда психология фанига суняди, ўқувчиларнинг психик фаолиятини ўрганишда психологик текшириш методларидан фойдаланиш йўлларни ҳам кўрсатиб беради.


Методика таълим-тарбия ҳақидаги педагогика фани, унинг таркибий қисми бўлган дидактика билан чамбарчас боғланган, унинг мустакил бир тармоғидир.

Методика педагогик жиҳатдан яхши натижаларга эришиш мақсадини ҳам, тарих ўқитиш жараённининг педагогик жараён ўқитишда яхши натижаларга эришишини ҳам кўзда тутади. Ўқитиш жараённинг ўргатиш методлари педагогик методлар бўлиб, ўқитиш натижаларининг кўрсаткичлари ҳам педагогик кўрсаткичлардир. Шундай килиб, тарих ўқитиш методикаси педагогика фанининг мустакил бир тармоғи бўлиб, у ўзининг мустакил текшириш предметига эга.

Методика фанининг назарий қисмини эгаллаш тарих ўқитиш жараённининг умумий қонуниятларини ёш авлодга таълим-тарбия бериш ва камол топтира бориш ишини янада такомиллаштириш мақсадида фойдаланишга ёрдам беради.

Тарих таълимининг мазмуни ва синф ўқувчиларнинг умумий савиясига караб билишнинг умумий қонуниятлари турлича намоён бўлади. Тарих ўқитиш методикаси ўрганадиган энг муҳим қонуниятлардан бири ўқитиш жараённинг ривожланиш қонуниятларидир. Бу ривожланиш таълим жараённада ўқувчиларнинг қизикиши, билими, кўнкима, малакалари ҳамда тафаккурининг ўсиб боришида намоён бўлади, айни бир вактда ўқувчиларнинг ҳар томонлама янада камол топишини таъминлади. Тарихнинг ҳар бир курси, унинг бўлими ва ҳар бир мавзуси ўқувчиларнинг билим олиши, кўнкима, малакаларга эга бўлиши ва камол топишида муҳим бир босқич бўлиб хизмат киласди. Бинобарин, ўқитувчи тарих ўқитиш жараённада ўқувчиларнинг билим ва малакаларни эгаллаши, камол топиши соҳасида босиб ўтилган босқичларни, бундай кейин босиб ўтиладиган босқичларни олдиндан кўра билиши лозим. Бунга факат тарих

ўқитишининг илмий асосларини пухта эгаллаш ва амалда унга суюнган ҳолда иш тутиш асосидагина эришиш мумкин.



#### Асосий тушунчалар

Тарих ўқитиши деганда - тарихий материал воситасида ўкувчиларга билим бериш, уларни миллий истиқбол руҳида тарбиялаш ва камол топтириш

вазифаларини амалга ошириш зарур бўлган жараён, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аклий (ички) ҳамда ўкув ҳаракатлари (ташки) жараёни тушунилади.

**Тарих курсининг мазмуни** - тарих дастурида белгиланган тарихий билимлар кўлами, ўкув материали: унинг асл мазмуни, ўқувчиларнинг тарихий материалларни ўзлаштиришда олган билимларидан фойдалана билиш соҳасидаги ўкув усуллари, кўникма ва малакалари системаси, шу жумладан, уларни илмий тадқик қилиш ишларининг энг оддий шаклларини эгаллашлари кўзда тутилади.

**Тарих ўқитишни ташкил қилиш** - тарихни ўқитиш ва ўқувчиларнинг уни ўрганишни ташкил этиш, уларнинг ўрганиш фаолиятини ўқитувчиларнинг бошқаришига ёрдам берадиган метод ва методик усуллар, ўқувчилардаги мавжуд билимларни ишга солиш, уларни ижодий билишга йўналтириладиган топшириклар системаси ҳамда таълимнинг турли хил формалари (дарс, семинар машғулотлари ва бошқалар) тушунилади.

**Ўқитишнинг натижалари** - ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини муваффакиятли равишда амалга оширилиши; ўқувчиларнинг тарих фани асосларини, тарихий материалга мос самарали метод ва усулларни билиш ва билимлардан фойдалана билиш малакаларини пухта ўзлаштиришлари шу асосда ўқувчиларнинг тарихий гафакурини, тасаввури ва нутқини, маҳсус ва умумий қобилияtlарини ўстириш кўзда тутилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тарих ўқитиш методикасининг мақсади.
2. Тарих ўқитиш методикасининг предмети.
3. Тарих ўқитиш жараёнининг таркибий кисмлари
4. Тарих ўқитиш жараёнининг таркибий кисмларининг алоқалари.
5. Тарих курсининг таълимий вазифалари.
6. Тарих ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқалари.

## **2-мавзу. Давлат Таълим Стандартлари, дастур ва дарсликларнинг тузилиши ва мазмуни**

### **Режа:**

1. Тарих бўйича ДТС тузилиши ва мазмуни.
2. Умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимлари учун яратилган ўкув дастурлари тузилиши, мазмуни.
3. Ўрта таълим тизими ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарихий билимлар структураси

Таълим таракқиётининг барча жабҳаларида кўзланган бош мақсад ўсиб келаёттган ёш авлод таълим-тарбиясини миллий истиклол гоялари, талаблари асосида ташкил этиш; жамиятимиз қадам кўйган XXI аср таълимини таракқиёт, маънавий-маданий карашлар руҳида бўлишини, энг мухими, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган даражада бўлишини таъминлашдир. Шу мақсадларни амалга ошириш йўлида бажарилган дастлабки ташкилий тадбирларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Авваламбор, бу икки Конунни таълим муассасалари амалиётига тадбик килиш мақсадида алоҳида истиқбол дастури ишлаб чиқилиб, Вазирлик ҳайъати мажлисида тасдиқланди. Бу ҳужжатларнинг мақсад ва моҳияти барча воситалар орқали таълим муассасаларида, ота-оналар, аҳоли ўртасида кенг тушунирилди. Таълимга оид меъсрий ҳужжатлар: концепциялар, давлат таълим стандартлари талаблари, ўкув режалари ва дастурлари, Низомлар ва бошқа меъсрий ҳужжатлар юқоридаги икки Конун моддаларига мувофиқлаштирилди. Республикада узлуксиз таълим тизими узил-кесил шакллантирилди.

“Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ти Конунларнинг кабул қилиниши мамлакатимиз салоҳиятининг бекиёс ривожланиши, мустақил Республикализмининг жаҳонга кенг қамров билан чиқиши учун улкан омилдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида ҳётимизга самарали таъсир этувчи жабҳалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзgartириш вазифалари ҳам устувор соҳа сифатида кўриб чиқилганлиги бежиз эмас.

Президент Ислом Каримов мазкур сессиядаги нутқида бу масалага фавқулодда катта аҳамият бериб, таълим-тарбия соҳасидаги ютук ва камчиликларни таҳлил этар экан, тизимда янгиликка интилиш бўлмаса, таракқиёт ҳам бўлмаслигини таъкидлади. Бугун замон талаби, эртага бажарилиши керак бўлган долзарб вазифалар халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этаётганини кўрсатди. Маълумки, соҳанинг асосий бўғини узлуксиз таълимдан иборат. Давлатимиз раҳбари узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши ҳамда унинг юқсан маънавият заминида қурилишига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлар экан, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва унинг механизмини ишлаб чиқиш нақадар мухимлигига эътиборини қаратди. Хўш, таълимда давлат стандарти нима? Таълимни стандартлаштириш инсониятнинг ижтимоий онгига рўй берган туб ўзгаришлар туфайли келиб чиқкан заруратdir. Чунки, ахборотлар алмашинуви максимал чегарага етган давримизда дунёнинг бир бурчагида яшаётган киши иккинчи кутбда содир бўлаётган воқеаларни билибгина колмай, уларнинг не боисда айнан шу тарзда рўй берганини англаши ва хис қилиши зарурдир. Бир сайёрада бир вақтда яшаб туриб, бир-бирини тушунмаслик баъзан инсонлар ўртасидаги муносабатларни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий аҳволи ва таракқиёт даражаси турлича бўлган давлатларда яшовчи барча кишиларнинг фикрлаш даражасини иложи борича бир хил ҳолатга келтириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бу ҳолат таълим стандартлари деб аталмиш тушунчани юзага чиқарди.

**Стандарт** — таълимда яратилган меъсрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир. Стандартни ишлаб чиқишида ўкувчини ҳаддан ташқари зўриктириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни у ўкувчи ёшига мос, уни бажаришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Бунда, албатта, таълим олувчининг кизикиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим. Таълим стандартларини ўзлаштиришда шахсга мухим аҳамият берилиши, унга якка тартибда ёндашилиши мақсадга мувофиқдир. Стандартларни ўкув жараённига татбик

этишдан олдин ўта пухталик билан тажриба-синовдан ўтказилади ва шу асосда босқичма-босқич ўкув жараёнига киритиб борилади.

Давлат ва жамият таълим муассасалари олдига муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериши табиийдир. Тарбияланувчи ёки таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ёхуд маънавий сифатларнинг энг қўйи микдори илмий асосларда белгилаб берилиган расмий педагогик хужожат — давлат таълим стандарти ҳисобланади. Стандартларда белгиланган натижаларга эришилмаса, ё ўша кўрсаткичларни эгаллай олмаган бола ёхуд ёшларда муайян микдордаги билим, кўникма, малака ва маънавий сифатларни шакллантира олмаган педагогикани мукаммал деб бўлмайди. Бундан кўриниб турибдики, давлат таълим стандарти (ДТС) назорат воситаси, айни вакѓда, таълим муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни кўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчовиҳамдир. Давлат таълим стандартларининг кўрсаткичлари амалдаги мавжуд таълим мазмунидан эмас, балки шакллантирилаётган ўкувчига сингдириши лозим бўлган сифатларнинг жаҳон бўйича зарур деб ҳисобланган микдоридан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Бундай стандартлар умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўкувчиларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумини ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаб беради. Таълим мазмунининг мажбурий минимуми ўкув дастурлари ва дарсликларда тўлиқ ўз ифодасини топиши шарт. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига кўра ўкувчи муайян босқичда эгаллаши шарт бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал микдори белгиланади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари бошлангич таълим ҳамда умумий ўрта таълим битирувчиларига қўйилади. 9-синфи битирувчи ҳар бир ўкувчи давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларга эришган бўлиши шарт.

Таълим стандартлари жорий қилинса, давлат буюртмачи сифатида таълим муассасалари олдига вазифа қўяди. Мазкур муассасалар эса ана шу вазифаларни яхширок уddaлаш учун ўкувчиларга қайси босқичда қанча билим, кўникма, малака ёки маънавий сифатлар сингдириш лозимлигини аниқ белгилаб олган холда иш кўради. Шу тарика таълим-тарбия жараёни таваккалчиликдан, кўркўона фаолият кўрсатишдан кутулади, илмий асосланган меъёрий талаблар асосида фаолият кўрсатади.


Таълим-тарбия жараёнига ДТСни жорий этиш талаблари ривожланган Гарб мамлакатлари тажрибасига асосланади. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, ҳали дунёдаги бирорта жамиятда таълимни стандартлаштириш кенг кўламда амалга оширилаётгани йўқ. Чунончи, мазкур юмушга биринчи бўлиб кўл урган Францияда бу иш ҳанузгача синов даражасида, АҚШда эса ДТС яратишга эндиғина киришилмоқда. Япония ва Германия таълим муассасаларида мазкур муаммони ҳал этиш режалаштириш босқичида турибди. Ўзбекистонда таълим

стандартлари масаласига давлат миқёсида ёндашилди ва уни илмий йусинда ҳал этишдан ташқари, таълим-тарбия амалиётига жорий килиш максадида узок вакт изланишлар олиб борилди, тажриба-синовлар амалга оширилди.

Шуни айтиш керакки, давлат таълим стандартлари атамаси XX асрнинг 70-йилларида туғилган ва эндиғина амалга оширила бошлаган бўлса-да, аслида у бугун пайдо бўлган янгилик эмас. Негаки, таълим-тарбия тушунчаси олдига муайян талаблар кўйила бошлаган замонлардан бўён шундай меъёрлар мавжуд. Факат қадимда улар стандарт деб аталмаган. Лекин, моҳият эътибори билан ҳар қандай жамият тарбия муассасалари давлатга қарашли бўлмаган замонларда ҳам ўз талаблари тизимиға эга бўлган. Чунки, таълим-тарбия муассасасини битирувчиси муайян жамиятда яшаши, фаолият кўрсатиши лозим. Бинобарин, у ўша жамият талаблари даражасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши шарт ҳисобланган.

Мамлакатимизда педагогика илми ҳам, амалиёти ҳам янгиланиб бормоқда. Маълумки, ҳар қандай миллатнинг янгиланиши ёшлар тарбиясидан бошланади. Ёшлар эса бугунги кунда оиласада ва асосан таълим-тарбия муассасаларида шакллантирилади. Шунинг учун ҳам, мустакил давлатимиз ва унинг раҳбарияти ана шу муассасалар фаолияти имкон қадар замон талаблари даражасида бўлишига эътиборини қаратмоқда. ДТС баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилган педагогика фаолиятидаги самарадорликни назорат қилиш воситасидир. Ҳозир яратиласетган барча дидактик воситаларнинг ана шу стандартларга мувофик бўлишига катта эътибор берилмоқда.

## Тарих бўйича стандартлар структураси ва мазмуни



## **Ўрта умумтаълим, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимлари учун яратилган ўқув дастурлари тузилиши, мазмуни**

Ўрта умумтаълим ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун яратилган дарслекларимиз тили равон, содда, ихчам, ўқувчи ҳаёти, фаолиятига якин матнлардан ташкил топгандагина, у болаларнинг севимли китоби бўлади, ўқувчилар мустакил ҳолда ўрганиши мумкин бўлган «иккинчи ўқитувчи» вазифасини бажаради, тўла маънодаги билим манбаига айланади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, дидактиканинг семантик жиҳатларини аниқлаш кам ўрганилган соҳаларга киради. Ҳанузгача тушуниш муаммоси (моҳияти) олимлар томонидан турлича талқин килинади, дидактлар семантик жиҳатдан мураккаб матнлар ва foяларни баён қилиш усуслари устида кам бош қотирмоқдалар. Илмий концепциялар мураккаблашиб, чукурлашиб бораётган ҳозирги даврда семантик муаммолар ўқув материалларини баён қилиш, ўқувчиларни фан ривожининг янги даврини ташкил килувчи назарияга эртарок олиб кириш, таълимда далиллар билан назария муносабатларини хал килишга ўтиш мухим аҳамиятга эга. Бу масала ҳам тезрок ўз ечимини топиши керак.

Яна бир муаммо устида тўхталишни лозим топдик. Гап шундаки, биз кўпинча «таълим мазмуни» билан «ўқув фани мазмуни» тушунчаларини бир хил деб караймиз. Аслида ундан эмас. Олдинги тушунча кенгрок, яъни ўқув фани мазмуни факт шу фанга оид билимларни — тушунча, хукм, хуносаларни ўз ичига олади. Таълим мазмуни эса бундан ташкири, илмий билиш методлари, усуслари ва амаллари, яъни ўқувчиларда мустакил билиш малакаларини хосил килувчи методологик билимларни (таъриф, исбот, таҳлил, синтез, индукция, дедукция, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштириш ва бошкаларни) ҳам ўз ичига олади. Бу борада ҳам дарслекларимизда анчагина камчиликлар мавжуд.

Ўқувчиларда билим олишга интилиш ва билим олишга эҳтиёж бўлиши, ўқиш максадлари ички заруратга айланиши керак. Ўқувчи реал ҳаётга кириб бориши, унда фаол иштирок этиши учун билим, кўникма ва малакалар билан бирга, илмий билиш методларига эга бўлиш кераклигини онгли равища тушуниб этиши лозим. Чунки, очиқ жамиятнинг асосий белгиси — бу дунёни англаб этиш ва унда ўзининг муносаб ўрнини топиши учун эркин изланишdir. Ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустакилликни, билимларни пухта ва чуқур ўзлаштиришни, зарур малака ва кўникмаларни, уларда кузатувчанликни, тафаккур ва боғланишли нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон берувчи дидактик принцип — бу таълимдаги фаоллик. Фаоллик мезонлари онглилик принципи билан бевосита алокадор. Чунки, фаоллик бор жойда онглилик бўлади.

Бундай тизимда ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам таълим-тарбия жараёнига биргалиқда масъулдирилар. Улар биргалиқда ҳар бир ўқувчининг билим ва кобилиятини, индивидуал эҳтиёжларини аниклайдилар. Бундай ҳолатда ўқитувчи фақат «баҳоловчи» эмас, балки янги билимлар етказувчи манбага айланади.

Жаҳон педагогик лексикони қаторидан аллақачонлар **«инновация»** тушунчаси кенг ўрин олган. Бу тушунча **«янгилик»**, **«ислоҳ»** тушунчаларини

англатади. Кенг маънода қараганда таълим тизимидағи ҳар қандай ўзгариш — бу педагогик инновация. Дастрлаб бу тушунчалар ижтимоий-иқтисодий ва технологик жараёнларга нисбатан қўлланар эди, сўнгра таълим тизимидағи ҳар қандай янгиликларга нисбатан ишлатиладиган бўлди. Педагогик янгиликларнинг технология деб аталиши боиси ҳам шунда. Ҳозирги даврга келиб педагогик инноватика фани шаклланди. **Педагогик инноватика** — педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштириш, ниҳоят, уни амалиётда қўллаш ҳакидаги таълимот сифатида каралади.

Бу таълимот уч йўналишни ўз ичига олади. Биринчиси - педагогик неология (юононча «нео» — «янги» ва «логос» — «таълим», яъни янгилик ҳакидаги таълимот) дейилиб, бунда педагогика соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар ўрганилади, умумлаштирилади.

Таълим воситалари ўқувчиларнинг руҳий, жисмоний, генетик ва минтакавий ўзига хосликларини тўлиқ ҳисобга олгандагина юкори самарадорликка эришиш мумкин. Аммо, узок йиллар мобайнида биз ана шу ҳақиқатга амал килмаган ҳолда даструр, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга мажбур бўлдик. Ҳозирда яратилаётган ўқув-методик воситаларда айни шу жихатлар ҳисобга олинмокда. Лекин, очиқ тан олиш керакки, бу осон кечеаётгани йўқ. Чунки педагогикамиз ўнлаб йиллар мобайнида миллий илдизлардан жуда йирокда эди. Шўро замонининг ўша эски қолилларидан хамон тўла кутула олганимизча йўқ. Биз бу ҳакида юкорида батафсилроқ тўхталиб ўтдик. Шунинг учун ҳам даструр ва дарсликлар янгича фикрлай оладиган, миллий дидактикамиз хусусиятларини биладиган кишилар томонидан яратилишига алоҳида эътибор берилмокда. Дарслик ёзишга талаб меъёрлари ишланди. Ҳар қандай даструр ва дарслик бевосита вазирлик қошида ташкил этилган махсус эксперт гурухи томонидан кўриб чиқилгандан кейингина нашрга тавсия этилади.

Ҳар бир ўқув фанидан ўқув-методик мажмуалар яратишга алоҳида аҳамият берилмокда, яъни муайян ўқув фани бўйича таълим концепцияси, стандарти, дастури, дарслиги, методик қўлланмаси тўлиқ яратилиши лозим. Ҳозирги даврда яратилаётган дарсликларнинг асосий камчилиги миллиатимиз болаларининг психологияк ўзига хосликларини, фикрлаш тарзини тўлиқ ҳисобга олишга эриша олинмаётганида деб биламиз. Бизнинг мутахассисларимиз дидактик воситалар орқали ўқувчиларга ҳамма гапни айтиб беришга одатланиб қолишган. Ҳолбуки, ўқувчини ўқитиш керак эмас, уни ўзи ўқийдиган ҳолатга олиб келиш лозим. Токи боланинг ўзи изланмас экан, таълимда ютуққа эришиш мумкин эмас. Демак, яратилаётган дидактик воситалар жумбокли характерга эга бўлиши, ўқувчиларни ўйланишга, изланишга, синааб кўришга даъват қиласидиган тарзда тузилиши лозим.

Кўпчиликка маълумки, Президент Ислом Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маъruzасида таълимда давлат стандартларини синондан ўтказиш ва жорий этиш бўйича мутасаддилар олдига куйидаги вазифаларни кўйган эди:

«Янги ўкув иили бошлангунга қадар мазкур тажриба қандай ўтгаётганилигини ва унинг дастлабки натижаларини чукур таҳлил этиб, таълим андозалари, ўкув режалари ва дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиккан холда, яъни ёш авлодни камол топтиришга қаратилган зарур тузатишлар киритиш зарур.»<sup>1</sup>

Хўш, республикамизда Президентимизнинг топшириғини бажариш бўйича нима ишлар қилинди, нималарга эришилди, таълимий стандартлаштиришини оммавий жорий этиш учун яна нималарга эътибор бериш керак? Энди мана шу масалаларни баён этишга киришамиз.

Давлат таълим стандартларини кўллаш ўз-ўзидан пайдо бўлиб колмаганидек, уни яратиш ҳам тасодифий бир ҳол эмас.

Вазирлик, таълимда ислоҳотларни амалга ошириш бошланган дастлабки йилларданоқ таълим дастурларини янги мақсадлар йўлида қайта яратиш, таълим концепцияларини, стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этишга, уларни тажриба-синовдан ўtkазиш, таълим стандартлари асосида фаолият кўрсатадиган мактаблар сонини кенгайтириб бориши йўлидан борди. Хорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш, уларни ҳалқимизнинг этник хусусиятлари, миллий шарт-шароитига мослаштирилган холда жорий этиш масаласига алоҳида аҳамият берди.

*Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишининг асосий вазифаси – ўқувчиларга тарих фанидан пухта билим бериш, шу билимларни амалиётда қўлланиш кўнинмалари ва малакасини ҳосил қилишдан иборатdir. Тарихни ўргатиш ёшларга миллий ғояни сингдириш ва уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ҳозирги замон тараққиётининг асосий тенденциялари ва зиддиятлари моҳиятини тўғри тушунишга тайёрлашнинг мухим воситасидир.*

#### Тарих курсининг таълимий вазифалари:

1. Ўқувчилар тарихий жарабённи ва тарихий ривожланишининг ҳамма босқичларидаги ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини характерлаб берувчи мухим тарихий фактларни пухта ўзлаштириб олган бўлишлари зарур.

2. Тарихий фактларни ўзлаштириш натижасида ўқувчилар тарихдаги асосий воқеаларни, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда уларнинг ривожланишиб боришини акс эттирувчи аниқ тарихий тасаввурлар системасини ҳосил килишлари лозим.

3. Ўқувчилар тарих курсидаги мухим тарихий тушунчаларни пухта ўзлаштириши, жамиятнинг ижтимоий ривожланиш конуниятларини мукаммал тушуниб етиши, тарихни ўз ёшига қараб илмий асосда тушуниши лозим.

4. Ўқувчилар тарих курсидан олган билим ва малакаларини янги тарихий материалларни ўрганишда, ўтмиш ва ҳозирги замон воқеаларини тушунишда, кундалик ижтимоий ишларда, ҳаётда қўллай билишлари лозим.


5. Ўқувчилар тарихий материал билан, ҳар хил матнлар (дарслик, тарихий ҳужжатлар, илмий-оммабоп адабиёт, сиёсий рисолалалр, газета ва журнallар),

<sup>1</sup> И. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Тошкент, «Ўзбекистон» налпрайети, 1999 йил, 37-бет.

жарита ва иллюстрациялар билан ишлай билиши, режа туза билиши, маъruzани ёзга билиши, тарихий материални системали ва асосли равишда баён кила билиши айрим тарихий мавзуларда ахборот берса олиши, докладлар кила олиши лозим.

Тарихий фактларни ўзлаштириш таълим-тарбия жиҳатидан хар қанча мухим бўлса ҳам, фактларни билишнинг ўзи ўқувчиларнинг тарихни билиш жараёнидаги биринчи босқичдир.

Тарихни ўрганиб, билиб олишнинг анча юкорироқ босқичи тарихий фактлар ўртасидаги мухим боғланиш ва муносабатларни билиб олиш, уларни амалда тадбик эта олишдан иборатdir.



### Асосий тушунчалар:

**Давлат таълим стандарти** - узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис)нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.

**Тарих бўйича стандартлар структураси ва мазмуни** - кириш, мажбурий минимум, таянч компонент, тайёргарликка талаблар

**«Инновация» - «янгилик», «ислоҳ» яъни таълим тизимидаги ҳар қандай ўзгариш**

**Педагогик инноватика** - педагогик янгиликлар, уларни баҳолаш ва педагогик жамоа томонидан ўзлаштириш, ниҳоят, уни амалиётда кўллаш хақидаги таълимот сифатида қаралади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Давлат таълим давлат стандарти нима, унинг мақсад ва вазифалари.
2. Ўрта таълим тизимида тарих ўқитишининг мақсад ва вазифалари.
3. Ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишининг мақсад ва вазифалари.
4. Ўрта таълим тизими ва ўрта маҳсус таълим тизими структураси.
5. Тарих ўқитиши жараёнининг ўрганиш йўлларини аниқланг.

### **З-мавзу. Тарих дарсларида тарихий тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш**

**Режа:**

1. Тарихий тасаввурлар ва унинг турлари.
2. Тарихий тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва воситалари.
3. Ўкувчилик тарихий қонуниятларни тушунишга олиб келиш.

Тарихий тасаввур ва тушунчалар бир-бири билан узвий боғланган. Ўкувчиларда ходисалар тарихий жараёнлар ҳақида етарли даражада тўлиқ ва аниқ тасаввурлар мавжуд бўлгандагина тушунчалар ҳосил бўла олади. Тарих ўқитиши жараёнида ўкувчиларнинг тасаввурлари чукурлашиб бориши натижасида тушунчаларни шакллантириш учун замин яратилиди. Тушунчалар ўз навбатида тасаввурларни мазмунан бойитиб, аниқлашиб боришига ёрдам беради. Тасаввур ва тушунчаларни ҳосил килиш методик усуллари хам кўпчилик холларда бир-бирига ўхшаб кетади.

*Тасаввурлар ҳосил қилишининг асосий усул ва воситалари.* Тарих ўқитишида ўкувчиларнинг кўз ўнгидаги ўтмишдаги ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзараларини шакллантиришда жонли ва ёрқин образлардан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Шунга эришиш керакки, баён қилинган ҳар бир тарихий факт, географик ном ва шахс фаолияти образли бўлсин. Образлилик – ўкувчиларнинг тарихдан оладиган билимларини илмий ва пухта бўлишининг зарур шартларидан бири, тарихий вакеаларни модернизация қилишининг олдини олиш омили, тарихга қизиқишини ўйғотиш ҳамда тарихий фактларни таҳтил килиш ва умумлаштириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишнинг муҳим воситаси.

Тасаввурларни шакллантиришда тарихий ходисалар образларини ўкувчилар актив суратда идрок этишига қаратилган усуллардан фойдаланади. Ўқитувчи хикоясининг мазмунан кўргазмали ва образли бўлиши, дарслик матнидаги, тарихий хужжатлардаги воеалар ва тасвирий элементлар, бадиий адабиёт асарлари ўкувчиларда тарихий тасаввурларни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласди. Ўқитувчи материални баён қилаётганда, тарихий хужжатлардан, илмий оммабоп ва бадиий адабиёт асарларидан олинган ёрқин тафсилотларга ҳамда ўкувчилардаги тарихга қизиқишининг ортиши, уларнинг муҳим тафсилотларни ажратиб олиши ва хотирада саклаб колишларига ёрдам беради. Бирок, ўкувчиларда аниқ ва пухта тасаввур ҳосил килиш учун ўқитувчи баёнининг жонли ва эмоционал бўлишини ўзи кифоя килмайди. Ўқитувчи ўкувчиларнинг фаол фикрлашини ташкил қилиши ва унга раҳбарлик қилиши лозим. Ўқитувчи кўргазмали куролни шундайгина кўрсатиб, унинг мазмунини тушунтириб, хужжатларни ўқиб қўя колмай, балки ҳикоядаги энг муҳим жойларни алоҳида интонация билан таъкидлаши, кўрсатмали куролларни, матнларни ўкувчиларнинг фаол иштироқида таҳтил қилиб, ундаги энг муҳим элементларни ажратиб чиқиши, ўрганилган хужжатлардаги у ёки бу жиҳатларга улар диккатини жалб қилиши лозим.

Тарих бўйича ҳар бир синф дастурларининг охирида асосий тушунчалар мазмунни белгилаб берилган. Бу тушунчалар курснинг илмий мазмунини,

гоявий-назарий асосларини аниклаб олиши, конкрет тарихий материални таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича иш усуулларини белгилаб олишга ёрдам беради. Тарихий тушунчаларни ҳосил қилиш деганда ўқувчиларнинг тарихий фактларнинг энг мухим белгиларини иккинчи даражали белгиларидан ажратади. Билиши; уларни гурухларга бўла олиши, тарихий воқеа ва ҳодисалар ўргасидаги боғланиш муносабатларни чукур англаб тушуниб олиши кўзда тутилади. Ана шу таҳлитда шаклланган, мукаммал тарихий тушунчалар илмий билимлар системасини вужудга келишида бамисоли занжир вазифасини ўтайди.

Тарихий ўқитиши жараённида тарихий тасаввурлар билан тушунчаларни шакллантириш узвий боғланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Юкорида таъкидланганидек, тарихий тушунчаларни шакллантиришда ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини рағбатлантириш ва унга раҳбарлик қилиш мухим роль ўйнайди. Ўқитувчи раҳбарлигига ўқувчилар ҳодисани фикран бир неча қисмга бўлиб, унинг мухим белгиларини ажратиб олиб, мухим бўлмаган белгилардан айрирадилар ҳамда бир турдаги ҳодисаларнинг энг мухим белгиларини умумлаштирадилар. Ўқувчиларда тарихий тушунчалар ҳосил бўлишига олиб келадиган бу мантиқий фаолият, кўпинча тарихни ўқитиш давомида тарихий тасаввурлар ҳосил қилиш учун хизмат қиласидиган янги материални идрок этиш билан қўшилиб кетади. Ўқитувчи расмни ёки ларсликдаги суратларни таҳлил этиб, уларнинг мазмунини анализ ва синтез килганда, ўқувчиларда ўрганиладиган ҳодисаларнинг мухим белгиларини акс ётирувчи ёркин, аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга қаратилган иш олиб бориш билан бирга, ҳодисаларнинг ўша белгиларини умумлаштирувчи тушунчалар ҳосил қилишга қаратилган иш ҳам олиб боради. Лекин, тушунчалар ҳосил қилишга қаратилган иш ўқувчилар томонидан хатто илгарироқ ўзлаштириб олинган материал асосида олиб борилаётган тақдирда ҳам, бу иш ўқувчилардаги мавжуд тасаввурларни актуаллаштириб, ҳодисалар билан биринчи бор танишилган пайтда уларнинг пайқалмай қолган ёки ажратиб олинмаган белгиларни кўра билишга ва ажратиб олишга ёрдам беради. Ҳодисалар ўргасидаги боғланиш ва муносабатлар қанчалик кўпроқ ва ҳар томонлама очиб берилиб, уларнинг маъноси қанчалик чукурроқ тушуниб етилган сари, умуман, тарих билимлари шунчалик юқорироқ даражада системашиб, ҳар бир ҳодисанинг тарихий жараёндаги ўрни ва роли шунчалик аникроқ аниклаб олина боради.

Тарих ўқитишида тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва воситалари хилма-хил бўлиб, аввало, у тушунчаларнинг мазмуни мураккаблигига боғлик. Масалан, моддий буюмлар (гарпун, омоч, кема) тўғрисида тушунчалар ҳосил қилиш учун бир ёки бир неча соат дарс кифоя қиласа, социологик тушунчалар (ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, синфий кураш, идеология ва бошқа) ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган холда барча тарих курсларини ўрганиш давомида ўзлаштирилади. Ўқувчилардаги тушунчаларни чукур ва мустаҳкам бўлиши, асосан, ўқитувчининг ўқувчилар фикрлаш фаолиятини қанчалик уйғота олиши ва унга қай даражада раҳбарлик кила билишига боғлик. Тарихий тушунчалар ҳосил қилишда ўқувчиларнинг воқеа ва ҳодисаларни анализ, синтез қила олиш қобилиягини ўз ичига олган

фикрлаш фаолиятини кучайтиришда таълимнинг фаол методлари – муаммоли таълим, эвристик сухбат методларидан фойдаланиш, ўкувчиларнинг кўрсатмали куроллар, таълимнинг техника воситалари, тарихий хужжатлар билан ишларини уюшитириш, уларга тарихни чуқур ўрганиш билан боғлик бўлган турли амалий характеристдаги ишларни топшириш алоҳида аҳамиятта эга.

Бир турдаги вокеа ва ҳодисалар, тарихий жараёнлар ҳамда сабаб-оқибат боғланишлар мазмунини тақкослаб ўрганиш жамият тараққиётининг айрим ва баъзи бир умумий қонуниятларини тушуниб олиш имконини беради. Ўқитувчи вокеа ва ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги алоқа ҳамда боғланишларни, кўпинча, дастлаб бир мамлакат тарихини ўрганиш пайтида илгари ўрганилган ҳодисаларга ўхшаш ҳодисаларга дуч келганда ўқитувчи ўкувчиларга бир-бири билан ўхшаш сабаб-натижали боғланишлар тўғрисидаги билим малакаларини ўрганилаётган ҳодисаларни изоҳлаб беришга дедуктив суратда тақкослаб бориш ўкувчиларни: ҳодисалар ўртасидаги бу боғланишлар тасодифий бўлмай, балки барқарор ва зарурий қонуният эканлиги тўғрисида хulosса чиқаришга олиб келади. 6-7 синфларда Қадимги дунё ва Ўрта асрлар тарихини ўрганиш жараёнида қонуният термини кўлланилмаса - да ўкувчиларни қонуният нималигини тушунишга олиб келади. Қадимги дунё тарихида “Қадимги Миср” мавзуси материали асосида ўкувчилар меҳнат куролларининг такомиллашиши, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ортиқча маҳсулотни ишлаб чиқарилиши, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш учун имконият яратилганилиги, синфларни ва давлатни пайдо бўлишига сабаб бўлганлигига тушуниб оладилар.

*Сабаб натижса алоқалари.* Ҳар бир фактнинг сабаблари ундан олдинги фактларда мавжуд бўлади ва шу фактнинг ўзи ҳам, ўз навбатида, кейинги фактларнинг сабаби бўлмоғи мумкин. Ҳар бир йирик тарихий факт ижтимоий ҳаётнинг кўпинча турли соҳаларида мавжуд бўлган бир қанча сабаблар натижасида вужудга келади. Тарихий ривожланишнинг қонунларини чуқур ўрганишда тақкослашнинг аҳамияти каттадир. Масалан, ўқитувчи Қадимги дунё тарихининг охирларида “Қадимги Хинди斯顿” ёки “Қадимги Хитой” мавзуларини ўтаетгандан, ўкувчиларга Қадимги Хинди斯顿, Қадимги Хитой давлатининг пайдо бўлишини ўзларидаги худди шу ҳакидаги билимлар билан тақкослаб ўрганишни тавсия киласди.

Миср, Икки дарё оралиғи, Хинди斯顿 ва шаркий Хитойнинг географик ўрни, иклими, тупроғи ва ўсимликлари, аҳолининг машғулотларини тақкослаб ўрганиш, бу мамлакатларнинг ҳаммаси иклими иссиқ, хосилдор ерларда, катта дарёларнинг водийларида жойлашганлиги, уларда дехкончилик ва чорвачилик эрта ривожланишига сабаб бўлганлиги тўғрисида хulosса чиқаришга, ғоят кулаги шароит туфайли, одамлар ибтидоий меҳнат куролларидан фойдаланишига қарамай, ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилгани, баъзи одамларни бошқалар хисобига яшаси учун имконият туғилганини аниклаб олишларига ёрдам беради.

Қадимги Шарқ мамлакатларидаги дехкончилик системасини тақкослаб ўрганиш, улардаги умумий хусусиятларни, яъни сунъий сугориш ва ерларнинг сувини қочириш йўли билан мўл ҳосил олиш мумкинлигини, меҳнат унумдорлигининг ошиши ва ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлишининг

натижаси ўлароқ эксплуатация, синфлар ва давлатлар вужудга келганигини тушуниб олиш имкониятини беради. Табиат билан бирга, уни авайлаб саклаши, атроф-мухитни муҳофаза килиши зарурлиги ҳақидаги хulosага олиб келинади.

Шундай қилиб, ижтимоий ривожланиш қонунларини ўрганиш узок муддатли жараён бўлиб, у ўқувчиларда умумий назарий билимлар ва илмий дунёкарашни шакллантириш ишларининг мухим таркибий қисмидир.

#### **Асосий тушунчалар:**

**Баён қилиш** - ўқитувчи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш методи.

**Билиш фаолияти** - идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

**Кузатиш** - бирор педагогик ҳодиса бўйича аниқ фактик материал олиш максадини кўзлаган идрок этишнинг шакли.

**Кўникма** - ўрганиш натижасида қўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган харакат, кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилиятларидир.

**Кўрсатма** - эҳтиёжнинг мавжудлиги ва объектив вазият ҳамда уни кондириш билан боғлик равишда олдиндан шахсларнинг маълум фаолигини тайёрлаш, уларни жойлаштириш.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўқувчиларда тарихий тасаввурларни шакллантириш усул ва воситалари.

2. Тушунчаларни шакллантиришнинг усул ва воситалари. Оддий ва мураккаб тушунчалар ҳақида маълумот беринг.

3. Тарихий билимларни шакллантиришда тасаввур ва тушунчаларнинг тутган ўрни.

## **4-мавзу. Тарих дарслерлари ва уларга қўйиладиган замонавий талаблар**

**Режа:**

1. Тарих дарслеги билим манбай ва таълим воситаси сифатида.
2. Тарих дарслегининг асосий таркибий қисмлари.
3. Ўкувчиларнинг дарслек матни ва иллюстрациялар билан ишлаш усуллари.

Ўрта таълим ва ўрга маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишида кўлланиладиган матнларга - дарслек матни, тарихий хужжатлар, асарлар, илмий -оммабоп ва бадий, тарихий адабиётлар ва бошқалар киради. Босма матнлар ўкувчилар тарихий билимларининг асосий манбай бўлгани каби ўқитувчининг билим манбанини, баёнининг асосини ташкил этади. Табиийдирки, ўқитувчи шу манбалардан турли ва унумли фойдаланган тақдирдагина, унинг баёни замон талабларига, умуман ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи тарих таълимининг талабларига жавоб берishi, ўқитувчи баёнининг ўкувчиларга тушунарли, мазмундор, марокли ва илмий жиҳатдан ишонарли, образли ва таъсирили бўлиши мумкин. Шунингдек матнларлар устида ишлаш ўкувчилар. Билимини кенгайтиради, тарихий факт ва ходисаларнинг моҳиятини, уларнинг конуниятларини чукурроқ тушуниб олишларига ёрдам беради, миллый истиколол тарбияси шаклланади, тарихий фикрлаш ҳосил бўлади, улар тарихий воқеаларга баҳо беришга ўрганадилар. Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўкувчилар хар хил матнлар устида ишлаб мустакил иш кўриш малакасини ҳосил қиладилар ва тарихий тадқикот ишларининг дастлабки методлари билан амалий равишда танишадилар.

Ўқитувчи ўқув дастур талабига мувофиқ тарих дарслеги матнини мазмунига дарслек матнини асос қилиб олади. Ўқитувчи ўзининг баёнини бошқа матнлар асосида янада аниқлаштиради ва бойитади. Дарслек матни ўкувчиларнинг дарсда ва дарсдан ташқари тарихни ўрганиш, ўзлаштириш ва уни эсда саклаб колишининг, билиш фаолиятининг, ижодий изланиш ишларини олиб боришнинг мухим манбайдир. Матн ва улардаги саволлар, топшириклар тарих курсининг мазмунини ижодий ўзлаштиришга ва олинган билимларни ҳаётда кўллашга ўргатади.

Дарслек матни устидаги ишлаш ўқув материалини ўзлаштириш ва уни эсда саклаб колиш, ўқув текстини таҳлил килиш ва ундан тарихий воқеа, ходисаларнинг мухим белгиларини топиш, фактлик материалларни ва тарихий фактларнинг мухим белгиларини бир-бирига такқослаш, аниқлаштириш ва умумлаштириш каби турли хил мақсадларда олиб борилади. Шунингдек, матн устида ишлашда хронологияни тайёр тарихий тушунчалар таърифини ўзлаштириш ва уларни мустакил аниқлаш, дарсликда баён килинган воқеа ва ходисаларнинг ривожланишини кузатиб бориш, аниқ тарихий фактлар ва статистик маълумотлар асосида ижтимоий ривожланиш тенденцияларини билиб олиш, маҳаллий, вақтли, сабаб-натижали ва тарихий алоқаларнинг конуниятларини ўзлаштириш ва аниқлаштириш, луғат ишларини мазмунли ва суратли режалар, жадваллар тузиш ва бошқа шу каби унча мураккаб бўлмаган

ёзув ва графика ишларини олиб бориш, матн устида дастурлашган таълим элементларини амалга ошириш каби вазифалар ҳам кўзда тутилади.

## 2. Тарих дарслигининг асосий таркибий қисмлари

ҚЎШИМЧА	АСОСИЙ	ИЗОХЛОВЧИ
<p>Хужжатлар</p> <p>Бадиий адабиётлардан парчалар</p> <p>Биографик маълумотлар</p>	<p>Баён қилувчи Тасвирловчи Тушунтирувчи Муаммоли умумлаштирувчи</p>	<p>Атамалар таърифи</p> <p>Иллюстрациялар изохлар</p> <p>Кавс ичидаги берилган изохлар</p>



<p>Савол ва топшириклар</p> <p>Матнда ажратиб кўрсатишлар</p> <p>Параграфлар бандлари</p> <p>Саналар, атамалар жадваллар</p> <p>Йўрикнома-методик материаллар</p>	<p>Фотосуратлар ва суратлар рецензиялари</p> <p>Даврнинг ишончи тасвиirlари</p> <p>Карта-схемалар, хариталар, схемалар</p>	<p>Мундарижа</p> <p>Рукнилаш</p> <p>Сигнал-символлар</p> <p>Кўрсаткичлар тавсия этиладиган адабиётлар</p>
МЕТОДИК	ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР	ОРИЕНТИРОВКАЛАШ АППАРАТИ

**ҮКУВЧИЛАРНИҢ ДАРСЛИК МАТНИ ВА БЕЗАК МАТЕРИАЛИ БИЛАН ИШЛАШ  
УСУЛЛАРИ**

1. Матнни түшпүнтириш ва изохлаш билин ўтиш	5-6
2. Параграф мазмунини айтиб бериш, саволларга жавоб бериш	5-9
3. Матн юзасидан сұхбат	6-8
4. Дарс хulosаларини дарслык матнидан жумлалар билан тасдиклаш	5-6
5. Атокази отлар ва хронологик саналарни күчириб ёзиш	6-11
6. Безаклар бүйіча хикоя түзиш	5-9
7. Матн бүйіча хронологик ва синхрон жадваллар түзиш	5-9
8. Турли халқларнинг турли даврлардаги мехнат куроллари, курол-ярголари безакларини киёслаш	5-9
<b>С И Н Ф Л А Р</b>	
9. Безак мазмунини түшпүнтириш	5-9
10. Килингандык хulosага даиліллар танлаш	5-9
11. Дафтарда расмлар ишлаш	6-9
12. Дарслықдаги икки матнни киёслаш	8-11
13. Параграфлар ва мавзуу режалари турларини киёслаш	6-11
14. Матнда фактлар баёнини бириңчи манбалар билин киёслаш	10-11
15. Дарслык материалы асосида мавзуни мустакил үрганиш	10-11
16. Авшалықтык жеке тапсынын мөндерін түсінілдікке көштілеш	10-11
17. Жумлалар, хulosалар ва атамалар устида ишлаш	5-11
18. Дарслықдаги лугат ва ориентировкалаш апараты билин ишлаш	5-11

Дарслик матни устида ишлашнинг қўйидаги усууллари мавжуд:

1. Тушунтириб ва изохлаб ўкиш. В синфда Ўзбекистон тарихидан хикояларни ўрганишда ва VI синфда Кадимги дунё тарихини ўқитишнинг дастлабки ойларида ўқитувчи бутун мавзу ёки унинг бирор бўлимини gox баён килади ва gox дарслик матнини ўқиб, тушунтириб беради. Ўқитувчи матнни мураккаб жойларига келганда хикоясини тўхтатиб, матнни овоз чиқариб оҳиста ўқиб беради, ўкувчилар эса матнга қараб кузатиб боришади, тушуниш осон жойларни ўкувчиларнинг ўзларига ҳам ўқитиш мумкин. Матнни ўқиш жараённада ёк унинг мазмунини ўкувчилар томонидан тушуниш даражаси текширилади. “Қани Рустам айтиб бергичи, мана бу абзацдаги “Энг кадимги одамлар жамоаси - одамлар тўдаси” деган жумлани қандай тушунасан? Энг кадимги одамларнинг хозирги одамлардан фаркини-чи?” ўқитувчи ана шу тариқа саволлар бериб ўзининг баёни давомида дарслик матнига тез-тез мурожаат килиб, ундаги янги иборалар, терминларни, кийин жумлалар мазмунини гушунтириб беради. Бу билан ўқитувчи ўкувчиларни дарслик матнини эътибор бериб, тушуниб ўкишга ўргатади, уларнинг дарслик матнини пухта ўрганиб олишнинг аҳамиятини англаб олишларига ёрдам беради, уйда дарслик устида мустақил ишлашларига тайёрлайди. Ўкувчилар тарихий материални тушуниб, матнни ўкишда маълум даражада малака хосил қўлганларидан кейин матннинг энг мухим ва кийин жойларини и з о х л а б ў қ и ш г а ўтилади. Изохли ўқиш ҳам ўқитувчининг баёни билан бирга олиб борилади.

2. Ўқитувчининг ўз баёнида ўкувчилар диккатини дарслик матnidаги айrim жумлалар ва ибораларга жалб этади. Масалан, ўқитувчи Қадимги дунё тарихидаги «Чорвачилик ва дехқончиликнинг бошланиши» — мавзуси хикоя килиб бераётганда, ўкувчилар диккатини дарсликдаги асосий тушунча ва ибораларнинг моҳиятига каратади. Агар зарур бўлса, уларнинг мазмунини тушунтириб беради, ўкувчиларнинг мавжуд билимларига суюниб бу тушунчаларнинг умумий хислатларини, фарқларини, сабаб-натижаларини, улар ўртасидаги боғликларни ҳамда қонуниятларини ўзлаштириб олишларига ёрдам кўрсатади. Бунда ўкувчилар билим олишининг ҳар учала манбаи оғзаки баён, матн устида ишлаш, кўрсатмалилик ва амалий ишлари методи иштирок этади.

3. Дарслик матни мазмунини ўзлаштиришда унинг ҳар бир параграфини тахлил килиш ва улар устида ўкувчиларнинг мулоҳазаларини уюштириш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, ўқитувчи ўкувчиларга дарсда ўтилаётган параграф матнида қўйилган муаммони ва унинг тематик структурасини ажратиб беришни топширади. Ёки ўкувчилар олдига: «мана бу абзаца нима ҳақда гапирилган; унга қандай сарлавҳа қўйса бўлади?» - деган савол қўйилади. Бу йўл билан ўкувчилар матнни эътибор билан ўқиб, ундаги бош масалаларни иккинчи даражадали масалалардан ажратиб олишга, улар асосида режа тузишга ўрганади.

4. Ўкувчилар боб, параграф ва ундаги бўлимларни бир-биридан ажратади. Ўқитувчи янги материални баён қилишдан олдин ўкувчиларга шу параграф ичидаги кичик сарлавҳаларни ўқишини тавсия килади ва дарсни баён килиш режаси билан таниширади, уларнинг мазмунни

ва ифодаланишидаги тафовутларнинг сабабларини изохлаб беради. Ўқитувчи ўзининг баёни давомида кичик сарлавҳалар ичидаги мавзуларга такрор-такрор айтиши мумкин.

5. Дарслик тексти мазмунини бевосита ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишлар. Бу дарслик матни устида олиб бориладиган ишнинг марказий масаласидир. Бу ишлар матнни тахлил килиш, умумлаштириш, тарихий фактларга баҳо бериш, улар ўртасидаги сабаб ва бошқа алоқаларни очиб кўрсатиш ва уларни таққослашдан иборатdir. Бу ишлар куйидаги методик усууллар билан:

а) ҳар бир параграф ёки темача мазмунининг энг муҳим масалалари юзасидан назорат сўроқлар туздириш йўли билан;

б) ўқитувчи берган саволларга ўқувчиларнинг дарслик матнидан жавоб топиш йўли билан;

в) дарслик матнидан ўқитувчининг хulosасини тасдиковчи фактларни топтириш йўли билан;

г) дарслик матнида баён этилган воқеаларнинг бир-бирига ўхшашлигини. фарқларини аниқлаш йўли билан;

д) тасдиклаб беришни талаб қиласидаги вазифалар билан амалга оширилади.

6. Дарслик матни устида ишлашнинг муҳим жиҳатларидан бири — ўқувчиларни ўйда ишлаш учун бериладиган вазифани бажаришга ўргатиш. Ўқувчилар бу вазифани муваффақиятли бажариш учун топширилган вазифанинг мазмунини ва уни бажариш йўлини яхши англаб олишлари шарт. Бинобарин, ўқитувчи уй вазифасини топширишда, унинг характеристерини белгилашда ўқувчиларнинг билим ва малакаларини эътиборга олиши, бериладиган вазифа олдингидан кўра мураккаб бўлиши ва шу билан уларнинг билимлари ва малакалари ошиб боришига хизмат қилиши лозим. Режа тузиш, шунга мувофиқ ҳикоя қилишга ўргатиш, матн юзасидан берилган саволларга жавоб топиш, жадвал, чизма, диаграммалар туздириш ва бошқа хил график ишларни бажариш уй вазифасини ижодий ва мустақил бажариш намуналариdir.

7. Ўқувчиларни дарслик матнидан зарур жойни тез топа билишга ўргатиш хам таълимнинг муҳим жиҳатидир.

8. Ўқувчиларнинг фаол аклий фаолиятининг муҳим методларидан бири, уларнинг ўқитувчи баён қилган янги материални ўзлаштиришда мавжуд билимларни ишга сола билишидир. Ҳар бир дарсда ўқувчиларни мавжуд билимлардан фойдалана билишга ўргатиш лозим. Ўқувчилар олган билимларини эсдан чиқариб юбормасликлари учун вакти-вакти билан уларнинг эътибори дарслик матнiga қаратилади.

9. Ўқувчилар дарслик матнидаги маълумотларни кичик гурухларга бўлиб муҳокама қилишади.

10. Ўйда ишлаб келиш учун берилган топширикларни ўқувчилар қандай бажарганикларини текширишда, оғзаки ёки тест жавобларидағи хатоларни, аниқсизликларни тўғрилаш учун дарслик матнiga мурожаат қилинади.

Шундай килиб, дарслик матни устидаги ишлар турли хил методик усууллар ёрдамида, ўқитиш жараённининг барча босқичларida — материални ўзлаштириш,

билимларни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш даражасини текшириш пайтларида олиб борилади ва хоказо.

Дарслик матни устида олиб бориладиган ишлар ўқитувчи баёнини мазмунан бойитади, долзарблигини оширади, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради ва уларнинг дарслик матнини осонроқ ва пухта ўзлаштириб олишларига ёрдам беради. XIX асрнинг 60-йилларида методист М.М.Стасюлевич ва бошка илгор ўқитувчи ва методистлар ўтмишин тарихий хужжатлар асосида мустакил ўрганишнинг реал методикасини таклиф этиб, уни ўша вактдаги дарслклар асосида ўқитиш усулига қарама-қарши қилиб қўядилар.

XX аср бошларига келиб, тарихий хужжатларни мустакил ўрганиш гоясини методист Н.Рожков давом эттириб, тарихни манбалар асосида ўрганишнинг «лаборатория» методини олга сурди. Мавжуд дарслкларни ёд олдириш системасига қараганда бу харакатлар прогрессив қадам эди. Бироқ, бу методларнинг тарафдорлари ҳам ўқувчиларнинг тарихни мустакил ўрганиш фаолиятилага ортиқча баҳо бериб юборган эдилар.

1920—1930 йиллар мактабларида тарихий воқеалар системали баён қилиб берилган дарслклар ўрнига «ишчи китоблар» тавсия этилди.

1934 йилдан кейингина методика «лаборатория» ва «тадқиқот» методларини ўқитишнинг бош методи қилиб қўишишни инкор этиш билан бирга, тарихий хужжатлар билан ишлаш тарих ўқитишнинг усулларидан бири эканлигини таъкидлади.

Тарихий хужжат, аввало, ўқитувчининг баёнини аниқлаштириш, чукурлатиш ва унга аниқлик киритиш учун хизмат киласди, баённинг ишончли ва эмоционал бўлишини таъминлайди, ўтмишнинг ёрқин образларини, тарихий воқеаларнинг яхлит манзарасини гавдалантиришга, ўрганилаётган давр хусусиятларини англаб олишга ёрдам беради. Хужжат устида ишлаш ўқувчиларни фактлар ва ходисаларни мустакил равища аниқлашга, уларни пухта англаб олиб, хуласалар чиқаришга ўргатади. Шу билан бирга хужжат маълум вазиятни аниқлашга, аҳамиятини билиб олишга, тарихни объектив нуктаси назардан тушунишга ёрдам берадики, уларнинг билиш фаолиятини, фикрлашини фаоллаштиради, ўкув ишлари фаолиятининг янги усуллари билан куроллантиради, зарур бўлган малака давримизнинг ижтимоий-сиёсий характердаги хужжатларини ўқиб, тушуниб олиш малакасини хосил киласди.

Тарихий хужжатлар билан ишлашнинг яна бир муҳим томони шундаки, бу иш ўқувчиларни тарихий тадқиқот методининг элементлари билан таништиради ҳамда уларни тарихий хужжатларга танқидий карашга ўргатади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълимнинг янги мазмуни амалга ошиши муносабати билан тарих ўқитишида тарихий хужжатларнинг аҳамияти янада ошиди. Янги дастур асосида ёзилган дарслклар мазмунининг асосий қисмини тарихий хужжатлар ташкил этади. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ҳам тарихий хужжатлар билан ишлаш зарурий бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу иш ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тажрибасида оммавий тус олди.

Дарслклардаги тарихий хужжатлар ҳар бир синфдаги ўқувчиларнинг ёши, билим савијаси, ўша синфда ўрганиладиган тарих курсининг хусусиятларига

караб киритилган. Шу сабабдан дарсликлардаги тарихий хужжатлар ўзларининг характеристи, кўлами ва мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди.

VI синф ўкувчиларининг ёши, билими ва уларнинг тарихий хужжатлар билан деярли биринчи марта танишишларини эътиборга олиб, дарсликка асосан ҳикоя ва тасифлаб бериш характеристидаги хужжатлар киритилган. Тарих дарслигига киритилган хужжатли манбаларни асосан уч гурухга бўлиш мумкин: 1) моддий маданият буюмлари, 2) тасвирий санъат асарлари, 3) ёзма манбалар.

1) *Моддий маданият буюмларига* — бизгача сакланниб келаётган ёки илмий асосда қайта тикланган бурунги меҳнат куроллари, курол-яроғлар, зеб-зийнат буюмлари, уй-рӯзгор анжомлари, турар жойлар, кўргонлар, мақбаралар, қадимги шаҳар ҳаробалари ва бошқалар киради. Ўкувчилар меҳнат куроллари ва бошқаларга қараб, одамларнинг машгулотларини, ҳашаматли иморатлар ва пастқам кулбаларга қараб синфий бўлиниш мавжудлигини, диний маросимларга ва кишиларнинг дағн қилинишидаги расм-руссумларга доир топилдиклар асосида ўша замондаги диний эътиодларини билиб оладилар.

2) *Тасвирий санъат асарларига* — моддий воқеликни, одамлар ва уларнинг бир-бирига муносабатини ҳамда уларнинг теварак-атрофидаги нарсаларни — ҳар хил буюмларни, географик мухитни бевосита тасвирилаб берувчи асарлар. одамларнинг ҳар хил руҳлар, арвоҳлар, жинлар, алвастилар, афсонавий қаҳрамонлар, девлар ва ҳоказолар ҳақиқидаги хаёлий тасаввурларини акс эттирувчи асарлар киради.

3) *Ёзма манбалар* — қонуналар, буйруқлар, хўжалик ишларига доир ёзувлар, шартномалар, хизмат вазифасига оид ёзишмалар, сиёсий нутклар, суд хукмлари, йилиномалар, хроникалар, мемуарлар, шаҳар ва мамлакатлар тасвирилаб ёзилган асарлар, ҳатлар ва ёзувлар киради. Қадимига дунё тарихида берилган бу хужжатли материаллар ўкувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашда мухим ўрин тутади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг ҳар бир янги боскичида дарсликлардаги хужжатли материалларнинг характеристи ўзгариб. кўлами ортиб ва мураккаблашиб боради. Бу дарсликларда ҳикоя ва тасвирий характеристидаги хужжатлар камайиб, хўжалик ва юридик характеристидаги хужжатларнинг салмоги кўплайтан.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиш тажрибасида тарихий хужжатлар билан ишлашнинг куйидаги икки усули, яъни тарихий хужжатлардан ўқитувчининг баёнида фойдаланиш усули билан ўкувчиларнинг матн устида ишлаш усули кўлланилади.

Ўқитувчи ўзининг баёнини конкретлаштириш ва унинг эмоционаллигини ошириш мақсадида хужжатлардан олинган парча, жумла, ифодалардан, ёрқин образлар ва характеристикалардан фойдаланади. Фойдаланилган хужжатларнинг ҳаммасининг ҳам манбаларини айтиш шарт эмас, «солномачилар», «замондошларининг» маълумотларига караганда деган умумий иборалар билан чегараланилса кифоя.

VIII — IX синф ўкувчиларини кўпроқ мемуар характеристидаги материаллар, тарихий воқеаларнинг замондошлари ва қатнашувчилари берган маълумотлар

қизиктириди. Фойдаланилган тарихий хужжатнинг кўрсатмаси булиши керак, бу кўрсатма ўқитувчи баёнини, баёндаги характеристика ва чиқарилган хулосаларни тасдиқлади.

Тарихий хужжат ўқитувчи баёнини, баёндаги характеристика ва чиқарилган хулосаларни тасдиқлади.

Ўқитувчи дарслик ёки хрестоматиядан олинган хужжатнинг мазмуни ва ўкувчиларнинг тайёргарлигига қараб уни тахлил қилиши, синф ўкувчиларига хужжат юзасидан саволлар бериши ёки умумлаштирувчи аналитик сұхбат ёрдамида тахлил қилиши мумкин. Тарихий хужжатлар устида ишлашда ўкувчилар уларни нима учун хизмат қилишини, танишилаётган хужжатлар қаҷон ва кимлар, қайси табака намояндалари томонидан яратилганини, улардан нималарни билиб олиш мумкинligини, қандай масалаларни билиб олишда хужжатларга мурожаат қилиш кераклигини англаб, тушуниб олишлари лозим. Агар хужжатларда тушуниш қийин бўлган терминлар учраб колса, улар доскага ёзib тушунтирилади, ўкувчилар лугат дафтарчасига ёзib олади.

V — VII синф ўкувчиларини ҳам хужжатлар билан ишлашга қизиктириб бориш керак.

Тарихий хужжатлар устида ишлашнинг турли усууллари бор.

1. Ўқитувчи тарихий хужжатни ўзи тахлил қилиб бериши мумкин.
2. Тарихий хужжатларни ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига ўкувчилар дарсда тахлил қилиши мумкин.

3. Ўқитувчи ўкувчиларга маълум хужжатларни уйда мустакил тахлил қилиб келишни топшириши мумкин.

Тушуниш қийин бўлган мураккаб тарихий хужжатларни ўқитувчининг ўзи ўқиди, тахлил қилиб изоҳлаб беради. Ўкувчилар матнни кузатиб боришида ва ўқитувчининг тушунтиришларини диккат билан тинглашади. Юқори синфларда хужжат изоҳ бериб ўқилади. Ўқитувчи хужжат юзасидан ўкувчиларга саволлар бериб, проблемалар қўйса, ўкувчиларнинг билиш ва фикрлаш фаолияти активлашади. Ўрга таълим таълим тизимида ўқитувчи хужжатни ўзи тахлил қилиб беради, аммо шу билан бирга ўкувчиларни хужжатлар билан ишлашга ҳам ўргатади.

Ўқитувчи хужжатлар билан ишлашнинг яна бир усулини, яъни хужжатларни ўкувчилар билан бирга тахлил қилиш усулини кўллади. Ҳар бир матнда ҳам осон ва мураккаб жойлар бўлади. Матндан мураккаб жойларни ўқитувчининг ўзи ёки сұхбат ёрдамида савол - жавоб йўли билан тушунтиради. Осон жойларини ўкувчиларга мустакил ўқиб ўрганишни вазифа қилиб топшириш мумкин.

Ўкувчиларга уларнинг билим ва малакаларига яраша тушунарли хужжатлар танлаб берилган ва хужжатлар устида мустакил ишлашни илгари ҳам машқ қилиб кўрган бўлсалар, ўқитувчи вазифа қилиб берган хужжатларни мустакил ўқиб, пухта тушуниб олишлари мумкин. Лекин, бунда ҳам ўқитувчи бу ишга раҳбарлик қиласи, қийин жойларини ўқитувчи раҳбарлигисиз, осон жойларини ўкувчиларнинг ўзлари мустакил ўрганадилар. Хўжалик, юридик ва шу каби бошқа қийинрок характердаги хужжатлар ўқитувчи раҳбарлигига тахлил қилинади.

VIII синфлардан бошлаб баъзи дарслар соатининг бир қисми ёки бутун дарс хужжатлар устида ишлашга багишланади. Ўкувчиларнинг дарсда ва уйдаги мустакил ишларига талаб ортиб боради. Тарихий хужжатлар асосида қисқача

аҳборот ва рефератлар тайёрлаш, хикоя қилишга тайёрланиш, схематик план ва бошқа графика ишларини бажариш, иншо ёзиш ва х. к. Ўқувчиларнинг хужжатлар устидаги мустакил ижодий ишлари каторига киради. Ўқувчиларни хужжатларни ўрганишга кизиктириш, бунга уларда иштиёқ уйғотиш керак. Бунинг учун уларга хужжатлар маълум даврнинг моддий ёдгорлиги ва янги билимларни эгаллашнинг муҳим манбаларидан бири эканлигини алоҳида уқтириш лозим. Хужжатни ўрганишда унинг ким томондан, қачон, қайси синф манбаатини кўзлаб ёки нуқтаи назаридан яратилганини, ўша вактдаги мамлакатнинг ички ва ташки аҳволини тушунтириб бериш зарур.

Ўқувчилар қадимги дунё тарихининг кириш кисмида ёзма манбалар ҳакида маълум тушунча хосил қиладилар. Кейинчалик, бу тушунчалар ҳар хил ёзма ёдгорликларни ўрганиб бориш, турли музей ва архивлардаги ёзма ёдгорликлар билан танишиш жараёнида конкретлашиб, бойиб, кенгайиб боради.

Шундай қилиб, тарихий хужжатлар ўқитувчи баёнини аниқлаштиради, мазмунини чуқурлаштиради, унга аниклик киритади, ишонарли ва эмоционал бўлишини таъминлайди, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини, фикрлашини фаоллаштиради, билимлари пухта ва мустахкам бўлишига ёрдам беради, билим олишнинг янги усувлари, илмий тадқикот шакллари билан таништиради.

#### **Асосий тушунчалар:**

**Моддий маданият буюмларига** — бизгача сақланиб келаётган ёки илмий асосда кайта тикланган бурунги меҳнат қуроллари, қурол-яротлар, зеб-зийнат буюмлари, уй-рӯзгор анжомлари, турар жойлар, қўрғонлар, макбаралар, қадимги шаҳар харобалари ва бошқалар киради.

**Тасвирий санъат асарларига** — моддий вокеликни, одамлар ва уларнинг бир-бирига муносабатини ҳамда уларнинг теварак-атрофидаги нарсаларни — ҳар хил буюмларни, географик мухитни бевосита тасвирлаб берувчи асарлар, одамларнинг ҳар хил руҳлар, арвоҳлар, жинлар, алвастилар, афсонавий қаҳрамонлар, девлар ва ҳоказолар ҳакидаги хаёлий тасаввурларини акс этирувчи асарлар киради. **Қўнимикма** - ўрганиш натижасида кўлга киритилган, беийтиёр, автоматик тарзда бажариладиган харакат, қўнимкалар бирор харакатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш кобилиятлариdir.

**Ёзма манбалар** — қонунлар, бўйруклар, хўжалик ишларига доир ёзувлар, шартномалар, хизмат вазифасига оид ёзишмалар, сиёсий нутклар, суд хукмлари, ийлномалар, хроникалар, мемуарлар, шаҳар ва мамлакатлар тасвирлаб ёзилган асарлар, хатлар ва ёзувлар киради.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тарих дарслигининг билим манбаи сифатида.
2. Тарих дарслигини асосий компонентлари.
3. Матн ва матндан ташқари компонентларни аниқланг.
4. Дарсликнинг асосий матнига нима киради?
5. Дарсликдаги методик компонентларини аниқланг.
6. Ўқувчиларнинг дарслик матни ва безак материали билан ишлаш усувлари.

## **5-мавзу. Тарих ўқитишининг ташкилий шакллари. Дарс, унинг турлари ва тузилиши**

### **Режа:**

- 1.Дарс - ўкув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли.
- 2.Замонавий тарих дарси, унга қўйиладиган талаблар. Тарих дарслари мавзуларининг узвийлиги ва дидактик жиҳозланиши.
- 3.Дарс турлари.

Тарих курси олдига қўйилган таълим – тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир синфда ўқитиладиган тарих курсининг тутган ўрни, унинг таълим-тарбиявий вазифалари, ҳар бир бўлим ва бўлимдаги мавзулар, ҳатто ҳар бир дарсда ўтиладиган мавзунинг хам жузъий вазифалари олдиндан аник белгилаб олингандан кейингина тарих ўқитишига киришиш мақсадга мувоғик бўлади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишининг мақсад ва вазифаларини муваффакиятли амалга ошириш биринчи навбатда ўқитувчининг ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини олдиндан аник ва тўғри белгилаб ола билишига боғлиқдир. Бу хам, ўз навбатида, ўқитувчининг дарснинг таълим-тарбия вазифаларини тўғри белгилаш методи ва усуслари ҳакидаги назарий билим ва малакаларининг даражасига боғлиқдир.

Дарс – ўкув ишининг асосий ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчи аник белгиланган дарс доирасида ўқувчиларнинг доимий таркиби билан катъий жадвал бўйича шуғулланади, жамоавий билиш фаолиятига раҳбарлик килиб, ўкув дастурига ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Дарс ўкув ишини ташкил қилишнинг асосий шакли, аммо у таълимнинг бошқа шаклларини: лекция, практикумлар, лаборатория машғулотлари, семинарлар, консультациялар, уй вазифалари, қўшимча машғулотларни ривожлантиришни истисно этмайди.

Таълимни ташкил этишининг ёрдамчи шакллари факультатив машғулотлар саналади. Улар ўқувчиларнинг кизиқишлари асосида ташкил этилади: тўғараклар, клублар, олимпиадалар, викториналар, кўргазмалар, экспедициялар ва хоказолар.

Дарс ўқувчиларнинг доимий таркиби, машғулотларнинг аник белгиланган рамкага эгалиги (ҳар бир дарс мактабда 45 минут, академик лицей ва коллежда 80 давом этади); жадвал олдиндан тузиладиган ва ўкув ишлари бирор аник мавзуда ташкил этилиши каби ўзига хосликларга эга бўлган таълимнинг жамоа шакли хисобланади.

Дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабат жараёни шахсий алоқага асосланган. Ўқитувчи дарсда истисносиз барча ўқувчиларнинг фаолиятларини йўллайди ва назорат киласи, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлари орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро контролни кўллаб кувватлайди. Ўқитувчининг дарсдаги иши барча ўқучиларнинг дарснинг ўзидаёт ўрганилаётган билим асосларини эгаллашлари, зарур кўнкимга ва малакаларни хосил қилишлари учун замин яратади.

**2. Дарсларнинг типлари ва структураси.** Дарс – дарсларнинг бутун тизимидағи звено бўлиб, улардан ҳар бири ўзининг маълум вазифасини ҳал қиласди. Бу вазифа ўқитиш звеноларидан келиб чикади. Бундай айрим дарслар барча звеноларни, бошқалари фақат айримларини, учинчилари фақат биттасини қамраб олиши мумкин. Дарслар қанча звенони қамраб олиши ва қандай вазифаларни ҳал этишига кўра турлича структурага эга бўлган типларга бўлинади. Структура – бу дарс қисмларининг нисбати ва ўзаро боғланиши бўлиб, улар ўз вазифаси ва ўқитувчи билан ўқувчилар фаолияти характеристи билан фарқ қиласди.

Демак, етакчи дидактик вазифа ва структурага кўра дарслар қўйидаги типларга бўлинади:

1 Комбинацион дарслар (ўқитувчи янги материални тушунтиради, мустаҳкамлайди, тақоррлайди, контрол қиласди).

2 Янги материални ўрганиш дарслари.

3 Билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш дарслари.

4 Машклар ва амалий ишлар дарслари.

5 Умумлаштирувчи тақоррлаш дарслари.

6 Лаборатория дарслари.

7 Ўқувчилар билимини назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш дарслари, бундан ташқари стандарт бўлмаган, инновацион дарс шакллари ҳам кенг кўлланилади: семинар-дарслар, конференция-дарслар, ролли ўйинлар, интеграллашган дарслар.

Аралаш ёки комбинацион дарс ўзида ўқув ишларининг турли максад ва турларини акс эттиради

- ўтилган материал устида ишлаш;

- янги мавзуларни англаш ва ўзлаштириш;

- амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

Шу билан боғлиқликда аралаш дарсда одатда қўйидаги структуравий компонентлар ажралади.

- ўқувчиларни дарсга тайёрлаш;

- тақоррлаш-умумлаштириш ишлари;

- янги материални англаш ва ўзлаштириш ишлари;

- билимларни амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш ишлари бўйича ишлар;

- уйга вазифа;

Янги материални баён қилиш дарслари. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларни янги материал устида ишлашдан хабардор қиласди ва ўрта ва юкори синфларда катта ҳажмли ва мураккаб материалларни ўрганишда муваффақиятли кўлланилади.

Бундай дарс структураси: ўқувчиларни дарсларга жалб этиш, дарс мақсадларини кўйиш; кисқа текшриш, уйга вазифа.

Ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш дарслари унинг янада чукурроқ англаш ва ўзлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш максадидан келиб чиқиб, ҳамма

синфларда алохуда мавзуни ёки бўлимларни ўрганилгандан кейин ўтилган материални тақорлашга йўналтирилиб ўтказилади.

Тақорлаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш дарслари ўкув дастурининг катта бўлимларини тақорлаш билан боғлик ва дарҳол мавзуларни ўрганилгандан кейин ёки ўкув иили охирида ўтказилади.

Дарс тузилиши замонавий дарс амалиёти ва назариясида принципиал, аҳамиятга эга, худдий шундай таълимда самарадорлиги ва натижа эгалигини аниклаб беради. Дарс элементлари сифатида куйидаги таркибий қисмлар ажратилади:

- янги материални ўрганиш;
- уйга вазифа;
- билимларни назорат килиш;
- билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш;
- ўрганилган материалларни мустаҳкамлаш.

Дарсни **тайёрлаш ва ўтказиш**. Замонавий дарсга куйилаётган юксак талаблар ўқитувчини ҳар бир дарсга жуда ва пухта ўйлаб тайёрланишга мажбур килади. Ҳар бир дарсга пухта тайёрланишнинг сабаби ўқувчилар таркибининг ўзгараётганлиги, акселерация жараёнларининг кучави, информацияларнинг “сөл”дек оқиб келаётганлиги, турли мафкуравий полигонларнинг пайдо бўлаётганлиги, иш шароитларининг ҳам ўзгараётганлиги, таълимда янги инновацион ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилаётганлигидадир. Аммо, ўқитувчининг ҳар бир алохуда дарсга тайёрланиш, унинг ўз ўкув ишига тайёрланиш тизимининг бир қисми, холос.

Бу тизим: а) ўқитувчининг ўз предмети бўйича ДТС ўзлаштириш; б) ўкув дастурининг ҳар бир мавзусига тайёрланиш; в) ҳар бир дарсга тайёрланишни ичига олади.

Ҳар бир алохуда дарсга тайёрланишда ўқитувчи куйидаги ишларни амалга оширади: мавзуни аниклайди ва дарс вазифаларини конкретлаштиради;

Ўкув материали мазмунини ажратади ва уни дидактик жиҳатдан ишлаб чиқади(етакчи тушунча, конуният, факт ва амалий маълумотларни ажратади); илгари ўрганилган билан боғланишини, мазмунни жойлаштириш мантиқини назарда тутади;

Ўқувчиларнинг ўкув- билиш фаолиятлари характеристини аниклайди, яъни қандай кўнинма ва малакалар шаклланишини, репродуктив ва изланиш фаолияти, мустакил иш ва ўқитувчининг роли ўртасидаги нисбат қандай бўлишини ўйлаб куяди. Шу шаклларни ишлаб чиқади, дарс қисмларини ажратади.

Ўқитиши методлари: масала, машқ, муаммоли саволлар, топшириқларни танлайди ва аниклайди. Ўқитишнинг ТВ танлайди ва текширади.

Бутун дарс жараёнини режалаштиради.

Яҳши тайёрланган дарсни яна уюшган ҳолда аник ва самарали ўтказа билиш ҳам керак. Бунда куйилаги қоидаларга амал қилиш лозим:

а) дарсни аник ва уюшган ҳолда бошлаш, бунинг учун эса дарсга ҳамма нарса олдиндан тайёрланган бўлиши керак;

б) ўқувчилар эътиборини дарс мазмунига қарата билиш ва уни бутун дарс давомида ўқучиларнинг билиш фаолиятини активлаштириб саклай билиш.

с) дарсда вактдан оқилона фойдаланиш;

д) ўз ҳатти – харакатини кузатиш. Фоявий эътиқод, юксак ахлоқийлик ва маданият, гапириш ва талаб килиш, рағбатлантириш, ўқувчиларга мурожат килиш услуби буларнинг барчаси ўқитувчи фаолиятининг услубини белгилайди, ҳамда ўқувчиларнинг зўр бериб ишлаши ёки ўта эмоционал қўғолувчанлигини истисно қиласди.

5) дарсда тадбиркорликни намойиш қилиш юзага келган шароитни дарсни ўтказиш шароитларидаги ўзгаришларни хисобга олиш зарур.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих курси олдига қўйилган таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳар бир дарснинг таълим-тарбия вазифаларини, шунингдек, унинг бошика дарслар системасида тутган ўрнини аниқ белгилаш ва шу вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Лекин, ҳар қандай тарбиявий вазифани ҳам, бир ёки бир неча дарсда ёки синфдан ташкари машғулотларда ўтказиладиган айрим тадбирлар воситасида батамом мукаммал ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳар бир тарих дарсида ва дарсдан ташкари машғулотларда тарих ўқитиш олдига қўйилган фоявий ва тарбиявий вазифаларнинг қандайдир бир элементи амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ҳар бир тарих дарсига тайёрланишда бу дарс олдин ўтилган дарсларнинг давоми, бу дарсда ҳал килиниши керак бўлган таълим-тарбия вазифалари эса олдинги ёки келгуси дарсларда бажариладиган таълим ва тарбия вазифаларининг ажралмас бир таркибий қисми эканлигини унутмаслиги керак.

Илмий дунёкарашнинг асосини ташкил этувчи муҳим тушунчаларни ўқувчилар аста-секинлик билан, бир қанча дарслар давомида ўзлаштириб боради, янги тушунчалар кейинги дарс материаллари асосида конкретлашиб, янги мазмун билан бойийди. Кейинги дарс ўқувчиларнинг аввалги дарсларда олган билими, ортирган малакаларини кенгайтиради, уларда янги тушунчалар хосил қиласди. Ўқувчилар тарихий жараёнларни кенг ва чуқуррок тушунадиган бўлиб боради.

Ўқитувчи ҳар бир навбатдаги дарсни режалаштирас экан, бутун тарих курсининг бир қисми бўлган бу дарсда таълим ва тарбия вазифаларининг қайси бўлаги ёки элементи қай даражада, қандай материаллар асосида ва қайси томонини ҳал қилиши, ўқувчиларни қандай умумий хуласаларга олиб келиши, қандай тарихий тушунчаларни аниқлаши ёки кенгайтириши, қандай янги гоялар тушунтирилиши, уларни қай тарзда таништириши кераклигини пухта ўйлаб олиши зарур.

Ўқитувчи бутун тарих курсининг таълим-тарбия вазифаларини айрим мавзуларнинг таълим-тарбия вазифалари билан боғлаб режалаштиромоги керак. Мавзулар бўйича режалаштириш мавзуларни ўқитишнинг методик системасини ишлаб чикишга ёрдам беради. Мавзулар бўйича режалаштирганда ҳар бир мавзунинг бутун тарих курсида тутган ўрни ва роли аниқлаб олинади.

Хар бир дарснинг таълим-тарбия вазифалари ўз-ўзидан эмас, балки ўқитувчининг онгли ва режали иши асосидагина мувваффақиятли амалга оширилуви мумкин. Ўқитувчи дарсга тайёрланаётганда ўкув дастурининг хажми ва мазмунини хисобга олиб материал танлайди, дастур ва дарслек асосида дарс режасини тузади, материални жойлаштиради ва уни баён қилишда хужжат ва бошка кўрсатмали куроллардан фойдаланиш методларини белгилайди.

Аммо, бу ишлар ўқитувчи дарснинг асосий гоясини, ундан кўзлананаётган таълим-тарбия вазифаларини, дарсда нимага эришиш, ўкувчиларда қандай гасаввур ва тушунча хосил қилиш кераклигини аник ва тўғри ҳал қилган тақдирдагина ўқитувчи кўзланган мақсадга эришиши мумкин. Дарснинг бош гояси ва унинг тарбиявий вазифалари тўғри ва аник белгиланмай ўтказилган дарс дастурида кўрсатилган фактларни тасодифан, шунчаки санаб ўтишдан иборат бўлиб колади.

Материал танлаш ва уни изчиллик билан жойлаштириш, дарсда кўлланиладиган бутун дидактик усуллар ва методик воситаларнинг ҳаммаси дарснинг бош гоясига, унинг таълим ва тарбия вазифаларини ҳал этиш мақсадига бўйсундирилиши керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарснинг бош гояси ва унинг таълим-тарбия вазифаларини аниглаш ўқитувчининг дарсга тайёрланишида энг муҳим боскични ташкил киласи.

Тарих дарсига тайёрланишнинг бу муҳим боскичи энг масъулиятли бўлиши билан бирга, ишнинг энг кийин томони ҳамдир.

Тарих дарсларининг бош гоясини, унинг таълим-тарбия вазифаларини аниқ белгилаш, айникса, ёш, тажрибасиз ўқитувчилар учун кийин кўчади. Улар кўпинча дарснинг таълими вазифалари билан тарбиявий вазифаларини аник ажратса олмай, уларнинг бирини иккинчиси билан арапаштириб юборадилар ёки конкрет дарс материалини, унинг мазмунини хисобга олмай, тарбиявий вазифаларни умумий равишда белгилаш билан чекланиб кўя коладилар. Бундай ўқитувчилардан кўпинча - шу дарснингизда қандай муҳим тарбиявий вазифаларни ҳал қилишингиз керак эди, - деган саволга,- ўкувчиларни миллий рухда тарбиялашни кўзда тутдим,— деган мазмундаги умумий жавоб олинади.

Текшириб кўрилганда, мавзуларнинг гоявий мазмуни ва таълим-тарбия вазифаларини очиб беришга ожизлик қилган бу талабаларнинг кўпчилиги ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимида тарихдан дарс берувчи ўқитувчилар эканлиги аниқланди. Айни вактда уларга тарих ўқитиши методикасининг назарий кисми ҳам ўтилган эди.

Кўп йиллик педагогик амалиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқитувчилар учун дарсларнинг мақсадини, таълим-тарбия вазифаларини белгилаш энг муҳим, масъулиятли иш бўлиш билан бирга, чукур билим, малака ва маҳоратни талаб қиласиган жуда мураккаб ишdir. Бинобарин, юқори малакали тарих ўқитувчиларини тайёрлашда бу муҳим масалага алоҳида эътибор бериш талаб килинади.

Энди мазкур учала мавзуни ўқитишдан кузатилган мақсадлар ва таълим-тарбиявий вазифаларни, улар мазмунидаги умумийликлар билан ўзига

Аввало шунни айтиш керакки, тарих дарсларининг гоявий мазмуни, таълим-тарбия вазифалари тарих программасида берилган материал мазмунига қараб белгиланади.

Ўқитувчи дарсда тарихий воқеалар ва айрим фактларни баён қиласа экан ўкувчилар учун уларни билишининг қандай аҳамияти борлигини жиддий ўйлаб кўриши, энг муҳим ва характерли тарихий фактларни айниксана кенгроқ килиб гапириб ва таҳлил қилиб бериши, воқеаларнинг моҳияти, унинг конуниятлари ва тарихий аҳамиятини очиб кўрсатиши лозим.

Тарих дарсларининг асосий мазмунини ташкил этувчи тарихий воқеанинг моҳиятини, уни келтириб чиқарган сабабларини, унинг конуниятлари, аҳамияти ва натижаларини чукур ўрганиш асосидагина дарснинг гоявий мазмунини. таълим-тарбия вазифаларини тўғри ва аниқ белгилаш мумкин.

Ўқитувчи тарих дарснинг мазмуни, таълим-тарбиявий вазифаларини белгилашда тарихий асарлар ва давлат хужжатларига асосланаб иш кўриши керак. Давлат хужжатлари тарих ўқитишининг назарий ва методологик асосини ташкил этади.

Асарлар юкоридаги намуналарда келтирилганидек, бальзи мавзуларнингина эмас, балки бутун тарих курсининг мазмуни, таълим-тарбия вазифаларини белгилашда ўқитувчи учун асосий методологик манба бўлиб хизмат қиласи. Шунингдек, дарсда улардан фойдаланиш ўқитишининг гоявий, илмий-назарий савиасини оширишга ёрдам беради. Мавзуни замонага боғлаб ўрганиш унинг мазмунини чукурроп англаб олишга ёрдам беради, мавзуни ўрганишга кўпроқ кизиктиради, уни актуаллаштиради, дарснинг таълим-тарбиявий аҳамиятини оширади.

Тарихни хозирги замон билан боғлаш учун аввало, бутун кишилик жамияти тарихини ижтимоий-иктисодий тараққиёти ва алмашиниб туриши муқаррар эканлиги хакидаги баён қилиш, тарих дарсларининг гоявий мазмуни таълим-тарбия вазифаларини белгилашда тарих ўкув дастурининг уқтириш хати ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу хатда тарих курсининг таълим-тарбиядаги роли вазифалари ва мазмуни аниқ кўрсатиб берилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарсга тайёрланишда ДТС ва ўкув дастурининг уқтириш хатидаги кўрсатмалар назарда тутилади.

Тарихдан методик кўлланмалар ҳамда маҳсус методик адабиётлар ҳам катта роль ўйнайди. Ўқитувчи тарих дарсларининг таълим-тарбия вазифаларини белгилашда албаттга улардан фойдаланиши керак.

Тўғри, тарихнинг ҳамма бўлимлари бўйича ҳам дарсларнинг таълим-тарбия вазифаларини аниқ белгилаб олишга ёрдам берувчи кўрсатмани топиш кийин. Шунинг учун бу соҳада ҳар бир ўқитувчи шахсан ўз тажрибаси, ижодига таяниши керак бўлади.

Дарсга пухта тайёргарлик кўриш, унинг таълим-тарбия вазифаларини тўғри ва аниқ белгилаб уйғунлаштириб олиб боришининг ўзи кифоя қилмайди. Муҳим методик восита - дарсда таълим-тарбияни уйғунлаштириб боришига ёрдам берадиган метод ва воситалардан тўғри, ўринли фойдалана билишdir.

Тарих ўқитишида таълим билан тарбияни уйғунлаштириб боришига ёрдам берадиган метод ва воситалар нималардан иборат?

Тарих билимларининг тарбиявий таъсири шу билимларнинг қай дарајжа тарихий фактларга асосланганлиги ва уларни дарсда ишончли ҳамда эмоционал тарзда очиб берилишига боғлиқдир. Ўкувчилар тарихий фактларнинг тўғрилигини тушуниб боришлари ва фактлар асосида чиқарилган хulosалар улар учун ишончли бўлмоги лозим. Шунингдек, ўкувчилар баён этилган фактларнинг шу жиҳатдан тўғрилигига комил ишонч хосил қилишлари ҳам зарур.

Тарих ўқитишининг мухим вазифаси --- тарихий ҳодисаларга берилган илмий баҳоларни ва ўрганилаётган материал юзасидан чиқарилган бошқа хulosаларни ўкувчиларга ишонарли қилиб тушунтириб беришдан иборат. Маъносини яхши тушунмасдан ёдлаб олинган хulosалар ўкувчилар учун ишонарли бўлмайди, тафаккур билан, эмоционал кечинмалар натижасида, тушуниб, билиб олинган хulosалар ишонарли бўлади.

Тарих илми ўкувчиларнинг тарихий фактларга, ҳалқларнинг фаолиятига, ижтимоий синфларнинг намояндаларига, ижтимоий идеология ва шу кабиларга эмоционал муносабатини уйғотади. Тарихий билимларни ўзлаштиришнинг эмоционаллиги билимларнинг пухта эгалланишида, тарихга қизикишни оширишда, тарихий фактларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришда, бу билимни ўрганишда, умуман ўкувчиларнинг фаоллигини кучайтиришда мухим ўрин тутади.

Ўқитувчи тарих фанининг бугунги кун талаблари ва ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих курсининг мақсад, вазифаларига жавоб берадиган энг мухим тарихий фактларни танлай билиши, уларни ўкувчилар онгига жонли ва образли қилиб етказа билиши лозим. Ўкувчилар кўз ўнгидаги ўтмиш ва ҳозирги замон воқеалари тўғрисида жонли ва ёрқин тасаввур хосил қила билиш, уларда хис-туйғу уйғотиш, ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзарасини гавдалантириш, билимларни онгли ва пухта ўзлаштиришнинг мухим шартларидандир. Шунга эришиш керакки, ҳар бир айрим ва ҳатто кисқача баён килинган тарихий факт, ҳар бир географик ном ва шахсларнинг фаолияти ҳам аниқ образлар ёрдамида ўрганиладиган бўлсин. Образли тасвир, образли баён ўкувчилар билимининг илмий ва пухта бўлиш шартларидан биридир.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих курсининг мақсади, таълим-тарбиявий вазифалари ва мазмунини билиш ташкилий формаси учун тарих ўқитишининг илмий асосларини эгаллаб олишнинг ўзи кифоя қilmайди. Тарих курсини ўқитиш, уни ўкувчиларнинг ўрганиши ҳам дарсда ва дарсдан ташкаридаги машғулотларда ҳам давом этади. Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълим-тарбия ишларининг асосий ташкилий формаси дарсdir. Зотан, тарих дарслари тизимида ҳар бир дарснинг тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри белгилаш, дарснинг илмийлиги ва ғоявийлигини таъминлаш, билиш қонуниятлари ва мақсадга мувоғик ўкув шакллари ҳамда ўкувчиларнинг ўкув ишини тури ташкил этишга ёрдам берадиган, унга мос педагогик жараённи илмий асосда ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Тарих дарсларини турларга бўлиш муаммоси тарих ўқитиш методикаси тараққиётининг босқичларида методистлар томонидан турлича ҳал этиб келинди.

Дарсларни турларга бўлиш масаласида икки асосий йўналиш мавжуд эди: биринчи йўналиш тарафдорлари ўқитиш жараёнининг қонуниятларига асосланниб, дарсларни турларга ажратадилар. Уларнинг фикрича, дарсларни турларга бўлишда, уларга характеристика беришда кўпроқ ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих курси мазмунини ўзлаштириш жараёнининг у ёки бу звеносига асосланилади. Дарсларни турларга бўлишнинг бу принципини С.В.Иванов бирмунча тўла ишлаб чиккан эди.

Иккинчи йўналишнинг вакилларидан бири И.Н.Казанцевдир. У дарсларни классификациясига асосан дарсни ўтказиш усулларини асос килиб олади. Тарих ўқитиш методикаси соҳасида проф. В.Н.Бернадский ҳам тарих дарслари классификациясига методик усулларни асос килиб олади ва тарих дарсларини қўйидаги турларга бўлади: ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида маърузаси, хикоя килиб бериш дарси, тарихий ҳужжатларни таҳлил килиш, бадиий адабиётлардан фойдаланиш дарси, ўқувчиларнинг маърузаларига асосланган дарс, президент асарларини ўқиш ва таҳлил қилиш дарси, кино дарси, экспурсия материаллари асосида ўтказиладиган дарслар ва хоказо. Шунингдек, В.Н.Бернадский турли усуллар ёрдамида ўтказиладиган умумлаштирувчи тақрорлаш дарсларини ҳам алоҳида гурухларга бўлади. Бирок, А.А.Вагиннинг ўша асарида асосли равишда таъкидланишича, дарсларни классификациясига, дарс ўтказишининг методик усулларини асос килиб олиб бўлмайди. Чунки, дарс ўтказиш методи ҳам, дарс турлари ҳам унинг мазмуни ва таълим қонуниятлари билан белгиланади, танланган ўқитиш методи ва дарс типи ўз навбатида унинг гоявий мазмуни, таълимтарбия вазифаларини адо килишга хизмат этади. Шунга қарамай, В.Н.Бернадский томонидан тавсия килинган дарс турлари, ўша давр учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди, негаки, тарих дарсларини хилма-хил структурада ўтказиш мумкинligини кўрсатиб берди.

Аммо, 60—70- йилларнинг бошларида яратилган тарих дарсларининг фактik материаллар билан ҳаддан ташкари тўлдириб юборилганилиги ҳамда уларда методик кўрсатмалар йўклиги дарсда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ва мустақиллигини оширишга, уларда зарур кўнимка ва малакалар ҳосил килишга катта тўсқинлик қиласи эди. Дарсларнада тўлибтошиб турган фактik материаллардан ўқитувчи дарс давомида аранг фойдаланиб улгурап эди. Дарс вакти ўтган мавзуни сўраш, янги темани баён этиш, мустахкамлаш ва уйга вазифа беришга етарди, холос. Хуллас, таълимнинг ҳамма жараёнлари шошма-шошарлик билан ўтардн. Ўқувчиларнинг материални пухта ўзлаштиришни ва малака ҳосил килишнинг муҳим манбаи ва воситаси бўлган ҳужжатлар ва кўрсатмали куроллар устида олиб бориладиган мустақил ишларни килишга вакт этишмас эди. Айни вактда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш учун зарур кўлланмалар ва тарихий ҳужжатлардан иборат тўпламларнинг етарли эмаслиги, дарсларнинг методик кўрсатмаларида савол ва топшириклар берилмаслиги ҳам дарсда ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштириш, мустақиллигини ўстириш ишини қийинлаштиради эди. Бунинг устига 40-йилдан то 50-йилларнинг бошларигача, тарих дарслари турлари проблемаси

устида махсус тадкиқот ишлари олиб борилмади. Ҳаттоқи, тарих ўқитиш методикасидан нашр этилган қўлланмаларда ҳам дарс турлари масаласи махсус муаммо килиб қўйилмади.

Аммо, шундай шароитда ҳам, фанларни ўқитиш, жумладан тарих ўқитиш соҳасида қўлга киритилган прогрессив метод ва усуллардан, хилмажил дарс турларидан илгор ўқитувчилар муваффакиятли равиша фойдаланиб келди. Улар шаблонга айланниб қолган «аралаш» дарс туридан шунчаки фойдаланмай унга ижодий ёндашдилар. Илгор ўқитувчилар ва методист олимлар ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимида тарих ўқитищдаги нуқсонларни бартараф килиш йўлларини излай бошладилар.

Ўзлигини англашга интилган ҳар бир халқ ўтмишини билиши зарур. Тарихи ўрганиш умуминсоний кадриятларнинг моҳиятини англаб етиш учун, барча халқларнинг умумжаҳон тарихий жараёнида қатнашиб, жаҳон маданияти ҳазинасига кай даражада хисса қўшганлигини билиш учун ҳам муҳимdir.

Ёшлиарни тарихдан оладиган билимларини такомиллаштиришнинг усуллари турличадир. Жумладан тарих ўқитиши самарадорлигини оширадиган воситалардан бири дарсда архив материалларидан фойдаланишдир. Дарс ўкув жараёнининг асосий бўғини сифатида ёшларга фан асосларини ўргатища мухим ўрин тутади.

Методист П.С.Лейбенгруб таълимнинг асосий ташкилий формаси бўлган дарс тузилиши жиҳатидан тор схемага, катый бир колипга тушиб колгандлиги тарих ўқитиши олдига қўйилган вазифаларни муваффакиятли амалга оширишни кийинлаштираётганини, айни вактда бу хол ўқитищда ҳар хил метод ва усуллардан фойдаланишга тўсқинлик килаётганини, ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини ҳам пасайтираётганини тўғри таъкидлади. Тарих дарсининг қўйидаги 4 та типини тавсия этди:

1. Таълим жараёнининг барча элементларини ўз ичига олган, аралаш дарс;
2. Тўлиқ ёки қисман янги темани ўрганишга бағишиланган дарс;
3. Умумлаштирувчи — тақрорлаш дарси;
4. Билимларни текшириш ва хисобга олиш дарси.

Шуни айтиш керакки, П.С.Лейбенгруб шу масалага бағишиланган асарларида ҳам ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизимидағи тажрибасида илгор ўқитувчилар қўлланиб келаётган дарс турларининг ҳаммасини кўрсатмаган бўлса-да, бу масалани ўртага қўйиб, матбуот сахифасида мунозара бошлаб бериши гоят фойдали иш бўлди.

Дарслар моҳиятига караб турларга ажратилиди. Тарих дарсларининг моҳиятини таълим жараёни ташкил қилади. Демак, таълим жараёнининг обьектив конуниятларига асосланиб, тарих дарсларини турларга бўлиниши масаласини тўғри ҳал қилиш мумкин. Дарснинг ҳар хил турларига характеристика беришда ўқувчиларни тарихий воқеаларни идрок килишга тайёрлаш, материални таҳлил килишга, асосий тарихий фактлар, тушунчалар ва конуниятларни англаб олишга, умумлаштиришга, олган билимларидан зарур пайтда фойдала олишга ўргатиш каби таълим баробарида эътиборга

олинади. Ўқитувчи ўкув материалини баён килиш жараёнида уни таҳлил килиб боради ва умумлаштиради. Баъзи мураккаб мавзулар ва бўлимлар юзасидан маҳсус таҳлил килиш дарслари, тарих курсининг ғоявий мазмуни, таълим қонуниятлари билан боғлаб маҳсус умумлаштирувчи - тақрорлаш дарслари ўтказилади. Ҳар бир дарсда, ўқувчиларда харита, ҳар хил суратлар, безаклар устида ишлаш, жадваллар, режа ва конспект тузиш кўникма ва малакалари хосил қилиш юзасидан иш олиб борилади.

Демак, ўқитишнинг илмий асосда ташкил қилиниши ўқитувчининг дарсда ҳар хил вазифаларни муваффакиятли бажара билишига боғлиқ. Тарих ўқитиши тарихий воқеаларни баён килиб бериш ва уни навбатдаги дарсда сўрашдан иборат эмас. Ўқитувчи ўқувчиларни тарихий воқеалар устида мустакил фикрлашга, ўрганилган тарихий материаллардан тегишли хуносалар чиқариб олишга, уни умумлаштиришга, мавзулар ва умуман курсининг асосий масалаларини пухта ўзлаштириб олишга, турли матнлар, хариталар билан мустакил ишлай билишга, режа, конспект, хронологик ва синхронистик жадваллар тузишга, маъруза ва рефератлар тайёрлашга, диаграммалар мазмунини тушунишга ўргатиши лозим.

Хўш, тарих дарсларини турларга бўлишда нималарни кўзда тутиш керак?

Ўқув материалининг мазмуни, унинг “дарснинг тур” ўзига хос ҳусусияти, синф ўқувчиларининг умумий тайёргарлиги ҳамда дарсдан кузатилган дидактик максадлар дарснинг турини, унинг структураси ва методларини танлашда асос бўлиб хизмат килади. Танлаб олинган дарснинг тури ва методи эса унинг мазмунини муваффакиятли амалга оширишга ёрдам беради. Дарснинг турлари масаласини ҳал этишда формализмга ва стандартга йўл кўймаслик керак, ўқитувчи навбатдаги темани режалаштираётганда, унинг мазмуни, таълим-тарбиявий вазифаларини изчилилк билан, мантиқан боғлаб ўрганишга ёрдам берадиган дарс турларини олдиндан аниқ белгилаб олиши керак.

Шундай килиб, тарих фани V—IX синфларда ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитилади. Ўқувчилар синфдан синфга ўтган сари тарихий материалнинг кўлами ортиб, мазмуни мураккаблашиб, ўқувчиларнинг тарихий билимлари ҳам чукурлашиб, кўникма ва малакалари ўсиб боради. Шу билан бирга, дарслар тузилиши жиҳатидан ва мазмунан мураккаблашади, дарсларнинг хилма-хил турларидан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих таълимининг янги мазмуни ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини янада фаоллаштириш вазифалари тарих ўқитишнинг шакли ва методларини такомиллаштириш учун имкониятлар очиб беради. Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиши мазмунан бойиди, ўқитишнинг мавжуд шакли ва методлари такомиллашди, янги шакл ва методлар юзага келди. Кейинги йилларда семинар ва бошқа амалий машғулотлар юкори синфларда тарих ўқитишнинг ўзига хос шаклига айлануб қолди.

Дарс турларига характеристика беришда таълим жараёнининг қонуниятлари, унинг асосий босқичлари (ўқувчиларни тарихий воқеаларни

идрок этишга тайёрлаш, материал билан танишириш, уни тахлил килиш, умумлаштириш, мустахкамлаш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, олган билимни ишга солишга ўргатиши ва текшириш) асос қилиб олинади. Тарихни ўрганишнинг хар бир боскичи материалнинг мазмунига караб, ўзига мувофиқ шакл олади. Тарих дарснинг тури ўрганилаётган мавзунинг гоявий мазмунига ва ўкув-таълимий ва тарбиявий вазифаларига караб белгиланади. Бинобарин, таълим қонуниятларини амалга ошириш ва мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган дарс турларини унга мувофикаштириб боришнинг аник усуллари тарих дастури материалининг мазмунига караб белгиланади.

Демак, тарих дарсларини классификация қилиш, унинг хилма-хил турларидан фойдаланиш ўқитувчининг шахсий хохишига эмас, балки ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих курсининг мақсади, таълим-тарбиявий вазифаларини муваффакиятли амалга ошириш заруриятидан келиб чиқадиган тарих таълим мининг асосий қонуниятлари билан боғликдир. Шунинг учун ўқитувчи дарс турларини танлашда ўрганиладиган мавзунинг мазмуни, характеристерини хамда уни ўқувчиларнинг онгли ва пухта ўзлаштиришини, яъни таълим жараёнининг асосий қонуниятларини асос қилиб олиши лозим. Дарснинг турини бу йўсунда танлаш эса ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг таълим-тарбиявий вазифаларини муваффакиятли амалга ошириш хамда ўқитиш методлари ва усуллари ҳакидаги масалани ижодий ҳал қилишга ёрдам беради.

### **Асосий тушунчалар**

**Дарс - ўкув ва тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакли.**

**Тарих курсининг таълим-тарбия вазифалари** - мавзуларнинг таълим-тарбия вазифалари билан боғлаб режалаштириш.

**Таълим турлари** - сукротча сухбат методи, анъанавий таълим, изохли-намунали (иллюстратив) таълим, билимларни мустакил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, таълимни алгоритмлаш жараёни, табақалаштирилган, яккана-якка таълим ва бошкалар.

**Тарбия** - 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг маҳсус ташкил этилган фаолияти.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тарих ўқитишда асосий ташкилий шакли?
2. Дарсларнинг типлари ва структураси?
3. Анъанавий дарс структураси?
4. Тарих дарслари турларини?
5. Тарих дарсларининг классификацияси?

## **6-мавзу. Тарих ўқитишининг методлари ва уларнинг классификацияси**

**Режа:**

1. Тарих ўқитиши методлари ва усуллари.
2. Тарих ўқитиши методлари классификацияси.
3. Кўргазмали методлар.

Ўқитиши методи деганда таълим жараёнида ўқитувчи ва ўкувчиларнинг майтум мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари тушунилади. Бошқача килиб айтганда, ўқитиши методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўкувчиларни ўқитувчи томонидан билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, ахлоий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёкарашни шакллантириш ҳамда ўкувчилар томонидан назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида кўлланиладиган усулларни ўз ичига олади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимини ислоҳ килишнинг асосий йўналишларида таълим мазмунини такомиълаштириш, унинг тарбиявий йўналишини кучайтириш билан бирга, ўқитиши методларини ҳам фаоллаштириш асосий вазифа килиб қўйилди.

Эндилиқда, таълим мазмунини инсоният тўплаган тайёр билимлар, кўникма ва малакаларни пухта егаллаш билан бирга, ўкувчиларнинг мустакил фикр юритиши, мустакил ишлаш кобилиятларининг ўсишини таъминлаш оладиган ижодий фаолиятни ҳам ўзида бирлаштироғи лозим. Таълимнинг ривожланиш тамойилларига кўра, ўкувчиларни мустакил фикрлаш ва ижодий ишлай билишга ўргатиш ва уларда зарур кўникма, малакаларни юзага келтиришда таълим мазмунини билан бирга ўқитиши методлари ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ўқитиши методлари мураккаб муаммо бўлиб, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида олдига қўйилган масъулиятили вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан унинг тўғри ҳал килинишига боғлинидир. Бирок, хозирча ўқитиши методикасининг бу муҳим проблемаси, хусусан тарих ўқитиши методлари системаси етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Методик адабиётда методистлар томонидан «Метод», «Методик усуллар» тушунчаси турлича талкин этилади ва тасниф килинади.

Ўқитиши методикасида тарих таълими методлари тизимининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва бу соҳада ягона фикр бўлмаганлиги ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиши амалиётида жиддий камчиликларга олиб келди. Кўп холларда ўқитувчилар ўқитиши методлари ва усулларини танлашда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўкувчиларга факат тайёр билим бериш, яъни уларни ўқитиши (таълимнинг бир томонини)ни кўзда тутиб, ўкувчиларнинг ўрганиши (таълимнинг иккинчи муҳим томонини)ни уюштириш, унга раҳбарлик қилиш, билиш, малака ва кобилиятларини системали равишда ўстириб бориш каби муҳим жиҳатларини эътибордан четда колдирадилар. Шунингдек, ўқитишининг метод ва усулларини танлашда ўкув материалининг мазмунидаги ўзига хосликларни, унинг таълим-тарбия вазифаларини, ўкувчиларнинг билими ва малакаларини эътиборга ола билмаслик холлари ҳам

шундай жиддий камчиликлар жумласидан эди. Бу хол маълум дараҷада ўқувчиларнинг тарих фанига кизиқишига, умумий таълим-тарбия ишларининг натижасига салбий таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида амалиётда, айникса кейинги йилларда ўқувчиларни тарих предмети воситасида тарбиялашда, уни ўқитишни илмий асосда олиб бориш, таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш соҳасида кўпгина илгор тажрибалар тўпланди ва умумлаштирилди.

Белгилаб берган муҳим вазифа — тарихий билимларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим шарти ва воситаларидан бири бўлган бу ишлар тарих ўқитиш методлари системасини ва методик усусларини ҳам илмий асосда ишлаб чиқиш ва амалда улардан муваффакиятли фойдаланиш имкониятини беради.

Ўқитиш методларини илмий асосда таснифлаш масаласини педагогика фани ўқитишнинг турли босқичларида турлича ҳал қилиб келди. Ўқитиш методлари классификациясига баъзан анализ ва синтез, дедукция ва индукция каби мантикий операциялар асос килиб олиниб, ўқитиш методлари индуктив, аналитик ва бошқа мантикий усувлар сифатида характерланади. Ўқитиш методига бу хил караш, А.Вагин таъкидлаганидек, тарих ўқитиш методикасида тан олнимади. Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимидаги тарих ўқитиш тажрибаси шуни исботладики, юкоридаги мантикий операциялар ўқитиш ва ўрганишнинг барча босқичларида турли характердаги хилма-хил дидактик ва методик вазифаларни ҳал қилишда иштирок этсада, мустакил ўқитиш методлари бўлиб хизмат қила олмайди.

Ўқитиш методларини баъзан ўқувчиларнинг билиш фаолияти, фаоллик даражасига қараб классификациялаш тавсия килинади.

Бу тарзда ажратиш ўқитиш методларидан кўра, кўпроқ ўқитишнинг умумий характеристига таалуқлидир.

Методист А.И.Стражев кўйидаги ўқитиш методларини тавсия килади:

- 1) тарихий фактларни ўрганиш методлари;
- 2) хронологияни ўрганиш методлари;
- 3) маҳаллий тарихий воқеаларни ўрганиш методлари;
- 4) асосий тарихий тушунчаларни шакллантириш методлари;
- 5) сабаб-натижа алоқаларни ўрганиш методлари;
- 6) тарихий жараённинг қонуниятларини очиб бериш методлари.

Маълумки, тарих ўқитиш — ўқитиш ва ўрганишни ташкил этиш жараённidan иборат. Методист А.Стражевнинг классификациясидан ҳам кўриниб турибдики, у факат ўқитувчининг ўқитишини кўзда тутади, ўқувчиларнинг ўрганишини ташкил этишда ва ўқитувчининг раҳбарлик килишини эътиборга олмайди.

Методист В.Г.Карцев бу масалада бошқача йўл тутади. У усувлар тизимида ўқув характеристига эга бўлган белгилар («Баён қилиш методи», «сўраш методи») ва умумий дидактив вазифалар («материални ўрганиш методи», «мустахкамлаш методи», «билимни текшириш методи» ва бошқалар) ни эмас, балки ўқувчиларнинг тарихий воқеаларни билиш қонуниятларини асос килиб олади. Методлар ҳакидаги назариянинг методологик асосини, яъни жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга ва ундан амалиётга ўтиш ташкил этади.

Бинобарин, В.Г.Карцев,— ўкувчиларда тарихий тасаввур ва тарихий тушунчаларни шакллантириш методлари хакидаги масала методиканинг марказий масаласи бўлиши керак деб хисоблайди. Шу асосида у ўкувчиларда тарихий тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришнинг 4 гурухи борлигини айтади:

1) тарихий тасаввурлар ва тушунчаларни шакллантириш методлари; 2) умумий тушунчаларни шакллантириш методлари; 3) вакт ва фазода тарихий ривожланиш диалектикасини очиб бериш методлари; 4) тарихни замонавий воқеалар билан боғлаш методлар; 5) тарихий билимларнинг хаёт ва амалиётда кўлланилиши.

Методист П.С.Лейбенгруб таълим манбалари, яъни билиш манбалари асосида ўрга таълим ва ўрга маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишнинг куйидаги методларини кўрсатади:

1) хикоҳ методи ва ўрга таълим ва ўрга маҳсус таълим тизимида лекция:

- 2) сұхбат методи;
- 3) кўрсатмали метод;
- 4) дарслик билан ишлаш методи;
- 5) тарихий ҳужжатлар билан ишлаш мётоди;
- 6) бадиий адабиётлардан фойдаланиш методи.

П.С.Лейбенгруб нимагадир, оғзаки баён килиш методларининг ҳаммасини хикоя ва лекциядан иборат килиб кўяди. А.Вагин ўзининг тарих ўқитиш методикасига бағишиланган китобида ана шу камчиликни тўлдиради. А.Вагин тарих ўқитиш методлари класификациясига билим олиш манбалари билан бирга, билим олиш усулини хам асос килиб олган. У ўқитиш методларини куйидаги уч гурухга бўлади:

1) жонли сўз: хикоя, тавсифлаш, характеристика, муаммоли баён;

2) кўрсатмали методлар: расмлар ва бошқа кўрсатмали куроллар, доскага чизиладиган график ёзувлар, техника воситалари ва бошқалар;

3) матнлар билан ишлаш методлари.

А.Вагин ўқитиш методлари класификациясига билим манбалари ва билиш усууларини асос килиб олиш билан бирга, билиш манбалари дидактик вазифаларга мувофиқ ўқитиши жараёнининг асосий босқичларида қай тариқа аник амалга оширилишини жадвал шаклида беради. Бу жадвал ҳар бир дарсда ўтиладиган материалнинг мазмунига караб ўқитишнинг турли хил метод ва усууларидан фойдаланиш зарурлигини аник кўрсатади. Кейинги йиллардаги ўрга таълим ва ўрга маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиш таҳжрибаси А. Вагин тавсия этган ўқитиш методларининг жуда реал эканлигини кўрсатди.

Методист П.В.Гора педагогика назарияси ва практикасида эришилган ютукларга суюниб, ўқитувчининг ўқитиши ва ўкувчиларнинг ўрганиши (билиш фаолияти) билан ўзаро органик боғланган метод ва методик усууларни тавсия килади. Ўқитиш методларининг шу таҳлилда класификация килиниши ўқитичувчиларни пухта билим ва зарур малакалар билан куроллантириш имкониятини беради. Шунингдек, ўқитувчи ўкув материалининг мазмуни,

ўқувчиларнинг билими, малакалари ва қобилиятларини ҳам хисобга олиш ва раҳбарлик қилишига ёрдам беради.

Ўқитишнинг метод ва усулларини танлашда ўқув материалининг мазмунини, уни ўрганишнинг мақсадини асос қилиб олиш, масалага тарихий-методик мезон билан ёндошиш ва ҳал этиш зарурлиги кўрсатилади.

Ўқитишнинг метод ва усулларини танлашда шуни назарда тутмок керакки, ўқувчилар эсда саклаб қолиши зарур бўлган билимларни шунчаки баён қилиш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни амалий ҳаракатга тайёрлаш, ўргатиш ҳам лозим. Уларда мустакил ижодий изланиш, янгилликка интилишни кучайтириш, хали жамиятга маълум бўлмаган билиш усулларини кидириб топиш ва амалий фаолиятга жорий эта билиш қобилиятини ҳам ривожлантириш керак

И.Я.Лернер ўқитиш методларини 5 туруга бўлади.

1. Баён — иллюстрация методи,
2. Репродуктив метод,
3. Илмий-тадқиқот методи,
4. Қисман изланиш ёки эвристик метод,
5. Муаммоли таълим ёки муаммоли ўқитиш.

Ўқитишнинг биринчи ва иккичи усулида ўқувчилар ўрганиладиган материални пухта эсда саклаб қолишлари ва уни қайта сўзлаб беришлари мумкин. Ўқитувчи тушунтириб берадиган тайёр билимларни тушуниб олиш кийин эмас, уларни факат эсда саклаб кола билиш керак холос. Бу усулни муҳим томони шундаки, у нисбатан киска вакт ичida катта кўламдаги тарихий билимларни ўрганиш ва ўқувчилар диккатининг ривожланишига ёрдам беради. Аммо бу усул ўқувчиларда, айниқса юкори синф ўқувчиларида тарихни ўрганишга кизикиш уйғота олмайди, уларнинг тафаккури, билиш, малака ва қобилиятлари ривожланишини таъминлай олмайди.

Муаммоли таълим ёки муаммоли ўқитиш усули биринчи усулдан кўра самаралироқдир. Ўқитувчи ўқув материалини баён кила туриб, ўқувчилар олдига муаммоли саволлар кўяди, ўқувчилар билан бирга уни ҳал қилиш йўлларини топади, бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи ўқувчиларга тарихий билимларни тушунтириш билан бирга, уларни шу билимлар устида ўйлашга мажбур этади, уларнинг фикрлаши фаолиятини фаоллаштиради, кизикишларини орттиради. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигига муаммоли ва мантикий вазифаларни бажариш жараёнида мустакил мулоҳаза қилиш ва мустакил фикрлашга ўрганади. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг тарихий фикрлашига, тадқиқот ишларининг дастлабки оддий малакаларини эгаллаб олишларига ёрдам беради.

Ўқув-текшириш ишлари ҳам турли усуллар ёрдамида амалга оширилади.

## Таълим методлари ва усуллари



Үкитиши методларига тәбиғи берганды биринчи навбатда у үкитувчининг үкитиши ва ўкувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти усулларидан иборат эканлигини назарда тутиши керак. Ҳақыкаттан ҳам, үкитувчи күрсатмалы воситалар ёрдамида сүзлаб бериш ёки қандайдыр амалий ҳаракатларни күрсатып, уларни түшүнтириб бориш жараёнида ўзи фаол фикрлаш билан бирга, ўкувчиларнинг ҳам фикрлаш фаолиятини күзгөтади ва ўкув материалининг ўзлаштирилишига раҳбарлық қылады, уларнинг билим ва малакаларни ўзлаштириб олишларига ёрдам беради. Бинобарин, үкитиши методларига үкитиши ва ўрганиш усуллари ҳамда үкитувчи ва ўкувчиларнинг фикрлаш фаолияти асос килиб олинадиган бўлса, уни куйидагича таърифлаш мумкин.

Үқитиш методлари – үқитувчининг фаоллиги ўкувчиларни ўқитишга, илмий билимларни ўзлаштириши ва амалда кўллай билишларига, дунёкараш ва эътиқод ҳосил қилишларига, ақлий ва жисмоний меҳнат, кўнікма ва малакаларини эгаллашларига, билиш ва ижодий кобилиятлари ўсишига ёрдам беришини таъминловчи усусларидан иборатdir.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълим методларидан кенг фойдаланилган такдирдагина таълим-тарбия ишлари соҳасида яхши натижаларга эришиш мумкин. Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида *таълим методлари тизими деб, энг муҳим умумий белгилари билан ўзаро боғланган, бир-бирига таъсир кўрсатадиган методлар гуруҳига айтилади*. Бу методларнинг умумий муҳим белгилари - ўқитиш ва ўрганиш усуслари ҳамда ўқитувчи ва ўкувчиларнинг тафаккур фаолиятидан иборатdir.

Бир-бири билан боғланган ўқитиш методларини куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- 1) оғзаки ўқитиш методи, бу метод ўз навбатида икки турга бўлинади:
  - а) оғзаки таълим методи;
  - б) босма матнлар ёрдамида ўқитиш методи;
- 2) кўрсатмали таълим методи;
- 3) таълимнинг амалий методи.

Ўқитиш усуслари ва ўкувчилар тафаккур фаолиятининг турли шакллари уртасидаги ўзаро алоқа ва уларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири асосида бир гизимдаги методларнинг ўзаро боғликлиги юзага келади. Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизими тажрибасида кўрсатмали ўқитиш деярли ҳеч качон ўқитувчининг баёнисиз кўлланилмайди, ўқитувчининг баёни ҳам доим кўрсатмали воситаларга суюнади. Ўкувчиларнинг техника воситалари, матнлар ва бошқалар устидаги амалий фаолияти таълимнинг кўрсатмали ва оғзаки усуслари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Педагогикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта ахамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўкув жараёнининг ўзаги, кўзланган максад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар. *Ўқитиш методи ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуслари тизимида муддим ўрин эгаллади*.

Метод деганда, таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуслари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуслар алоҳида ажралиб туради. Усул – методнинг унсурни бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина кўлланади ва алоҳида қадам хисобланади.

Ўқитиш методи – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эга бўлган таълимдир. Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив конуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бишқаларини такозо қиласи, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади.

Методлар тузилмасида *объектив ва субъектив жиҳатлар ажралиб туради*.

Методларнинг *объектив жиҳатларида* барча дидактик қоидалар, конунлар ва конуниятлар, тамойиллар ва таърифлар, шунингдек, мазмун бутунлигининг

доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шаклларига хос бўлган умумий жиҳатлар акс этади.

Методларнинг субъектив жиҳати педагог шахси, таълим олувчиларнинг ўзига хослигига ва конкрет шароитга боғлик бўлади.

Ўқитиш методларининг кўп ўлчовлилиги уларнинг кўплаб таснифини келтириб чиқарди. Ўқитиш методлари таснифи - бу муайян белгилар асосида тартибга солинган тизимдир.

Дидактик тадқикотлар ўқитишни диалектик жараён сифатида ўрганади. Бунга кўра ўқитиш методлари тизими динамикада, харакатда, таълим мазмунида юз бераётган барча ўзгаришларни хисобга олинган ҳолда деб қаралади. Асосланган ўқитиш методлари таснифларига куйидагилар киради:

1. *Анъанавий методлар*. Бу методларнинг ибтиодисини илк фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади. Ҳозирги даврда улардан бештаси иnobатта олинади: *амалий, кўргазмали, ифодали, китоб билан ишлаш, видео методлар*.

2. *Мақсадига кўра методлар таснифи*: (М.А. Данилов, Б.П. Есинов)  
билимларни эгаллаш;

малака ва кўниммаларни шакллантириш;

билимларни кўллаш;

ижодий фаолият;

мустаҳкамлаш методлари;

билим, малака ва кўниммаларни текшириш методлари.

*Идрок этиши-билиш фаолияти характерига кўра методлар таснифи*:

*тушунтириш* – илюстратив (ахборот – рецептив). Уларнинг характерли хусусиятлари; билимлар “тайёр ҳолда” тавсия этилади; бу билимларни идрок килиш ташкил этилади; билимлар идрок (рецепция) килинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;

*репродуктив метод*: билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафакат баён килинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли ўзлаштирилади, уларнинг тушунилиши ва эслаб колинишига эришилади, билимларнинг мустаҳкамлиги тез-тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

*муаммоли баён қилиши методи*:

*қисман ижодий (эрвистик) метод*. Билим тайёр ҳолда тавсия этилмайди, балки у мустақил равишда эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазиятлар яратилади ва ҳал қилинади;

*тадқиқий метод*. Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг тадқикоти жараёнида билим эгалланади.

*Дидактик мақсади бўйича* (Т.И. Щукина, И.Т. Огородников ва бошка) куйидагилар фарқланади:

илк бор билимларни ўзлаштириш методлари;

эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш методлари.

*Ўқитиш методларининг бинар (қўш) ва полинар (қўпқиррал) таснифи*. М.И. Махмутовнинг бинар тизими дарс бериш методи ва ўргатиш методи мажмуудан иборат:

<i>Дарс берииш методи</i>	<i>Үрганишиш методи</i>
Ахборот бериш – баён қилиш Тушунтириш Кўрсатма бериш – амалий Тушунтириш – ишонтириш Ишонтириш	Ижро этиш Репродуктив Продуктив – амалий Қисман ижодий Ижодий

Ўқитишининг полинар таснифи В.Ф. Паламарчук ва В.И. Паламарчук томонидан ишлаб чиқилган. Бу тасниф билимлар манбаи, билиш фаоллиги даражаси, ўқув билимларининг мантикий йўллари йигиндисидан таркиб топади. Дидактика бўйича немис мутахассиси Л. Клинберг таснифидаги методларни ўқитишидаги ҳамкорлик шакллари билан бирга олиб қарайди:

<i>Монологик методлар</i>	<i>Ҳамкорлик шакллари</i>	<i>Диалогик методлар</i>
Лекция Ҳикоя намойиш қилиш	Индивидуал Гурух Фронтал Коллектив	Суҳбат

Академик Ю.К. Бабанский ўқитиши методларининг уч гурухини белгилайди:  
ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиши ва амалга ошириши методлари:

Ифодали Кўргазмали Амалий	Индуктив ва дедуктив	Репродуктив ва муаммоли – ижодий	Ўқитувчи раҳбарлигига мустакил иш методлари
<i>Манбалари</i>	<i>Мантиқ</i>	<i>Тафаккур</i>	<i>Бошқарув</i>

<u>ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари</u> Үрганишга кизикиш уйғотишини стимуллаш ва мотивациялаш методлари	<u>ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлари</u> Үрганишда бурч ва масъулиятни стимуллаш ва мотивациялаш методлари
Оғзаки назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари	Ёзма назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш

Дидактикада ишлаб чиқилган функционал ёндашув методлар тизимини яратиш учун асос бўлган бўлиб, унда методлар дидактик мақсадларга эришишининг нисбатан алоҳида йўллари ва усуллари сифатида намоён бўлади.

Шундай килиб, тарихий мерос, педагогик хаёт, чет эл ва ўз тадқиқотчиларимизнинг илмий маҳсулотлари ўқитишнинг қуидаги методларини белгилаш мумкинлигини кўрсатади: Олий мактабдаги ўқитиш методлари муаммоси кўп сонли тадқиқотларининг мавжудлигига қарамасдан хали тўла ҳал этилганича йўқ. Бу ўқитиш методларининг диалектиклиги, олий мактабдаги таълим мазмунининг такомиллашуви, илмий-техник тараккӣётнинг ўсиб бориши билан изохланади.

Олий мактабдаги ўқитиш методлари муаммосини ҳал қилишдан аввал олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослигини асослаш ўринли бўлади. И.Т. Огородников ўз тадқиқотларида олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослиги деганда, унинг илм ўрганиш методлари билан якинлашувидадир деб билади. С.И. Архангельскийнинг фикрича, олий мактабдаги ўқитиш методлари нафакат дарс бериш усуллари ва услубларини бирлаштиради, балки билишнинг ўкув ва илмий фаолиятга йўналтирилган тизими эканлигини қайд қилади Шундай килиб, олий мактабдаги ўқитиш методлари ўзига хос хусусиятларга эга. Энди шундай савол туғилади: Олий мактаб методлари мактаб методларидан кай жихатлари билан фарқланади?

Мактабда, академик лицей ва қасб хунар коллежларда фан асослари ўрганилади, умумий таълим берилади. Олий мактабда талаба замонавий фанни ўрганади ва ихтисослик бўйича таълим олади. Шунинг учун ҳам олий мактаб методлари билимларни етказиш ва англашнинг усулларигина эмас, балки фан тараккиёти жараёнига тобора кириб бориш. унинг методологик ва ғоявий асосини очиши методи хамdir.

Ўрта маҳсус таълим тизида ўқитиш методларини асослашида дидактика билан шуғулланувчи олимлар ўкув жараёнининг хусусиятлари ва талабаларнинг билиш фаолиятини камраб оладилар, талабаларнинг қасбий ва шахсий тайёргарлиги масалаларига катта аҳамият берадилар. Талабаларни фаол ижодий билиш фаолияти, уларнинг мустакил ишларидан иборат жараёни икки турух ўқитиш методларининг фарқланишини тақозо қилади: ўқитиш методлари ва ўрганиш методлари.

**Ўқитиш методлари** билимларни бериш усуллари сифатида қаралади ва талабаларнинг илмий билиш фаолиятига раҳбарлик килишга каратилган бўлади ҳамда ўкув жараёнида олим педагогнинг талабаларга таъсир кўрсатишини шакллантиради.

**Ўрганиш методлари** билим, малака ва кўнікмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва ғоявий-сиёсий эътиқодларни ишлаб чикишга каратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

Мактаб таълими методларни белгилаш коида ўқитиш шаклларини ташкил килишни тавсия этади, ўрта таълим тизимида эса ўқитиш методлари ва шакллари қўшилиб кетади, яъни дарс бериш методи айни замонда ўқитишнинг ташкилий шакли ҳам ҳисобланади. Ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиш методлари таснифи масаласи ўзининг долзарблигини сақлаб қолади. Тарих ўқитиш методлари таснифининг дидактик ёндашувлари умумидидактик ёндашувларга монелик қилмайди, балки уларни ривожлантиради. Улар ўрта

**максус таълим тизимида ўкув жараёнининг хусусиятлари, уларнинг дидактик вазифалари характеристига асосланади.**

**Ўрта максус таълим тизимида - ўқитиш ва ўрганиш методлари кенг таркалган қўйидаги таснифларга бориб тақалади.**

**Билимларни бериш**, идрок этиш ва ўзлаштириш, эътиқодни шакллантиришни таъминловчи методлар. Методларнинг бу гурухига лекция, талабаларнинг мустакил ишлари, мустакил таҳсил олиш бўйича ишлар, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, оммавий ахборот, программалаштирилган материалларни идрок этиш ва бошкalar киради.

**Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш**, малака ва қўнимкамларни хосил қилиш, эътиқодни чукурлаштириш методлари. Бу гурухга семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, назорат ишларини бажариш, программалаштирилган ўқитув кабинетларидаги машғулотлар, ишлаб чиқариш амалиёти киради.

**Билимлар, эътиқодларни шакллантириш, талабаларнинг қасбий тайёргарлигини аниқлаш методлари.** Бу ўкув жараёнининг рейтинг баҳолари, коллогвиумлар, сухбат ўtkазиш ва давлат аттестацияси натижаларини баҳолашдир.

Бу тасниф конкрет материаллар имкониятларини белгиловчи энг муҳим сифатлар асосига курилган:

Биринчи гурух билимларни идрок қилиш ва ўзлаштириш, иккинчи гурухга - татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, учинчи гурухга - аттестация ва билимларни аниқлаш тааллуклидир.

Ўқитиш методлари тизимида қўйидаги талаблар қўйилади:

*методлар тизими таълими функияга эга бўлиши лозим.* Бу дидактик мақсадлар ва ўқитиш вазифаларига эришишнинг энг қулай усулидир;

*методлар тизими тарбиялов-такомиллашув функиясига эга бўлиши лозим* Бунда ўкувчиларнинг мустакил ишлари, вазифалари, уларнинг ишга ижодий ёндашуви ҳал қилинади, ўкувчиларнинг шахсий сифатлари, билим, малака ва қўнимкамлар эгаллашга бўлган эҳтиёжлари шаклланади, уларнинг тикқати, иродаси, хиссияти, хотираси, тафаккури ўсади.

Энг жiddий дидактик муаммолардан бири *таълими методларини танлантишмага боғлиқ* деган масаладир.

Дидактикага оид адабиётларда ўқитиш методларининг қўйидаги боғликларни кайд килинади:

биринчидан, ўкув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;

иккинчидан, баён қилинадиган материалнинг характеристига боғлиқ;

учинчидан, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;

тўртинчидан, ўкув жараённада ўрганилаётган фан асосларининг муайян (хозирги) даврдаги методларига боғлиқ;

бешинчидан, ўкув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;

олтинчидан, ўкув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ;

егтигичидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўкув жараёнини ташкил этиш даражаси, ўқитувчининг хозирги замон методлари бўйича билимларига боғлик.

Шундай килиб, ўрта иахсус таълим ўкув жараёни ўқитишнинг шакл ва методларида ташкил этиладиган кўпкіррали яхлит тизим доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдига қўйган вазифаларни бажаради, лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани (комплексни) ҳосил киласди. Дидактик мажмуанинг амалга оширилиши ўкув жараёнининг психологик-педагогик қонуниятлари билан белгиланади.

*Замонавий дидактик тизим.* XX асрнинг 50-йилларида психолог ва педагог Б. Скиннер расмларга бўлинган ахборотларни етказиши, бу жараённи мунтазам назорат килиш асосида материални ўзлаштиришда самарадорликка эришиш гоясини илгари суради. Мазкур гоя кейинчалик дастурий таълим деб аталади. Кейинчалик Н.Краудер назорат натижаларига қараб ўкувчига мустакил ишлаш учун турли материалларни таклиф этадиган тармоқлаштирилган дастурларни яратди.

Дж. Дьюининг назарий гоялари муаммоли таълимнинг асоси бўлиб колди. Бугунги кунда муаммоли таълим деб номланувчи, ушбу гоя ўқитувчи рахбарлиги остида муаммоли вазиятни яратиш ва уларни ёш этишда ўкувчиларнинг фаоллик ва мустакилларини таъминлашга эришишни назарда тутади. Муаммоли таълимнинг вазифаси фаол ўрганиш жараёнини рағбатлаштириш, ўкувчиларда фикрлаш, тадқикотчилик кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Л.В. Занковнинг (1901-1977 йиллар) ривожлантирувчи таълим концепцияси XX асрнинг 50-йилларида кенг тарқалди. Унинг гояларини амалга ошириш таълим жараёнига инсонпарварлик гоясини сингдириш, шахсни баркамол ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида таълим ва тарбияни инсонпарварлик, демократик гояларга мувофик ташкил этилиши ёътироф этилган.

Таълимнинг инсонпарварлаштириш, таълим жараёнида ўкувчи шахсини ҳурмат килиш, унинг шаъни, обрўси, кадр-кимматини поймол этмаслик, мавжуд истеъодидини ривожлантиришни назарда тутади. Демократлаштириш эса педагогик жараёнда расмиятчиликка йўл қўймаслик, таълим дастурларини танлашда ўкувчиларнинг фикрларини инобатга олишни ифодалайди.

Республика узлуксиз таълим тизими ижтимоий буюртмани бажаришга хизмат киласди, баркамол шахс ва етук мутахассисни тарбиялаш вазифасини бажаради.

**Таълимни ташкил этишининг шакллари:** асосий, қўшимча ва ёрдамчи: фронтал, индивидуал, гурухий.

Замонавий дидактикада таълимни ташкил этиш турлари 3 га бўлинади: фронтал, гурухий ва индивидуал.

Фронтал таълимда ўқитувчи бутун синфдаги ўкув-билиш фаолиятини бошқаради. Улар бирор бир вазифа устида иш олиб боради.

Гурухли шаклда ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг туроҳлардаги ўқув-билиш фаолиятини бошқаради. Уларни бўғинли, бригадали, кооперирован (кўчма) ва дифференциалли гурухли шаклга бўлиш мумкин.

Индивидуал таълим ўқувчилар бошқа ўқувчилар билан боғликларда ўқув-билиш фаолиятини амалга оширади. Яъни, бутун синф бутун топширикни, хар бир ўқувчи алоҳида мустакил бажаради.

Таълимни ташкил этиш асосий, кўшимча ва ёрдамчи, шаклларга бўлинади.

Мазкур методлар тизими ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимидаги берча ўқув предметларини ўқитишида қўлланилиши мумкин. Аммо уларнинг хар қайсиси хар бир ўқув предмети, хусусан тарих предметининг мазмунидаги ўзига хос хусусиятлар, унинг таълим-тарбиявий вазифаларига мос равишда турли методик усувларда фойдаланилади.

Ўқитиш усувлари ва ўқувчиларнинг ўрганиш (билиш фаолияти) усувлари турли кўринишларда бир-бири билан кўшилиб, ўқитувчи ва ўқувчилар фаоллигидан иборат ўқув-тарбиявий жараённинг ягона методикасини ташкил килади. Бу усувлар гурухидан бирортасини ҳам эътибордан четда колдириб бўлмайди, акс холда таълим-тарбия жараёнидаги, ўқитиш методларини белгилашда яхши натижага эришиб бўлмайди.

Ўқитиш ва ўрганиш усувлари таълим методларининг таркибий кисми бўлиши билан бирга, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаол тафакур килиш фаолияти ва характеристига мос бўлган худди шундай усувларни ҳам ўз ичига олади.

Аммо ўқитиш усувлари умумий белгилар ҳамда мухим ўзига хос хусусиятларга эга бўлган холда таълим методлари билан боғлик бўлади. Шу жихатдан ўқитиш усувлари барча ўқув предметлари учун умумий бўлган дидактик методлардан фарқ қиласи. Методик усувлар ўқитиш предмети тарих курсининг мазмуни билан боғлик ва унга фаол таъсир кўрсатади.

Шундай килиб, ўқитувчи дарсга тайёрланишида ўқув материалининг мазмунига мувофиқ ва бу материалининг таълим-тарбиявий вазифаларини муваффакиятли амалга оширишга ёрдам берадиган методик усувларни (ўқитиш ва ўрганиш усувларини) тўғри таңлаб олиши керак.

Маълумки, хар бир дарсга ва дарслан ташқари машгулотга тайёрланиш дарс ва машгулот максадини, уларнинг таълим-тарбия вазифаларини белгилашдан бошланади. Ўқув материалининг мазмунига мувофиқ унинг таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишга ёрдам берадиган методик усувларни тўғри ва илмий асосда таңлаб олиш ўқитувчининг бу борадаги назарий билим даражаси ва методик усувлар системасини қанчалик ўзлаштириб олганлиги боғлиқдир.

Маълумки, ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимидаги тарих курсининг мазмунини айрим аник ва типик воқеалардан иборат фактлар ташкил этади. Бу фактлар ўқувчиларга ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари, бу томонларнинг ривожланиши ва улар ўртасидаги ўзаро алокалар ҳакида билим беради, уларнинг акли, ўйи, ҳаёли, сезги ва иродасига таъсир кўрсатади. Тарихий фактларнинг характеристи хусусияти шундаки, уларни бевосита хиссий тасаввурлар асосида ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ўтмишга доир энг мухим фактларни образли тасаввур этишининг аҳамияти фоят каттадир. Образли тасаввурлар ўқувчиларнинг тарихий воқеалар ҳакидаги фактларни жонли идрок этишларига ёрдам беради.

Шундай килиб, ўтмишнинг ҳаёттй воқеалари ҳақидаги образли тасаввурлар ўкувчилар олган тарихий билимларининг биринчи энг мухим тафаккур компоненти бўлиб хизмат қиласди. Ана шу асосда ўкувчиларда -тарихий тасаввурларни образли шакллантиришишнинг методик усусларини турохларга ажратиш мумкин: ўқитувчининг воқеани суратлаб тавсифлаши, сюжетли хикоя, бадиий-тарихий матнларни ўқиб бериши ва ўқитишининг бошқа усусларидан фойдаланиши, шунингдек унинг образли баёни ва суратлар асосида ўкувчиларнинг ҳам хикоя килиб бериши, иншо ёзиши каби ўрганиш усуслари бир гурухни хосил қиласди.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи тарих курсида таълим-тарбиявий жиҳатдан жуда мухим бўлган, кенг ва образли килиб ёритилган фактлардан ташкари, улар ўтасидаги боғланишларни аниқлашга ёрдам берадиган бошқа фактлар, воқеанинг содир бўлган йили, жойининг номи ва статистик маълумотлар ҳам берилади. Улар жуда қисқа, баъзан маълумотнома шаклида бўлсада, тарихий жараённи бир бутун яхлит тасаввур этиш, тушунчалар тизимини ва ижтимоий ривожланишнинг конуниятларини тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Шундай килиб, ўкувчилар хотирасида саклаб колиши керак бўлган тарихий материаллар тарихий билимнинг иккинч мухим таркибий кисмини ташкил этади.

Тарих ўқитиши амалиётида тарихий материалларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштиришга ёрдам берадиган кўпгина самарали усуслар бор. Материални баён килиб боришка ва ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ўкув материали юзасидан оғзаки ва ёзма режа, воқеалар таквими ва хронологик жадваллар тузишлари, рақамларни ёзиш, графика ёзувларини олиб боришлиари, диаграммалар чизиш ва апликациялардан фойдаланишлари, ёзувсиз харита ва дафтарда ёзув-чиズув ишларини олиб боришлиари шулар жумласидандир.

Ўкув материалини ўкувчиларнинг хотирасида мустаҳкам ўрнашишига ёрдам берадиган бу ва бунга ўхшаш бошқа усусларни биринчи гурухга кирган усуслар билан узвий bogланган иккинчи гурухга киритиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, образли-тарихий тасаввурларни шакллантириш, тарихий фактлар, хронология ва бошқаларни хотирада мустаҳкам саклаб колиши тарижни ўрганишнинг биринчи босқичини ташкил этади, холос. Унинг энг мухим иккинчи босқичи — тарихий тушунчаларни шакллантиришdir.

Тарихий тушунча ўкувчиларга конкрет тарихий фактлар ва конуниятларни, уларнинг мухим белгилари ва хусусиятларини умумлаштириб тушунтириш ва уларни ўкувчиларнинг пухта тушуниб олиши билан юзага келади.

Тушунчани шакллантириш жуда мураккаб ва серкирра жараёндир. Ўқитувчи ва ўкувчилар ўкув материали устида чукур ва фаол фикр юритиб, уни таҳлил қилишлари ва умумлаштиришлари лозим. Тарихий тушунча ўкувчилардаги тарихий билимларининг учинчи энг мухим таркибий кисмини ташкил қиласди.

Тарихий тушунчаларни ўзлаштириш жуда катта таълимиш ва тарбиявий аҳамиятга эга. У ўкувчиларда илмий дунёкарошни шакллантиришга ёрдам

беради, тафаккур фаолиятини, билиш малакалари ва қобилияларини ўстиради.

Кейинги йилларда, ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизими амалиётида ўкувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, тарихий тушунчаларни, жумладан ижтимоий ривожланиш конуниятлари хакидаги тушунчаларни чукур ўзлаштиришини таъминлайдиган ўқитиш ва ўрганишнинг самарали усуулари ишлаб чиқилди.

### **Асосий тушунчалар**

**Ўқитиш методлари** — ўқитувчиларнинг актив фикрлаш асосида ўкувчиларни ўқитишга, ўқитувчи раҳбарлигига ўкувчиларнинг илмий билимларни ўзлаштириши ва амалда кўллай билишларига, дунёкарош ва эътиқод хосил килишларига, ақлий ва жисмоний меҳнат, кўнікма ва малакаларини эгаллашларига, билиш ва ижодий қобилиялари ўсишига ёрдам беришни таъминловчи усууллар.

**Ўрганиш методлари** билим, малака ва кўнікмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва гоявий-сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган таълабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Таълим методлари ва усууллари?
2. Таълимни ташкил этиш шакиллари?
3. Таълим методларини танлаш нимага боғлик?
4. Тарих ўқитиш методлар классификацияси?

## **7-мавзу. Тарих дарсларида таълим воситаларидан фойдаланиш**

**Режа:**


1. Таълим воситалари – билимлар манбай.
2. Ўкув методик комплекслар мазмуни.
3. Таълимнинг техник воситалари.

Ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишида кўлланиладиган матнларга — дарслик матни, тарихий хужожатлар, асарлари, илмий-оммабоп ва тарихий-бадиий адабиёт ва бошқалар киради. Босма матнлар ўкувчилар тарихий билимларининг асосий манбай бўлгани каби ўқитувчининг билим манбайни, баён килинаётган материал асосини ташкил этади. Табиийки, ўқитувчи шу манбалардан тўғри ва унумли фойдаланган тақдирдагина, унинг баёни дидактика талабларига, умуман ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих таълимининг юксак талабларига жавоб бериши, ўқитувчи баёнининг ўкувчиларга тушунарли, мазмундор, марокли, гоявий ва илмий жихатдан ишонарли, образли ва таъсирчан бўлиши самарали натижаларни бериши мумкин. Шунингдек, матнлар устида ишлаш ҳам ўкувчилар билимини кенгайтиради, тарихий факт ва ҳодисаларнинг мөхиятини, уларнинг конуниятларини чукуррок тушуниб олишларига ёрдам беради, илмий дунёкарашини шакллантиради. Ўрга ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўкувчилар ҳар хил матнлар устида ишлаб, мустакил иш олиб бориш малакасини хосил киласидилар ва тарихий тадқикот ишларининг дастлабки методлари билан амалӣ равишда танишадилар.

Ўқитувчи мавзунинг баёнини бошқа матнлар асосида янада аниқлаштиради ва бойитади. Дарслик матни ўкувчиларнинг дарсла ва дарсдан ташкарида тарихни ўрганиш, ўзлаштириш ва уни эса саклаб колишининг, билиш фаолиятининг, ижодий изланиш ишларини олиб боришнинг мухим манбаидир. Магн ва улардаги саволлар, топшириклар тарих курсининг мазмунини ижодий ўзлаштиришга ва олинган билимларни хаётда кўллашга ўргатади.

Дарслик матни устидаги ишлар ўкув материалини ўзлаштириш ва уни эса саклаб колиши, ўкув матнини таҳлил килиш ва ундан тарихий воқеа-ҳодисаларнинг мухим белгиларини топиш, фактик материалларни ва тарихий фактларнинг мухим белгиларини бир-бирига таккослаш, аниқлаштириш ва умумлаштириш каби турли хил максадларда олиб борилади. Шунингдек, матн устида ишлашда хронологияни, тайёр тарихий тушунчалар таърифини ўзлаштириш ва уларни мустакил аниқлаш, дарсликда баён килинган воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланишини кузатиб бориш, аниқ тарихий фактлар ва статистик маълумотлар асосида ижтимоий ривожланиш анъаналарини билиб олиш, маҳаллий, вактлий, сабаб-натижали ва тарихий алоқаларнинг конуниятларини ўзлаштириш ва аниқлаштириш, лугат ишларини мазмунли ва суратли режалар, жадваллар тузиш ва бошқа шу каби учча мураккаб бўлмаган ёзув ва графика ишларини олиб бориш, матн устида программалашган таълим элементларини амалга ошириш каби вазифалар ҳам кўзда тутилади.

## 2. Ўқув методик комплекслар мазмуни.



Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизими тажрибасида дарслик матни устида ишлашнинг куйидаги усуслари мавжуд:

1. Тушунтириб ва изохлаб ўкиш. 5-синфда “Тарихдан хикоялар”ни урганиша ва 6-синфда “Қадимги дунё тарихи”ни ўқитишининг дастлабки сийларида ўқитувчи бутун мавзу ёки унинг бирор бўлмини гоҳ баён қилади ва гоҳ дарслик матнини ўқиб, тушунтириб беради. Ўқитувчи матнни мураккаб жойларига келганда хикоясини тўхтатиб, матнни овоз чиқариб, оҳиста ўқиб беради, ўқувчилар эса матнга қараб кузатиб боришади, тушуниш осон жойларни ўқувчиларнинг ўзларига ҳам ўқитиш мумкин. Матнни ўқиши жараённадаёқ унинг мазмунини ўқувчилар томонидан тушуниш даражаси текширилади. “Қани Рустам айтиб бергин-чи, мана бу абзацдаги «энг қадимги одамлар жамоаси одамлар тўдаси»— деган жумлани кандай тушунасан? Энг қадимги одамларнинг хозирги одамлардан фарқиничи? Ўқитувчи ана шу тариқа саволлар бериб ўзининг баёни давомида дарслик текстига тез-тез мурожаат килиб, ундаги янги иборалар, терминларни, қийин жумлалар мазмунини тушунтириб беради. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларни дарслик текстини эътибор бериб, тушуниб ўқишга ўргатади, уларнинг дарслик матнини пухта ўрганиб олишнинг аҳамиятини англаб олишларига ёрдам беради, уйда дарслик устида мустакил ишлашларига

тайёрлайди. Ўқувчилар тарихий материални тушуниб, матнини ўқишида маълум даражада малака ҳосил қилганларидан кейин матннинг энг муҳим ва қийин жойларини изоҳлаб ўқишига ўтилади. Изоҳли ўқиши хам ўқитувчининг баёни билан бирга олиб борилади. Ўқитувчи ўз баёни давомида дарслек матнини, хусусан матндан айрим мураккаб жойларни изоҳли ўқиши усули ўргатади. Бу ҳамма синфларда, ҳатто ўрта таълим ва ўрга маҳсус таълим тизимида ҳам кўлланилади.

2. Ўқитувчи ўз баёнида ўқувчилар диккатини дарслек матнидаги айрим жумлалар ва ибораларга жалб этади. Масалан, ўқитувчи 6-синф «Қадимги дунё тарихи»даги «Чорвачилик ва дехқончиликнинг бошланиши»—деган мавзуни хикоя қилиб берадётганда, дарслекда “Дехқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши ибтидоий одамлар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди», ёки «Қадимги Мисрнинг табиити ва ахолисининг машғулотлари»—деган мавзуни хикоя қилишдан олдин, дарслекнинг «Одамларнинг зўр бериб килган меҳнати туфайли, Нил водийсининг киёфаси ўзгариб борганлиги, Миср одам яшами учун деярли яроксиз бўлган бир жойдан ахолиси гавжум бўлган дехқончилик мамлакатига айланганлиги» ҳақидаги жумлаларга ўқувчиларнинг диккати жалб қилиниб, сўнгра уларнинг маъноси тушунтириб берилади.

3. Дарслек матни мазмунини ўзлаштириша унинг хар бир параграфини таҳлил қилиш ва улар устида ўқувчиларнинг мулоҳазаларини уюштириш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга дарсда ўтилаётган параграф матнода кўйилган муаммоларни ва унинг тематик тузилишини ажратиб беришни топширади ёки ўқувчилар олдига: «мана бу абзаца нима ҳакда гапирилган?» «унга қандай сарлавҳа кўйса бўлади?» деган савол кўйилади. Бу йўл билан ўқувчилар матнни эътибор билан ўқиб, ундаги бош масалаларни иккинчи даражадаги масалалардан ажратиб олишга, улар асосида режа тузишга ўрганади.

4. Ўқувчилар боб, параграф ва ундаги пункктларни бир-биридан ажратади. Билишга ўргатилади. Ўқитувчи янги материални баён қилишдан олдин ўқувчиларга шу параграф ичидаги кичик сарлавҳаларни ўқишини тавсия килади ва дарсни баён қилиш режаси билан таништиради, уларнинг мазмунин ва ифодаланишидаги тафовутларнинг сабабларини изоҳлаб беради. Ўқитувчи ўзининг баёни давомида кичик сарлавҳалар ичидаги мавзуларга тақрор-такрор кайтиши мумкин. Айниқса янги тушунчаларга дуч келингандан шундай бўлали.

5. Дарслек матни мазмунини бевосита ўзлаштиришиб билан боғлиқ бўлган ишлар. Бу дарслек матни устида олиб бориладиган ишнинг марказий масаласидир. Бу ишлар матнни таҳлил қилиш, умумлаштириш, тарихий фактларга баҳо бериш, улар ўртасидаги сабаб ва бошқа алокаларни очиб кўрсатиш ва уларни такқослашдан иборатдир. Бу ишлар куйидаги методик усуллар билан:

а) хар бир параграф ёки мавзу мазмунининг энг муҳим масалалари юзасидан тест туздириш йўли билан;

б) ўқитувчи берган саволларга ўқувчиларнинг дарслек матнидан жавоб топиш йўли билан;

- в) дарслик матнидан ўқитувчининг хulosасини тасдикловчи фактларни тоғтириши йўли билан;
- г) дарслик матнида баён этилган воқеаларнинг бир-бирига ўхшашлигини, фарқларини аниқлаш йўли билан;
- д) тасдиклаб беришни талаб киладиган вазифалар билан амалга оширилади.

6. Дарслик матни устида ишлашнинг муҳим элементларидан бири — ўқувчиларни уйда ишлаш учун бериладиган вазифасини бажаришга ўргатишидир. Ўқувчилар бу вазифани муваффакиятли бажариш учун топширилган вазифанинг мазмунини ва уни бажариш йўлини яхши англаб олишлари шарт. Бинобарин, ўқитувчи уй вазифасини топширишда, унинг характеристини белгилашда ўқувчиларнинг билим ва малакаларини эътиборга олиши, ҳар гал бериладиган вазифа олдингидан кўра мураккаб бўлиши ва шу билан уларнинг билимлари ва малакалари ошиб боришига хизмат килиши лозим. Режа тузиш, шунга мувофиқ ҳикоя қилишга ўргатиш, матн юзасидан берилган саволларга жавоб топиш, жадвал, схема, диаграммалар туздириш ва бошқа хил график ишларни бажариш уй вазифасини ижодий ва мустакил бажариш намуналаридир.

7. Ўқувчиларни дарслик матнидан зарур жойни тез топа билишга ўргатиш хам таълимнинг муҳим элементидир.

8. Ўқувчиларнинг фаол ақлий фаолиятининг муҳим методларидан бири, уларнинг ўқитувчи баён қилган янги материални ўзлаштиришда мавжуд билимларни ишга сола билишидир. Ҳар бир дарсда ўқувчиларни мавжуд билимлардан фойдалана билишга ўргатиш лозим. Ўқувчилар олган билимларини эсдан чиқариб юбормасликлари учун вакти-вакти билан уларнинг эътибори дарслик матнига каратилади.

9. Уйда ишлаб келиш учун берилган топширикларни ўқувчилар қандай бажарганликларини текширишда маълум бўлган, оғзаки ёки ёзма жавобларидаги хатоларни, аниқсизликларни тўгрилаш учун хам дарслик матнига мурожаат килинади.

Шундай килиб, дарслик матни устидаги ишлар турли хил методик усувлар ёрдамида, ўқитиш жараёнининг барча боскичларида — материални ўзлаштириш, билимларни мустахкамлаш, ўзлаштириш даражасини текшириш пайтларида олиб борилади ва ҳоказо.

Тарихий хужжат аввало, ўқитувчининг баёнини конкретлаштириш, чуқурлатиш ва унга аниқлик киритиш учун хизмат килади, баённинг ишончли ва эмоционал бўлишини таъминлайди, ўтмишнинг ёркин образларини, тарихий воқеаларнинг яхлит манзарасини гавдалантиришга, ўрганилаётган давр хусусиятларини англаб олишга ёрдам беради. Хужжат устида ишлаш ўқувчиларни фактлар ва ходисаларни мустакил равишда аниқлашга, уларни пухта англаб олиб, хulosалар чиқаришга ўргатади. Шу билан бирга хужжат маълум вазиятни аниқлашга, уни аҳамиятини билиб олишга, уларнинг билиш фаолиятини, фикрлашини фаоллаштиради, ўкув ишлари фаолиятининг янги усувлари билан куроллантиради, хужжатни тушуниб олиш малакасини ҳосил килади.

Тарихий хужжатлар билан ишлашнинг яна бир мухим томони шундаки, бу иш ўкувчиларни тарихий тадқиқот методининг элементлари билан танишитиради хамда уларни тарихий хужжатларга танқидий қараашга ўргатади.

Ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълимнинг янги мазмуни амалга ошиши муносабати билан тарих ўқитиша тарихий хужжатларнинг роли янада ошди. Янги дастур асосида ёзилган дарслерлар мазмунининг асосий кисмини тарихий хужжатлар ташкил этади. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда хам тарихий хужжатлар билан ишлаш зарурий бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу иш ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизими тажрибасида оммавий тус олди.

Дарслерлардаги тарихий хужжатлар ҳар бир синфдаги ўкувчиларнинг ёши, билим савияси, ўша синфда ўрганиладиган тарих курсининг хусусиятларига қараб киритилган. Шу сабабдан дарслерлардаги тарихий хужжатлар ўзларининг характеристики, кўлами ва мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди.

6-синф ўкувчиларнинг ёши, билими ва уларнинг тарихий хужжатлар билан деярли биринчи марта танишишларини эътиборга олиб, дарслерка асосан ҳикоя ва тавсифлаб бериш характеристидаги хужжатлар киритилган. “Қадимги дунё тарихи” дарслигига киритилган хужжатли манбаларни асосан уч гурӯхга бўлиш мумкин: 1) моддий маданият буюмлари, 2) тасвирий санъат асарлари, 3) ёзма манбалар.

1) **Моддий маданият буюмларига** — сакланиб келаётган ёки илмий асосда кайта тикланган бурунги меҳнат куроллари, курол-яроплар, зеб-зийнат буюмлари, уй-рўзгор анжомлари, туар жойлар, кўргонлар, мақбаралар, қадимги шахар ҳаробалари ва бошқалар киради. Ўкувчилар меҳнат куроллари ва бошқаларга қараб, одамларнинг машғулотларини, ҳашаматли иморатлар ва пасткам кулбалар мавжудлигини, диний маросимларга ва кишиларнинг дағн қилинишидаги расм-русларга доир топилмалар асосида ўша замондаги диний эътиқодларини билиб оладилар.

2) **Тасвирий санъат асарларига** — моддий воқеликни, одамлар ва уларнинг бир-бирига муносабатини хамда уларнинг теварак-атрофидағи нарсаларни — ҳар хил буюмларни, географик мухитни бевосита тасвиirlab берувчи асарлар, одамларнинг ҳар хил маъбуллар, рух-арвоҳлар, жинлар, алвастилар, афсонавий қаҳрамонлар, девлар ва ҳоказолар ҳақидаги хаёлий тасаввурларини акс эттирувчи асарлар киради.

3) **Ёзма манбаларга** — қонунлар, буйруклар, хўжалик ишларига доир ёзувлар, шартномалар, хизмат вазифасига оид ёзишмалар, суд хукмлари, йилномалар, хроникалар, мемуарлар, шахар ва мамлакатлар тасвиirlab ёзилган асарлар, ҳатлар ва ёзувлар киради. Қадимги дунё тарихида берилган бу хужжатли материаллар ўкувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашда мухим ўрин тутади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитишининг ҳар бир янги босқичида дарслерлардаги хужжатли материалларнинг характеристи ўзгариб, кўлами ортиб ва мураккаблашиб бораади.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарих ўқитиши тажрибасида тарихий хужжатлар билан ишлашнинг қўйидаги икки усули, яъни тарихий

хужжатлардан ўқитувчининг баёнида фойдаланиш усули билан ўқувчиларнинг матн устида ишлаш усули кўлланилади.

Ўқитувчи ўзининг баёнини аниклашириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш максадида хужжатлардан олинган парча, жумла, ифодалардан, ёркин образлар ва характеристикалардан фойдаланади. Фойдаланилган хужжатларнинг хаммасининг хам манбаларини айтиш шарт эмас, «солномачилар», «замондошларнинг» маълумотларига қараганда деган умумий иборалар билан чегараланилса кифоя.

8-9-синф ўқувчиларини кўпроқ мемуар характеристидаги материаллар, тарихий воқеаларнинг замондошлари ва катнашувчилари берган маълумотлар кизиктиради. Фойдаланилган тарихий хужжатнинг кўрсатмаси бўлиши керак, бу кўрсатма ўқитувчи баёнининг кўрсатмали ва ифодали бўлишини таъминлайди.

Тарихий хужжат ўқитувчи баёнини, баёндаги характеристика ва чиқарилган хулосаларни тасдиқлайди.

Ўқитувчи дарслик ёки хрестоматиядан олинган хужжатнинг мазмуни ва ўқувчиларнинг тайёргарлигига қараб уни таҳлил қилиши, синф ўқувчиларига хужжат юзасидан саволлар бериши ёки умумлаштирувчи аналитик сұхбат ёрдамида таҳлил қилиши мумкин. Тарихий хужжатлар устида ишлашда ўқувчилар уларни нима учун хизмат қилишини, танишилаётган хужжатлар қаҷон ва кимлар томонидан яратилганини, улардан нималарни билиб олиш мумкинлигини тушуниб олишлари лозим. Агар хужжатларда тушуниш кийин бўлған терминлар учраб колса, улар доскага ёзиб тушунтирилади, ўқувчилар лугат дафтарчасига ёзиб олади.

Тарихий хужжатлар устида ишлашнинг турли усууллари бор.

1. Ўқитувчи тарихий хужжатни ўзи таҳлил қилиб бериши мумкин.
2. Тарихий хужжатларни ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига ўқувчилар дарсда таҳлил қилиши мумкин.
3. Ўқитувчи ўқувчиларга маълум хужжатларни уйда мустакил таҳлил қилиб келишини топшириши мумкин.
4. Ўқувчиларни кичик гурухларга бўлиб, ҳар бир гурухда хужжатлар билан мустакил ишлашни ташкил этиш.

Тушуниш кийин бўлған мураккаб тарихий хужжатларни ўқитувчининг ўзи ўқийди, таҳлил қилиб изоҳлаб беради. Ўқувчилар матнни кузатиб боришади ва ўқитувчининг тушунтиришларини диккат билан тинглайди. Юқори син麸арда хужжат изоҳ бериб ўқилади. Ўқитувчи хужжат юзасидан ўқувчиларга саволлар бериб, муаммолар қўйса, ўқувчиларнинг билиш ва фикрлаш фаолияти фаоллашади. VI—VII син麸арда ўқитувчи хужжатни ўзи таҳлил қилиб беради, аммо шу билан бирга ўқувчиларни хужжатлар билан ишлашга ҳам ўргатади.

Ўқитувчи хужжатлар билан ишлашнинг яна бир усулини, яъни хужжатларни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилиш усулини кўллайди. Ҳар бир текстда хам осон ва мураккаб жойлар бўлади. Текстдаги мураккаб жойларни ўқитувчининг ўзи ёки сұхбат ёрдамида савол-жавоб йўли билан тушунтиради. Осон жойларини ўқувчиларга мустакил ўқиб ўрганишини вазифа қилиб топшириш мумкин.

Ўқувчиларга уларнинг билим ва малакаларига яраша тушунарли хужжатлар танлаб берилган ва хужжатлар устида мустакил ишлашни илгари ҳам машқ

килиб кўрган бўлсалар ўқитувчи вазифалар килиб берган хужжатларни мустакил ўқиб, пухта тушуниб олишлари мумкин. Лекин бунда ҳам ўқитувчи бу ишга раҳбарлик килади, кийин жойларини ўқитувчи раҳбарлигига, осон жойларини ўқувчиларнинг ўзлари мустакил ўрганидилар. Хўжалик, юридик ва шу каби бошқа кийинрок характердаги хужжатлар ўқитувчи раҳбарлигига таҳлил қилинади.

8-9 синфдан бошлаб баъзи дарслар соатининг бир қисми ёки бутун дарс хужжатлар устида ишлашга бағишиланади. Ўқувчиларнинг дарсда ва уйдаги мустакил ишларига талаб ортиб боради. Тарихий хужжатлар асосида қискача ахборот ва рефератлар тайёрлаш, хикоя қилишга тайёрланиш, схематик режа ва бошқа графика ишларини бажариш, иншо ёзиш ва х. к ўқувчиларнинг хужжатлар устидаги мустакил ижодий ишлари каторига киради. Ўқувчиларни хужжатларни ўрганишга қизиқтириш, бунга уларда иштиёқ уйтотиш керак. Бунинг учун уларга хужжатлар маълум даврнинг моддий ёдгорлиги ва янги билимларни эгаллашнинг муҳим манбаларидан бири эканлигини алоҳида уқтириш лозим. Хужжатни ўрганишда унинг ким томондан, қачон ёки қандай нуқтаи назаридан яратилганини, уша вактдаги мамлакатнинг ички ва ташки ахволини тушунтириб бериш зарур.

Ўқувчилар “Қадимги дунё тарихи”нинг кириш қисмida ёзма манбалар ҳакида маълум тушунча хосил қиласидар. Кейинчалик бу тушунчалар ҳар хил ёзма ёдгорликларни ўрганиб бориш, турли музей ва архивлардаги ёзма ёдгорликлар билан танишиш жараённида аниқлашиб, бойиб кенгайиб боради.

Шундай килиб, тарихий хужжатлар ўқитувчи баёнини аниқлаштиради, мазмунини чукурлаштиради, унга аниқлик кирагди, ишонарли ва эмоционал бўлишини таъминлайди, ўқувчиларнинг билиши фаолиятини, фикрлашини фаоллаштиради, билимлари пухта ва мустаҳкам бўлишига ёрдам беради, билим олишнинг янги усувлари, илмий тадқиқотнинг элементлари шакллари билан таништиради.

Бадиий адабиёт образларидан фойдаланиш ўқитувчи баёниниг кўрсатмалилигини таъминлайди, уни аниқлаштиради, ўқувчилар ўтмиш ҳакида жонли тасаввур хосил қиласи. Бадиий адабиётнинг роли бу билан тугамайди.

Маълум даврнинг ижтимоий ҳодисаларини реал акс эттирувчи ҳакикий бадиий образ, типик образлар ўша ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини ифодалайди.

Ўқитувчи баёнида бадиий адабиётдан олинган намуналар баённинг таъсиран бўлишини ҳам таъминлайди, ўрганилаётган тарихий воқеаларга нисбатан ўқувчиларда хайриҳохлик, завқланиш, афсусланиш кайфиятларини, нафрат ёки ҳайрат туйгуларини туғдиради.

Тарих ўқитишида фойдаланиладиган бадиий адабиётларни: 1-ўрганилаётган даврнинг адабий ёдгорликлари ва 2-тарихий беллетристик асарларидан иборат икки гурухга бўлиш мумкин.

Адабий ёдгорликларга тарихий ҳодиса ва воқеаларни ўз замондошлари ёзиб қолдирган асарлар киради. Бу гурухга кирган асарлар тарих фани учун ўтмишнинг ўзига хос манбаи бўлиб хизмат қиласиди. Бадиий адабиёт ёдгорликлари ёзиб олинган оғзаки ижодиёт асарларини: афсоналар, достонлар, қўшиклар, масаллар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бундай асарларнинг жуда кўпиди воқелик қайта-қайта ишланган, ҳалқ фантазияси билан бойитилган ва безатилган бўлади. Воқеликни объектив суратда тасвир қилган асарлар, ёдгорликлар бизгача

етиб келмаган тақдирда узок ўтмишни, масалан қадимги Греция тарихини ёритиб беришда ана шундай асарлардан ҳам танкид ғалвиридан ўтказиб фойдаланилади. Гомер давридаги жамият тарихи Гомер достонларидан ва қисман грек афсоналаридан олинган эпизодларни тахлил қилиш асосида таърифлаб берилади, Бадий ёдгорликларнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, улар ўз замонидаги жамиятнинг гоясини акс эттиради ва буни ўкувчиларнинг тушуниб олишларига, тарихий кодисалар ва арбобларнинг ёркин бадий образларини равшан тасаввур килишларига ёрдам беради. Шу билан бирга ўкувчилар бадий адабиётнинг жамият хаётидаги роли билан ҳам аниқ мисолларда танишадилар. Масалан, «Роланд ҳакида қўшиқ» номли асарда Карлнинг ўзи ва унинг жангчилари идеаллаштирилиб у олиб борган урушлар тарихи бузиб кўрсатилади. Шу билан бирга, бу асар рицарларнинг мардлиги, ўз сенъорига содиклиги, фидокорлиги билан, шунингдек ўрга асрлар адабиётининг ана шу тури билан таништиради. «Роланд ҳакида қўшиқ» шу адабиёт турининг энг яққол намунасиdir. Роланд уйдирма образ бўлсада ундаги ажойиб фазилатлар ўкувчиларга ижобий гарбиявий таъсир кўрсатади. Ўрга асрларда яратилган «Тулки ҳакида роман» дан шаҳарликларнинг феодалларга муносабатини, улар ўртасида кескинлашиб бораётган курашини ҳамда уни ёритишда ҳажвиядан қандай фойдаланилганлигини ўкувчилар тушуниб олади.

Қадимги дунё ва ўрга асрларда яратилган афсоналардан, қаҳрамонлик достонлари ва бошка адабий асарлардан тарих дарсларида фойдаланганда, ўкувчиларни бу асарларга танкидий кўз билан қарашга ўргатиб бориш керак. Шунингдек, уларга бу асарлар ўтмишдан қолган бадий ёдгорликлар ҳанлигии, улардан ўша даврларда бўлиб ўтган воқеаларга оид баъзи маълумотлардан фойдаланиш ва қай тариқа фойдаланиш мумкинлигини, бу асарларнинг қайси жойи уйдирма ва қайси жойларида реал воқелик акс этганини тушунтириш лозим.

Беллестристик асарларга --- тарихий романлар, тарихий темаларда ёзилган повестлар, ўрганиладиган давр ҳақидаги бадий асарлар, ҳикоялар киради. Бу асарлар тарихий манбалар, мемуарлар ва хужжатлар, илмий текшириш ишлари ва монографияларни ўрганиш асосида ёзилган бўлиб, уларда ўтмиш воқеалари бадий тасвиirlар ва бадий образлар орқали ифодаланади.

Беллестистика тарих фани учун хужжатли манба бўла олмасада, ўкувчиларга ўтмишни аниқ тушунтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тарихий роман ва повестларни ўқиши натижасида ўкувчиларда тарихга кизиқиш уйгонади.

Ўрганилаётган даврга доир адабий ёдгорликлар тарих дарсларида ўпинча дарс материалини хulosалаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Беллестистика баён қилинаётган ўкув материалини аниқлаштиришга ва баённи мароқли қилишга ёрдам беради.

Ўқитувчи бадий адабиётни танлашда материалнинг таълим-тарбия жиҳатидан киммати тарихий ҳодисаларнинг нақадар ҳакконий реал ва илмий килиб ёритилганлигини эътиборга олади.

Ўқитувчи тарих дарсларида фойдаланиш учун бадий адабиётдан:

- а) ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тизими дастурида кўзда тутилган тарихий воқеаларнинг тасвирига;
- б) тарихий арбоблар ва халқ оммаси вакилларининг образларини, халқ оммасининг ролини кўрсатишига;
- в) муҳим тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойларни ва у ерларнинг аник шароитини тасвирилашга ва ш. к. ларга бағишлиланган асарларни танлайди.

Ўқитувчи ўз баёнида бадиий адабиётлардан фойдаланиш билан бирга ўкувчиларнинг синфда ва синфдан ташкари бадиий асарларни ўқишилари устидан доимий назорат олиб боради.

Умуман тарих дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарснинг самародорлигини оширади. Техника воситалари ўқитиш ва ўрганиш сифатини кўтаришга, ўкувчиларнинг ўкув материалини кизиқиб ўрганишига ва пухта ўзлаштиришига хизмат киласди.

Ўқитишининг техник воситалари экран қўлланмалар яъни телевизор, компьютер, видеоопректор, видеофильмлар, слайдлар, , кинофильмлар, радиотелезиштиришлар киради. Ўқитувчи техника воситаларининг ўзига хос ўкув қўлланмаси эканлигини айтади. Аммо техник воситалар ўқитиш жараёнида ўқитувчининг ўрнини боса олмайди. Амалиётда куйидагича холат юз бериши мумкин, яъни битта мавзудаги дарс бўйича дарсликда безаклар, деворий (таблица) жадваллар, доскага схематик суратлар ишланиши мумкин, яна бундан бошқа диафильм, кинофильм ва бошқа хиллари ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Уйгониш даври маданияти ҳақидаги дарсда дарсликдаги (рангли) безаклар, даврий жадваллар, "Ўрта аср маданияти тарихи бўйича альбом"да, фильмлар (XV асрнинг охири-XVII асрнинг бошидаги "Гарбий Европа маданияти", "Леонардо да Винчи", "Музейлардаги жаҳон санъати дурдонлари-9 бўлим, Итальян уйгониш санъати") ва бошқа радио, телекўрсатувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Албатта, ҳеч бир дарсда буларнинг ҳаммасини фойдаланиш имконияти йўқ. Демак, нимани танлаш керак, улар билан ишлашни қандай ташкил қилиш мумкин. Бу саволларга ўқитувчи ўқитиш шароитини ва синфнинг хусусиятларини хисобга олиб жавоб беради. Даставвал бу қўлланмаларнинг мазмундорлиги, қулийлига эътибор бериш керак. Масалан, итальян Уйгониш даврининг санъати бўйича дарсда кўпроқ рангли диапозитивлардан ёки диафильмлардан парчалар деярли рангтасвир асарнинг яхши қабул қилиш имкониятини бера олади. (Ўкув диафильмлари, ок-кора тасвиридаги кинофильмларда тасвирий материаллар кўп берилган бўлади ва бу уларни мавзу билан биринчи бор танишириша кийинчилик тугдериши мумкин). Агарда рангли экран қўлланмалари бўлмаса, қандай Д.Н.Никифоров альбомидаги таблицалардан фойдаланилади. Мавзуни уйда мустахкамлаш ва тақорглаш учун дарслик безаклари берилади. Кинофильмлар эса келгуси дарсларда парчаларда бўлса ҳам қўлланилиши мумкин. Унда ўкувчилар ўзлари учун янги бўлган томонларни англай олишлари керак. Экран кўрсатмалигининг ўқитувчи учун энг куляйи бу диафильм ва диапозитивлардир. Тарихий вақеаларни камраб олиш, сюжетларнинг ҳар хиллиги бўйича, тасвирий материалларга бойлиги билан бошқалардан устун туради. Диапозитивларни кўрсатиш изчиллигини ўқитувчининг ўзи аниқлаб

беради. Кадрларга таяниб ўқитувчи хикоя килиши, тушунтириши ва сухбат ўтказиши мүмкін. Агар техник имкониятлар бўлса экранда иккита кадрни кўрсатиш мүмкін. Бунда масалан, тақкослаш учун, ўзгаришларни аниқлаш учун керак бўлали, айтайлик шахарларнинг кўринишида, меҳнат курсларидағи хар хил тарихий даврлардаги ўзгаришлар ва хоказоларни кўрсатиш мүмкін бўлади. Мактаб амалиётида кодоскоплардан фойдаланилади. У экранда ёки синф доскасида матнларни, схематик расм, чизма, диаграммани кўрсатиша кўлланилади. Шунингдек, кодоскоп билан ишлашда хонани коронгилатмок талаб килинмайди. Бу ўқувчиларнинг материални нафакат кўришларини балки матнлардан керакли жойларини дафтарларига ёзиб олишларига ҳам имкон беради. Ўқитувчи ҳам ўқувчилар билан алоқани йўқотмайди. Телезиттиришлар, кинофильмлар киска вақт ичидаги маълумот бера олади. Улар орқали тарихий воқеалар қатнашчиларининг (актёрлар ижросида) жонли овозини эшига олади. Телекўрсатувлар фильмларга нисбатан долзарбликга эга. Улар орқали айникса ўқувчилар яқин вактлардаги воқеалар билан танишиб боради. Буларга нисбатан фильмларни ишлашнинг ўзига анча вақт кетади. Кинофильмни ўқувчиларга кўрсатишдан олдин, ўқитувчининг ўзи уни синчиклаб кўриб чикиши ва ўрганиши лозим. Тарих ўқитиш тажрибасида ўкув фильмларидан фойдаланишнинг бир қанча усуллари бор:

а) ўқитувчи ўз байёнини ўкув фильмининг энг муҳим ва ёркин саҳифаларини кўрсатиш билан боғлаб олиб боради;

б) 10-15 минутда киска ўкув фильmlарига бағишлиб дарс ўтказилади;

в) маҳсус кино дарслари ташкил этилади.

Хозирги вақтда Ўзбекистон халклари тарихи ва бошка фанларни ўқитишида телезиттиришларнинг икки хилидан фойдаланилмоқда:

1) синфда қабул килиш учун бериладиган эрталабки телекўрсатувлар

2) ўқишдан ташкари вақтдаги телекўрсатувлар

Ўкув телекўрсатувларини қабул килиш учун маҳсус тарих хонаси бўлиши керак. Тарих дарсида ўкув телекўрсатувларининг икки хил тури қабул килинади:

а) 15 минутлик телекўрсатув

б) 30-40 минут давом этадиган янги материални баён қилишга бағишиланган мавзуули теледарс ёки тақрорлаш дарси (Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси.Т., 1999, 192-бет).

Ўқитувчи дарсда кинопарча ёки телекўрсатувни кўрсатганда, уларнинг билим бериш жараёнидаги вазифасини аниқ билиш керак бўлади. Мураккаб ва маъсулиятлиси, бу кинофильм, телекўрсатувларни мавзу бўйича асосий билим манбаи сифатида қабул килиш яъни амалда буни теле яъни кинодарс деб аташади. Бунга ўқитувчи ҳам ўқувчилар ҳам эътиборсиз қарамаслиги керак ва у кагта тайёргарликни талаб қиласди. Дарс олдидан ўқувчиларни экрандан қандай маълумот олишлари кераклигини айтиб, тушунтирилади. Унда фильм (кўрсатув) кўриш пайтида бажарилари лозим бўлган топшириклар бериш мүмкін. Бунга фильм бўйича саволлар, режа тузиш (улар доскага ёзиб кўйлади) киради. Фильм кўриш пайтида бундай топшириклар кўпинча юқори синф ўқувчиларига берилади, ўқитувчи муҳим кадрлар пайтида ўқувчиларнинг эътиборини жалб

килиб, таниш бўлмаган терминларга, географик атамаларга аниклик беради. исмлар, саналар доскага ёзib қўйилади. Шунингдек, телэкран тарих ўқитишида кўрсатмалийкнинг самарадорлигини янада оширади. Тарих ўқитиши тажрибаси теле дарс ғоявий-тарбиявий ва дидактик жиҳатдан бошка кўрсатмали воситалардан кўра анча кулай ва афзал эканлигини исботлади.

### **Асосий тушунчалар**

**Метод** — 1) табиий ва ижтимоий хаёт ҳодисаларини татбиқ килиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

**Методика** - бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар тўплами.

**Моддий маданият буюмларига** — бизгача сақланиб келаётган ёки илмий асосда қайта тикланган бурунги меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар, зеб-зийнат буюмлари. уй-рўззор анжомлари, туар жойлар, кўргонлар, мақбаралар, қадимги шаҳар харобалари ва бошқалар киради. Ўқувчилар меҳнат қуроллари ва бошқаларга қараб, одамларнинг машгулотларини, ҳашаматли иморатлар ва пастқам кулбалар мавжудлигини, диний маросимларга ва кишиларнинг дағн қилинишидаги расм-русларнинг доир топилмалар асосида ўша замондаги диний эътиқодларини билиб оладилар.

**Тасвирий санъат асарларига** — моддий воқеликни, одамлар ва уларнинг бир-бирига муносабатини хамда уларнинг теварак-атрофидаги нарсаларни — ҳар хил буюмларни, географик мухитни бевосита тасвиirlаб берувчи асарлар, одамларнинг ҳар хил худолар, рух-арвоҳлар, жинлар, алвастилар, афсонавий қаҳрамонлар, девлар ва хоказолар ҳакидаги хаёлий тасаввурларини акс эттирувчи асарлар киради.

**Ёзма манбаларга** — қонунлар, буйруклар, хўжалик ишларига доир ёзувлар, шартномалар, хизмат вазифасига оид ёзишмалар, суд ҳукмлари, йилномалар. хроникалар, мемуарлар, шаҳар ва мамлакатлар тасвиirlаб ёзилган асарлар. хатлар ва ёзувлар

### **Тақрорлаш учун саволлар**

1. Тарих дарслиги таркибий қисмлари ҳакида нималар биласиз?
2. Тарихий ҳужжатлар устида ишлашнинг усувлари.
3. Дарслик матни устидаги ишлаш асосий босқичларини аникланг.

## **8-мавзу. Тарих ўқитишининг кўрсатмали методлари**

### **Режа:**

1. Тарих ўқитишининг кўрсатмали методи.
2. Кўрсатмали куроллар классификацияси.
3. Кўрсатмали куроллардан фойдаланишинг методик усуллари.
4. Безаклар билан ишлаш

Кўрсатмалилик деганда, аввало ўқитиш ва тарихий билимларнинг ўрганишининг кўрсатмали усули, ўқитувчи баёнининг манбаи ва уни кўрсатмали бўлиши, унинг ўкувчилардаги аниқ, тайёр образларга суяна билиши, ўкув воситаси материалини баён килиш вақтида кўрсатмали куроллардан фойдаланиш ва кўрсатмали куроллар воситасида ўкувчиларнинг билиш фаолиятини фаолластириш ҳамда уларнинг ўрганилаётган тарихий фактларни, воеча ва ходисаларни айнан ўзини ёки уларнинг тасвиirlарини кўриш ёрдамида ўрганишлари тушунилади.

Тарихий хужжатлар ва бадиий адабиётлардан фойдаланиш ўқитувчи баёнини образли қилиб аниклаштиrsa, кўрсатмали куроллар воситасида ўкувчиларда ўтмиш тўғрисида ёрқин ва аниқ тасаввур хосил бўлади, ўкувчиларнинг эшитиш фаолиятига кўриш ва сезиш органларининг фаолияти ҳам кўшилади. Шу билан уларнинг билими янада чукурлашади, мустахкамланади.

Тарих ўқитишининг кўрсатмали бўлишининг таълимий ва тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Аввало кўрсатмали курол ўкувчиларнинг билим олишида муҳим манба бўлиб хизмат киласди. Ўқитувчининг баёни ҳар канча тўлик бўлганда ҳам ўкувчиларнинг воеалар тўғрисидаги тасаввурлари тўла бўлмайди. Шунингдек, безаклардан фойдаланмай туриб, ўрганилаётган даврнинг манзарасини ҳам тўла, аниқ ва чукур тасаввур қилиб бўлмайди.

Кўрсатмали куроллар ўкувчиларнинг тарихий тасаввурларига аниклик киритиш ва бу тасаввурларни аниклаштиришга ёрдам беради.

Кўрсатмали тасвиirlар тарихий факт ва ходисаларнинг ташки кўринишинигина эмас, балки уларнинг ички моҳиятини ҳам очиб беради.

Кўрсатмали куроллар ўкувчиларнинг мураккаб тарихий ходисаларни, тарихий тушунчаларнинг маъносини осонроқ тушуниб олишларига ёрдам беради.

Кўрсатмали куроллар ўкувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хulosалаш ва умумлаштиришга, яқунларини, ижтимоий ривожланишининг объектив қонуниятларини, ўзаро алоқаларни яхширок тушуниб олишларига ёрдам беради, шунингдек, ўкувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Шу тариқа, кўрсатмалиликнинг аҳамияти тарихий фактларни, ходисаларни кўриш органлари иштирокида мушоҳада этиш ва улар хақида аниқ тасаввур хосил қилиш билан чегараланмайди, мураккаб тарихий ходисаларни, тушунчаларни тушуниб олишни ҳам енгиллаشتариди, тарихни ҳаққоний тушунишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, кўрсатмалилик методи:

- 1) тарихий билимларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади;
- 2) ўкув материалининг таълим-тарбия вазифаларини муваффакиятли амалга оширишга ёрдам беради;
- 3) ўқитувчи баёнининг аниқ, образли ва таъсирчан бўлишига ёрдам беради;
- 4) ўкувчиларнинг ўкув материалини ўрганишга кизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;
- 5) ўқитувчининг баёнини ва унинг дарсда қўлланган бошқа ўкув усулларини ўкувчиларнинг тушуниб олишини енгиллаштиради;
- 6) ўкувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва ижодий кобилиягини ўстиради;
- 7) ўкувчилар билимининг аниқ, чукур ва мустахкам бўлишига ёрдам беради.

### **Кўрсатмали қуроллар классификацияси.**

Кўрсатмали қуроллар ўзининг мазмуни, тарихий образларнинг характеристики, уларни тайёрлаш техникаси ва фойдаланиш усулларига караб қуидаги турларга бўлинади:

1. Предмет кўрсатмалилик - тарихий ёдгорликлар, эсадлик жойлари, меъморий ёдгорликлари хўжаликка доир ва бошқа қурилишлар, меҳнат қуроллари, қурол-яроглар, рўзгор буюмлари, шу жумладан археологик топилтмалар.
2. Тасвирий кўрсатмалар - ўқитишида фойдаланиш учун ишланган тарихий суратлар ва альбомлар, санъат асарлари, портретлар, расмлар, фотохўжатлар ва фотонусҳалар, дарслердаги безаклар, ўкув диапозитивлари, диафильмлар ва кинофильмлар, макетлар, муляжалар, хар хил моделлар ва бошқалар.
3. Шартли кўрсатмали қуроллар - тарихий ва контур хариталар, тарихий атласлар, схемалар, графика, диаграмма ва картограммалар, апликациялар ва педагогик расмлар.

Предмет кўрсатмалилик таълимда алоҳида аҳамият касб этади. Физика, химия ёки ботаника ўқитувчилари ўрганилаётган мавзуни ўкувчиларга формула, шакл ва бошқаларда кўрсатиб тушунтирулар тарих ўқитувчиси ундан имкониятдан маҳрумдир. Тарих ўқитувчиси ўкувчиларга ибтидоий одамлар ҳаёти ва фаолиятининг айнан ўзини кўрсатиб беролмайди, факат гапириб беради, кўрсатса факат ибтидоий киши ишлатган қуролларни, яшаган жойларини, ёки айтайлик феодалларнинг ўзаро урушларини эмас, урушда ишлатилган қуролларни ва бошқа баъзи буюмларни, лекин хар холда кишиларнинг ўтмишидан колган бу ёдгорликлар тарихий воқеалар тўғрисида реал тасаввур килишга сўсиз ёрдам беради. Ўкувчилар орадан бир неча асрлар, хатто неча-неча минг йиллар ўтиб кетган замонлардаги воқеалар тўғрисида маълумот берувчи ҳакиқий буюм ва нарсаларни жуда кизиқиш ва ҳаяжон билан ўрганадилар. Шунинг учун ҳам ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тарихий ўтмишни ўрганишнинг асосий манбаларидан бири бўлган бу ёдгорликларни тўплаш ва улардан фойдаланишга жуда катта эътибор берилади.

Тасвирий кўрсатмали қуроллар ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида тажрибасида кўпроқ қўлланилади. Тасвирий кўрсатмалар бир неча хил бўлади:

а) ўтмишдан қолган ҳақиқий асл нусха ҳужжатлар асосида яратилган тасвирий кўрсатмалар, ҳужжатли фотосуратлар ва ҳужжатли кинофильмлар, предмет ёдгорликларининг тасвиirlари, меҳнат қуроллари, маданий ёдгорликларнинг тасвиirlари ва бошқалар.

б) илмий жиҳатдан асосла қайта тикланган меъморий ва бошқа ёдгорликлар тасвири, рўзгор буюмлари ёки уларнинг тасвири;

в) рассомнинг ижодий фаолияти билан килинган тасвирий кўрсатмалар; тарихий санъат асарлари, дарсликда берилган иллюстрациялар, макетлар, моделлар ва бошқалар.

Кўрсатмали қуролларни танлаш ва улардан фойдаланишда ўқитувчи қуидагиларни эътиборга олиши лозим:

1. Ўқувчиларнинг ёши, билими ва малакалари ўсиб борган сари уларнинг предмет ва тасвирий кўрсатмаларга қизикиши ортиб боради. Масалан, 5-6-синф ўқувчиларини кўпроқ ўтмишдаги воқеа ва ходисаларнинг яхлит манзаралари тасвиirlangan картиналар, макетлар ва моделлар қизиктиради. Юқори синflардаги ўқувчиларни эса предмет ёдгорликларининг айнан ўзи ва шартли кўrсатмалар қизиктиради.

2. Ҳар бир дарс учун танланган кўrсатмали қурол мазмуни, гоявийлиги, илмийлиги жиҳатидан талабга жавоб берадиган бўлиши, синф ўқувчиларига мос бўлиши, сони қўпайтириб юборилмаслиги лозим. Агарда кўrсатмали қуроллар қўпайиб кетса, ўқитувчи ва ўқувчилар шу қуроллар билан овора бўлиб колиб, ўқувчиларнинг дарс материалини ўзлаштиришларига ҳалакит бериши мумкин. Дарсда энг муҳим 2—3 та кўrсатмали қуролни тахлил килиш ва ўрганиш кифоя.

3. Ўқувчиларнинг кўrсатмали қуролларни онгли равишда пухта ўзлаштириб олишларига эришиш керак. Бунинг учун масалан, ўқитувчи “Полтава жанг”нинг чизмасини тушунтиришдан олдин, ўқувчиларни Карл XII нинг Россияга юриши, Украина худудида олиб борилган жанглар билан танишитиради. Сўнгра жанг чизмасини деворга илиб қўяди ва уни бўлимларга бўлиб ўқувчиларга ҳар бир бўлимни алоҳида тушунтириб беради.

4. Кўrсатмали қуроллар ўқитувчининг баёни жараёнда кўrсатиб борилади.

Кўrсатмали қуроллардан фойдаланишнинг методик усувлари.

Тарих ўқитишида кўлланиладиган — тасвирий кўrсатмали воситалар ичida ўкув суратлари муҳим ўрин тутади. Суратлар ўрганилаётган воқеалар ва ходисалар ҳакида ўқувчиларда ёрkin тасаввур хосил бўлишига ёрдам беради. Тарихий мавзуларга бағишинган суратлар мазмуни ва характеристига караб қуидаги турларга бўлинади:

1. *Воқеалик суратлари*. Уларда муҳим воқеалар, ижтимоий ҳаётдаги ноёб фактлар, ҳарбий ҳаракатлар ёритилади. Масалан, бу суратлар ўқитувчидан воқеани ёрkin ҳикоя килиб беришни, воқеанинг ривожланиши ва ундаги драматизмни очиб беришни талаб этади. Шундагина картина ўқувчиларга ахлокий ва гоявий таъсир этиши мумкин.

2. *Ўрганилаётган давр учун типик бўлган воқеаларни акс эттирувчи суратлар*. Масалан, «Қадимги Гречияда кул савдоси». Суратнинг бу тури катта бир воқеани ёки унинг бир қўрининшини ўрганиш билан боғлик бўлган хамма

саволларга жавоб беради. Улар устида ўқувчиларнинг фаол мустақил ишларини ташкил этиш ҳам мумкин.

3. *Қадимги шахарлар, қурилишлар, меъморий ёдгорликлари ёки уларнинг ансамбли тасвирланган тарихий суратлар*. Масалан, “Қадимги дунё тарихи” дарслигида берилган «Афина Акрополи» ва бошқалар. Картиналарнинг бу турини ўқитувчи ўқувчиларга муфассал тасвирлаб тушунтириб беради. Масалан, ўқувчиларни Акрополга хаёлан экскурсия килдириш.

4. *Тарихий портретлар*. Улар устида ўқувчилар мустақил иш олиб борадиган бўлса, улар тарихий шахсларнинг ҳаётни ва фаолиятини оғзаки ёки ёзма равишда хикоя килиб беради.

Шу тариқа, суратлардан фойдаланиш ва улар устида ишлаш методларин уларнинг мазмуни ва характеристи билан белгиланади. Ҳозирги вактда ўргта таълим ва ўргта маҳсус таълим тизимида тарих курсининг деярли ҳамма бўлимлари юзасидан ўқувчиларни суратлари яратилган.

*Суратлар билан ишлаш*. Суратлардан унумли фойдаланилиши, уларнинг ўқитишидаги роли ва ўрнини яхши тушуниб олинишига боғлиқ. Суратлар кўрсатмали қуролларнинг ҳамма турлари сингари ўқувчилар учун фаол билим олиш манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Юкори синфларда суратнинг характеристи ва уларнинг вазифаси куйи синфлардагидан кўра бирмунча ўзгаради: сурат юзасидан хикоя килиш усули камдан-кам қўлланиладиган бўлиб қолади. Энди ўқитувчи суратлардан баён килинган назарий материални безак килиш учун, аниклаштириш, тарих курсининг мураккаб масалаларини тушунтириб бериш учун фойдаланади.

Ўқув материали баён килингандан кейин, шу воеага доир суратдан фойдаланишда ўқувчилар ўзларидаги мавжуд билимларни ишга соладилар. Дарсда олган билимларига суюниб сурат мазмуни юзасидан ўқитувчи берган саволларга жавоб берадилар.

Шундай килиб суратлар:

1) ўқувчиларни янги материални фаол ўзлаштиришга тайёрлайди, оладиган билимларининг манбаи бўлиб хизмат қиласди, янги материални пухта ўзлаштириш учун мавжуд билимларни ишга солитаси ва кириш сухбатини ўтказиш учун кўрсатмали материал воситасини ўтайди;

2) тарихий воеанинг «оқонли идрок» этилишини, ўрганилаётган материалнинг аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлайди;

3) ўқитувчи баённинг таъсирчанлигини кучайтиради, ўрганилаётган материалнинг ахлоқий таъсирини оширади;

4) дарсда суратнинг мазмуни тарихий материални тахлил қилиш ва умумлаштириш обьекти бўлиб хизмат қиласди, ўқувчиларнинг аниқ образлардан тарихий ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини ва конуниятларини тушуниб олишларига ёрдам беради;

5) ўқувчилар онгига таъсир кўрсатади, тарихий материалнинг ва улардан келиб чиқадиган хулоса ва умумлашмаларнинг кўнгилларда жо бўлиш, дарснинг якунловчи кисмида фойдаланилган сурат эса, ўрганилганни мустаҳкамлаш ва ўзлаштириш даражасини текшириш воситаси бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Суратлар устида мустақил ишлай олиш учун ўқувчилар:

- а) суратни түгри тахлил килишлари ва тушунишлари;
- б) ундан тарихий билим ола билишлари;
- в) сўзлаганда суратдан фойдаланиб, унга караб ҳикоя қила билишлари;
- г) суратни ҳам тарихий манба, ҳам санъат асари сифатида тушуна билишлари лозим.

Бу шартларни ўзлашириш ўқувчиларнинг нутки, эътибори, кузатувчалиги, ижодий тасаввур этиш қобилияти, тарихий тафаккури ўсишида, аклий ва эстетик тарбиясида, уларда муҳим амалий малака ва иктидор ҳосил бўлишида ҳам муҳим ўрин тутади.

Безаклар дарслерни мазмунининг таркибий қисмини ташкил этади. Улардан дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда билим манбайи сифатида фойдаланилади. Ўқитувчи ўз баёнида бошқа манбалардан фойдаланганни каби безаклардан ҳам кенг фойдаланади. Безакларнинг содда ва мураккаблигига караб ўқитувчи уларнинг мазмунини ўқувчиларга муфассал тушунтириб беради ёки қисқача ҳикоя килиш билан чегараланади. Ўқувчиларни безаклар устида фаол ишлай олишга, мазмунини мустакил равишда чақиб ола ва сўзлаб бера билишга ўргатиши лозим.

Безаклар мазмунининг мураккаблиги, характеристири ўқувчиларнинг тайёргарлигига қараб сұхбат йўли билан тахлил қилиниши мумкин, ўқитувчи ўқувчиларга мустакил тахлил килишни ҳам топшириши мумкин.

Безак материаллар кўйидаги турларга бўлинади:

1. Ўтмишдаги буюм ёдгорликларининг тасвиirlари:

а) Айрим буюмлар ёки уларнинг парчалари, рўзгор ашёлари, уруш куроллари, меҳнат куроллари;

б) меъморий ёдгорликлар ва санъат асарлари тасвири. Улар ичida буюм ва меъморий ёдгорликларнинг тасвиirlари асосий ўринни эгаллайди. Бу гурухга кирган безаклар жуда ҳам турли-туман бўлиб, обьектни тахлил қилиш, таққослаш ва тегишли хulosалар чиқариш учунгина хизмат килмасдан, ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш ва уларга эмоционал таъсир кўрсатишнинг ҳам муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди.

2. Рассомларнинг ҳаётдан олиб яратган сюжетли асарлари.

3. Портретлар.

4.Хужжатлар, ёзувлар, хужжатли текстлар (тошга ўйилган ёзувлар, кўлэзмалар, нашр этилган ёзмалар, прокламациялар) тасвири. Бу хилдаги безаклар ўқувчиларнинг давр руҳини, тарихий шароитни яхшиrok тушуниб олишларига ёрдам беради.

5. Хужжатли фотосуратлар ва воқеа шохидлари чизган суратлари. Бу хилдаги безаклар асосан XIX—XX аср воқеаларига доир бўлиб, юқори синкларда фойдаланилади.

Шундай қилиб, безаклар билим манбаларидан бири бўлиб, тарих дарсларида ўқитувчи баёнини аниқлаштиришда унинг ғоявий таъсирини кучайтиришда, ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ва мавжуд билимларни ишга солишида курсатмали материал сифатида ҳам хизмат қиласди.

Тарихий воқеа маълум бир вактда ва маълум бир жойда содир булади. Ўкувчиларда воқеа содир бўлган жой ҳақида тасаввур яратиш таълимда муҳим ўрин тутади.

Тарихий харита билан ишлаш географик мухитга характеристика беришнинг асосий методини ташкил этади. Географик мухит жамият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмасада, тарихий ривожланишининг тезлашиши ёки секинлашишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Географик мухитнинг жамият ривожланишидаги ролига, айниқса “Қадимги дунё тарихи” дарслигига катта ўрин берилган.

5-6- синфларда ўкувчиларга географик мухит билан одамларнинг машғулоти ўртасидаги алоқани очиб бериш, ҳалқларнинг тарихий ривожланишига географик мухитнинг таъсирини кўрсатиш учун катта имконият бор.

Харита ёрдамида бирор мамлакатнинг тарихий тараққиётида босиб ўтган турли босқичлардаги ахволини аниқ тасвирлаб бериш, ўкувчиларда биринчидан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ҳақида аниқ тасаввур яратишга, иккинчидан, инсон ажоддлари меҳнатининг бунёдкорлик кучини пухта тушуниб, англаб олишларига ёрдам беради. Бинобарин, харита билан ишлаш жуда катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Дарсда харитадан фойдаланиб тарихий воқеа содир бўлган жойни кўрсатиш, ўкувчиларда географик мухитнинг роли ҳақида тасаввур яратиш учунгина эмас, балки тарихий воқеаларнинг моҳиятини, уларнинг конуниятларини, ўзаро алоқалари ва сабаб-натижаларни очиб беришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Харитадан тарихий воқеани тушунтириб беришдагина эмас, балки уни таҳлил килишда ва умумлаштиришда ҳам фойдаланилади.

Харита ёрдамида тарихий воқеаларнинг сабаб-алоқалари очиб берилади. Масалан, Амир Темур салтанатининг юксалиши сабаблари очиб берилади.

Харита дарснинг бошида ўрганилган материални таҳлил килиш, умумлаштириш, тарихий тараққиёт ривожланишининг конуниятларини очиб беришга ёрдам кўрсатади.

Тарихий харита ўкув материалини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи воқеа бўлиб ўтган жойини деворга осилган харитадан кўрсатган вактда ўкувчиларнинг ўша жойни ўз харитаси ёки атласидан излаб топиши, ўқитувчи раҳбарлигига хаританинг таҳлил килиниши, ўкувчиларнинг ўз дафтарларидаги эскизлар ва дарсликдаги хариталар устида уйда мустақил ишлаши, навбатдаги дарсда берилган саволларга харитадан фойдаланиб жавоб бериши ўкув материалининг пухта ўзлаштирилишига ва узок вакт эсда сакланишига ёрдам беради.

Тарих ўқитиши тажрибасида тарихий хариталарнинг уч туридан фойдаланилади:

**1.Умумий хариталар.** Улар бир мамлакат ёки бир гурух мамлакатлардаги тарихий воқеаларни, уларнинг мавқеини, тарихий тараққиётнинг маълум босқичидаги ахволни акс эттиради.

**2.Обзор хариталар.** Ўрганиладиган воқеалар ривожланишининг изчиллигини узок давр мобайнида худуднинг ўзгарганлигини акс эттиради.

**3. Тематик хариталар.** Маълум тарихий воқеаларга ёки тарихий жараённинг айрим томонларига бағишлианди. Масалан, «1525 йилда Германияда дехконлар уруши».

Тематик хариталарда ижтимоий ҳаётта доир масалалар, чунончи иктиносидий масалага, харакатларга, синфий кураш ёки ҳарбий ўтмишга доир масалалар тўларок ёритилади. Дарслик ва атласлардаги хариталарнинг кўпчилиги тематик хариталардир. Ўқитувчи босма ёки кўлда тайёрланган осма тематик хариталардан ҳам фойдаланади.

Схематик хариталар ёки харита-схемалар ҳам тематик хариталарнинг бир туридир.

Тарих дарсларида ўқувчиларни мамлакатимизнинг табиий шароити ва иктиносидётининг ривожланиши тарихи билан чуқурроқ таништириш максадида табиий ва иктиносидий географик хариталардан ҳам фойдаланилади.

Бирорта ҳам дарсни харитасиз тасаввур этиш қийин. Харита тарих дарсининг энг зарурий кўлланмаси бўлиб хисобланади. Харита аввало ўрганиладиган мавзуга мос бўлиши лозим. Ўқитувчи воқеалар ривожи давомини баёни жараёнида харитадан кўрсатиб бориши, айни вактда ўқувчилар ўқитувчи кўрсатадиган жойни кўлларидағи харита ёки атласдаги харитадан излаб топишлари лозим.

Ҳар бир янги харита ўргана бошланганда унга қисқача обзор бериш, уни ўрганилган эски харита билан солиштириб, ўқувчиларни янги харитадаги ўзгаришлар билан таништириш, уларнинг тарихий тараккиётнинг изчилилиги ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини англаб олишларига ёрдам беради. Ўқувчилар икки харитани солиштириб мамлакат ҳудуди торайган ёки кенгайганини, шахарларнинг ўсганлиги ва бошқа ўзгаришлар юз берганлигини аниқ тушуниб оладилар.

Ўқитувчи харита юзасидан саволлар ва топшириқлар бериш йули билан ўқувчиларни 5-6-синфдан бошлаб харита устида ишлашга ўргатиб боради. Ўқувчиларни харитани ўқиб тушунишга, улардан тарихий билимлар манбай сифатида фойдалана билишга ўргатиш керак.

Тарих дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарснинг самарадорлигини оциради. Таълимнинг техника воситалари ўқитиши ва ўрганиш сифатини кўтаришга ўқувчиларнинг ўкув материалини кизикиб ўрганишига ва пухта ўзлаштиришига хизмат қиласди.

Тарих ўқитиш тажрибасига кўра ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида таълимнинг куйидаги техника воситаларидан фойдаланимокда:

1. *Оддий техника қурилмалари*: Харита ва ўкув картиналари илинадиган, ёғочдан ёки бошқа материалдан ясалган силжийдиган оддий қурилмалар; кўчма синф доскаси; синф деворига илиниб икки ёклама очиладиган доска.

2. *Овозли аппаратлар*: видеомагнитафон, магнитофон ва видеопроекторлар. Ўрта ва ўрта маҳсус таълим тизимида тажрибасида компьютер, видеопроектор, видеомагнитафон, ДВД, СДлар дисклар ёрдамида, ўқувчиларни классик ва бошқа композиторларининг асарлари билан таништириш ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим ахамиятга эга. Чунки музикали ижодий асарларга доир ўрта ва ўрта маҳсус

таълим тизимида тарих курсининг маданий-тарихий материалини пластинка ва лента ёзувларисиз кўрсатиб бўлмайди. Масалан, маданиятга доир темаларни ўтганда мусика асарларини эшитиш дарсни марокли қиласди.

Ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизими тажрибасида бу манбалардан фойдаланишда қўйидаги усуслар кўлланилилади:

1) Ёзув материаллари юзасидан ўқувчиларга саволлар бериш билан бу ёзувлар дарс материалы таркибиغا киритилади.

2) Аввало лента ёзуви эшитилади, сўнгра бу ёзув сухбат ёрдамида тахлил килинади.

Овозли техника воситаларига радио эшилтиришлар ҳам киради, ўқитувчи ўқувчилар учун радио орқали маҳсус дастур ёки умумий дастур бўйича тарихдан бериладиган эшилтиришларни эшитишин ташкил этади. Ҳозирги вактда, бундай эшилтиришлар кўпинча магнит ленталарига ёзиб олинган бўлади.

Радио ва телевидение орқали бериладиган ўқув ва синфдан ташқари ишларга бағишлиган эшилтиришлар, тарихий воқеаларнинг иштирокчилари, меҳнат қаҳрамонлари, ёзувчилар ва ижтимоий арбоблар билан ўтказилган учрашув материаллари, жамиятшунослик дарсларида маҳаллий ва хўжалик ходимлари билан учрашув материаллари ана шу магнитофон ёзувларининг асосини ташкил этади. Бу учрашув ва сухбатлар тақрорланмайди, ёзиб олинган магнитофон лентасидан узоқ йиллар давомида ва истаган вақтда дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш мумкин. Бу ўринда ҳам техника воситаси ўқитувчига кўл келади, хохласа ундан ёзувдан тўла, хохласа парчадан фойдаланади.

3. Ҳар хил кўрсатув асбоблари ва кўлланмалар таълим техника воситаларининг учинчи гурухини ташкил этади.

Тарих дарсларида бундай техника воситаларидан доим фойдаланиш учун ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида зарур техник шароити мавжуд бўлган кино кабинет ёки техника воситаларидан фойдаланишга мосланган маҳсус тарих кабинети бўлиши керак. Техника воситалари билан таъминланган кабинет асосан қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) кабинетни тезда коронгилатиш ва тезда ёритиш мумкин бўлсин;

б) коронги пайтда ҳам ўқувчиларнинг ёзув-чизув ишларни олиб бориши, экран тасвирларини дафтарга тушириши, дарслик тексти билан ишлаши учун ўтирган ўринлари маҳсус лампочкалар билан ёритиладиган бўлсин;

в) кабинетда жуда катта доска бўлиши керакки, унинг бир кисми экран билан банд бўлса, бир қисми ёзиш учун бўш бўлсин;

г) ҳарита ва картиналар илинадиган маҳсус мослама бўлсин;

д) зарур техника воситалари ва уларни кўрсатадиган аппаратлар кабинетда мавжуд бўлиши билан бирга улар ишга ярокли ҳолда саклансан. Бундай маҳсус кабинет бўлмаган тақдирда синфни ҳам уни техника воситаларидан фойдаланадиган килиб жиҳозласа бўлади. Бу ҳолда тегишли восита ва аппаратлар маҳсус шкафда сакланади.

4. Бадиий ва хужжатли фильмлари ҳам таълимнинг кўрсатмали воситалари жумласидандир.

Тарих ўқитишида фильмлар ва видеофильмлар энг таъсирчан ва самарали кўрсатмали воситадир. Бадий ва хужжатли фильмлар ўқувчилар кўз ўнгида тарихий воқеанинг жонли образини кўрсатмали қилиб тўлик ҳаракатда гавдалантиради.

Ўқувчилар бошқа кўргазмали куроллардан кўра бадий ва хужжатли фильмлар воситасида тарихий ўтмишни жонлироқ идрок этадилар.

Тарихий мавзуларга багишланган бадий фильмлар (масалан, «Чингизхон» ва бошқалар) ўзининг мазмуни ва тарихий воқеаларни жонли қилиб кўрсатиш жиҳатидан тарихий бадий асарларга ўхшаб кетади. Хужжатли хроникал фильmlар эса, ўша даврнинг кўрсатмали хужжати бўлиб хизмат қиласди.

Бадий ва хужжатли фильмлар, айниқса бадий фильмлар ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатиш, эстетик ва ахлоқий тарбия бериш воситаси ҳамдир. Бадий ва хужжатли фильмлар билим олиш вақтини иқтисод қилишга ҳам ёрдам беради. Ўқувчилар оддий шароитда ўқитувчининг баёнидан, музей ва ҳар хил тарихий жойларга экспурсияларда бўлиб соатлар сарф қилиб оладиган билимларини 10 — 15 минутлик фильмни кўриб ҳам олишлари мумкин. Негаки ўқувчилар фильмни томоша қилиб тарихий образларнинг бутун қиёфаси, ҳарактери, психологияси, дунёкараши ва бошқа томонларини ҳам кўз билан кўради, мусика овози, куролларнинг гумбирлаши, самолётларнинг увиллаши, завод ва фабрикаларнинг ҳайкириқларини кулоги билан эшитади. Бадий ва хужжатли фильмларининг эмоционал, эстетик таъсири ҳам бошқа кўрсатмали куролларга нисбатан шубҳасиз кучлидир.

Бадий ва хужжатли фильмни ўқувчиларга кўрсатишдан олдин ўқитувчининг ўзи уни синчилаб кўриб чикиши ва ўрганиши лозим. Бу билан ўқитувчи фильмнинг умумий мазмуни билан, асосий диккатни жалб қиласди. Шундан кейин фильм ўқувчиларга кўрсатилади, сўнгра фильм юзасидан сұхбат ўтказилади, энг мухим кадрлар юзасидан ўқувчиларга саволлар берилади, фильм мазмунига боғлаб уйга вазифа топширилади.

Тарих ўқитиши тажрибасида фильмларидан фойдаланишининг куйидаги асосий усуслари мавжуд:

а) ўқитувчи ўз баёнини фильмнинг энг мухим ва ёркин кадрларни кўрсатиш билан боғлаб олиб боради. Танлаб олинган ўша кадрларини изоҳлайди ва тегишли хulosалар чиқаради;

б) 10—15 минутли кисқа фильмларига багишилаб дарс ўтказилади;

в) маҳсус кино дарсси ташкил этилади;

г) дарсдан ташқари вақтда фильм томоша қилинади.

Хозирги вақтда тарих дарсларида ўкув телэшиттиришларидан кенг фойдаланилмоқда, ўқитишида телэшиттиришнинг икки:

а) синфда қабул қилиш учун бериладиган эрталабки кўрсатувлар, б) ўқишидан ташқари вақтлардаги телекўрсатувлар, ўқувчилар бу эшиттиришларни уйда томоша қиласди.

Ўкув телекўрсатувларини қабул қилиш учун ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизимида ойналари парда билан беркитилган, иккита телевизорли, маҳсус ёритиш аппаратлари мавжуд бўлган синф хонаси бўлиши зарур. Дарсда ўкув

телеқўрсатувларининг икки хил тури қабул килинади: а) 15 минутлик телекўрсатув, б) 30—40 минут давом этадиган янги материални баён қилишга бағишиланган тематик теледарс ёки тақорлаш дарси. Телекўрсатувга йирик олимларни, ёзувчилар, тажрибали ўқитувчилар, юристларни ҳамда тарихий воқеаларнинг иштирокчиларини жалб этиш ўкув материалини ўрганишининг долзарблигини ва мазмундорлигини оширади.

Ўқитувчи телезиттиришни қабул қилишга пухта тайёргарлик қуради. Ўкувчиларнинг телекўрсатувлар мазмунини пухта ўзлаштириб олишлари учун ўқитувчи уларга эшиттириш мазмуни юзасидан саволлар беради ёки бошка вазифалар топширади. Натижада ўкувчилар кўрсатишни фаол фикрлаб ўзлаштирадилар. Ўқитувчи теледарсни қабул қилишни сұхбат билан якунлайди.

Шундай килиб, телэкран тарих ўқитишида кўрсатмалийкнинг самараадорлигини янада ошириб юборди. Тарих ўқитишининг теледарс тақрибаси тарбиявий ва дидактик жиҳатдан бошка кўрсатмали воситалардан кўра хийла афзал эканлигини исботлади.

### **Асосий тушунчалар**

**Умумий хариталар** - мамлакат ёки бир гурӯҳ мамлакатлардаги тарихий воқеалар, уларнинг мавқенини, тарихий ривожланишининг маълум босқичидаги ахволни акс эттиради.

**Обзор хариталар** - ўрганиладиган воқеалар ривожланишининг изчилигини узоқ давр мобайнида ҳудуднинг ўзгарганлигини акс эттиради.

**Тематик хариталар** - маълум тарихий воқеаларга ёки тарихий жараённинг айрим томонларига бағишиланади.

### **Тақорлаш учун саволлар**

1. Кўрсатмали методлар классификацияси?
2. Тарихий хариталар неча турга бўлинади?
3. Тарих дарсларида кўрсатмали куроллардан фойдаланиш методлари
4. Тарих дарсларида иллюстрациялар билан ишлаш методлари

## **9-мавзу. Тарих дарсларида тарихий манбалардан, бадиий ва бошқа адабиётлардан фойдаланиш.**

**Реже:**

1. Дарс жараёнида тарихий манбалардан фойдаланиш.
2. Тарих дарсларида бадиий адабиётлардан фойдаланиш.
3. Адабиётлар таснифи.

Тарихий-бадиий адабиётлар тарихий жараёнларни ўзлаштиришда муҳим омил. Тарихий-бадиий адабиётлардан тарих дарсларида фойдаланишда ўкувчиларнинг психологик, ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. Бадиий адабиётлар ва уларнинг турлари. Адабий манбалар улардан тарих дарсларида фойдаланиш методлари: мавзуга оид адабий манбаларни тавсия этиши, манбалардаги мавзуга оид шахс ва тарихий воқеалар хусусида сухбатлашиш, манбалардан фойдаланиш методлари.

Бадиий адабиёт образларидан фойдаланиш ўқитувчи баёниниң кўрсатмалилигини таъминлайди, уни аниклаштиради, ўкувчилар ўтмиш ҳакида жонли тасаввур хосил киласди. Бадиий адабиётнинг роли бу билан тугамайди.

Маълум даврнинг ижтимоий ходисаларини реал акс эттирувчи ҳакикий бадиий образ, типик образлар ўша ижтимоий ходисанинг моҳиятини ифодалайди.

Ўқитувчи баёнида бадиий адабиётдан олинган намуналар баёниниң таъсиричан бўлишини ҳам таъминлайди, ўрганилаётган тарихий воқеаларга нисбатан ўкувчиларда хайриҳохлик, завқланиш, афсусланиш кайфиятларини, нафрат ёки хайрат туйгуларини туғдиради.

Тарих ўқитишида фойдаланиладиган бадиий адабиётларни: 1-ўрганилаётган даврнинг адабий ёдгорликлари ва 2-тарихий беллетристик асарларидан иборат икки гурухга бўлиш мумкин.

Адабий ёдгорликларга тарихий ходиса ва воқсаларни ўз замондошлари ёзib қолдирган асарлар киради. Бу гурухга кирган асарлар тарих фани учун ўтмишнинг ўзига хос манбаи бўлиб хизмат қиласди. Бадиий адабиёт ёдгорликлари ёзib олинган оғзаки ижодиёт асарларини: афсоналар, достонлар, қўшиклар, масаллар ва бошқаларни ўз ичига олади. Бундай асарларнинг жуда кўпиди воқелик қайта-қайта ишланган, ҳалк фантазияси билан бойитилган ва безатилган бўлади. Вокеликни объектив суратда тасвир қилган асарлар, ёдгорликлар бизгача етиб келмаган тақдирда узок ўтмишни, масалан қадимги Греция тарихини ёритиб беришда ана шундай асарлардан ҳам танқид ғалвиридан ўтказиб фойдаланилади. Гомер давридаги жамият тарихи Гомер достонларидан ва қисман грек афсоналаридан олинган эпизодларни таҳлил қилиш асосида таърифлаб берилади, Бадиий ёдгорликларнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, улар ўз замонидаги жамиятнинг гоясини акс эттиради ва буни ўкувчиларнинг тушуниб олишларига, тарихий ходисалар ва арбобларнинг ёркин бадиий образларини равшан тасаввур қилишларига ёрдам беради. Шу билан бирга ўкувчилар бадиий адабиётнинг жамият хаётидаги роли билан ҳам аниқ мисолларда танишадилар. Масалан, «Роланд ҳакида қўшиқ» номли асарда Карлинг ўзи ва унинг жангчилари идеаллаштирилиб у олиб борган урушлар тарихи бузиб кўрсатилади. Шу билан бирга, бу асар рицарларнинг мардлиги, ўз сенъорига содиклиги, филокорлиги

билин, шунингдек ўрта асрлар адабиётининг ана шу тури билан таништиради. «Роланд ҳакида кўшиқ» шу адабиёт турининг энг яққол намунасиdir. Роланд уйдирма образ бўлсада ундаги ажойиб фазилатлар ўкувчиларга ижобий тарбиявий таъсир кўрсатади. Ўрта асрларда яратилган «Гулки ҳакида роман» дан шаҳарликларнинг феодалларга муносабатини, улар ўртасида кескинлашиб бораётган курашини ҳамда уни ёритишида ҳажвиядан кандай фойдаланилганлигини ўкувчилар тушуниб олади.

Қадимги дунё ва ўрта асрларда яратилган афсоналардан, қаҳрамонлик достонлари ва бошқа адабий асарлардан тарих дарсларида фойдаланганда, ўкувчиларни бу асарларга танкидий кўз билан қарашга ўргатиб бориш керак. Шунингдек, уларга бу асарлар ўтмишдан қолган бадиий ёдгорликлар эканлигини, улардан ўша даврларда бўлиб ўтган воқеаларга оид бъязи маълумотлардан фойдаланиш ва қай тарика фойдаланиш мумкинлигини, бу асарларнинг 18-йси жойи уйдирма ва қайси жойларида реал воқелик акс этганини тушунтириш лозим.

Беллэтистик асарларга — тарихий романлар, тарихий темаларда ёзилган повестлар, ўрганиладиган давр ҳакидаги бадиий асарлар, хикоялар киради. Бу асарлар тарихий манбалар, мемуарлар ва хужжатлар, илмий текшириши ишлари ва монографияларни ўрганиш асосида ёзилган бўлиб, уларда ўтмиш воқеалари бадиий тасвиirlар ва бадиий образлар орқали ифодаланади.

Беллэтистика тарих фани учун хужжатли манба бўла олмасада, ўкувчиларга ўтмишни аниқ тушунтиришида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тарихий роман ва повестларни ўкиш натижасида ўкувчиларда тарихга қизикиш уйғонади.

Ўрганилаётган даврга доир адабий ёдгорликлар тарих дарсларида кўпинча дарс материалини хulosалаш ва умумлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Беллэтистика баён қилинаётган ўкув материалини аниклаштиришга ва баённи марокли қилишга ёрдам беради.

Ўқитувчи бадиий адабиётни танлашда материалнинг таълим-тарбия жиҳатидан киммати тарихий ҳодисаларнинг накадар ҳакконий реал ва илмий килиб ёритилганлигини эътиборга олади.

Ўқитувчи тарих дарсларида фойдаланиш учун бадиий адабиётдан:

- а) ўрта таълим ва ўрта маҳсус таълим тизими дастурида кўзда тутилган тарихий воқеаларнинг тасвирига;

- б) тарихий арбоблар ва ҳалқ оммаси вакилларининг образларини, ҳалқ оммасининг ролини кўрсатишига;

- в) муҳим тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойларни ва у ерларнинг аниқ шароитини тасвиrlашга ва ш. к. ларга бағишланган асарларни танлайди.

Ўқитувчи ўз баёнида бадиий адабиётлардан фойдаланиш билан бирга ўкувчиларнинг синфда ва синфдан ташқари бадиий асарларни ўқишлари устидан доимий назорат олиб боради.

Бадиий адабиётнинг ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашдаги аҳамияти.

Бадиий адабиётнинг киммати ўкувчи воқеаликни адибнинг истеъододи даражасида идрок этишга, уни кўзи билан кўришга, унинг шахси орқали,

маънавий дунёси орқали тасаввур этишга, у олга сурган ўз амалий фаолиятида онгли равища амал қилишга эришиши билан белгиланади.

Ўкувчи асарда тасвирланган тимсоллар галеряси ва бадиий воситаларни фақат кузатувчисига айланмаслиги, балки адаб олға сурган таълим-тарбиявий гояни қандай натижага эришганлыги нұқтаи назаридан баҳолашга ўрганган тақдирдагина унинг моҳиятини тўлиқ, чукур англаб этиши муқаррар.

Бадиий асарни тўғри танлай билиш ҳам асар гоясини таълим-тарбиявий томондан чукур ўзлаштиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, уни танлашда маълум мезонларга асосланилади, яъни бадиий асарнинг юксак гоявий-бадиий қўммати, адаб ижодида асарнинг характерли ўрни (асосан юкори синфларда): асарнинг яратилган ва ўрганилаётган давр учун аҳамияти (бу ҳам асосан юкори синфларда хисобга олинади); бадиий асарнинг таълими, тарбиявий, ривожлантирувчи хусусияти; бадиий асарнинг ўкувчи ёшига мослиги, муносиблиги; бадиий асарнинг ўкувчи ёшига мослиги, муносиблиги; ўкувчидаги қизиқиши ўйғотиши; ўкувчининг маънавий қизиқиши; талаби, эҳтиёжларига жавоб берга олиш даражасидан иборатдир.

Проза йўлида ёзилган асарлар ҳаётнинг кенг ва объектив манзарасини тасвирлаши, маънавий қадриятлар моҳиятини атрофлича очиб бериши, поэзияда бундай тасвирга кенг имконият йўклиги, драматик асарларда эса воқелик ёзувчи нутки орқали эмас, балки образларнинг ҳатти-харакати, сўзлари орқали ифодаланиши билан фарқ қиласи. Адабий турлар ўртасидаги бундай фарқланиш уларнинг тарбиявий имкониятлари жиҳатидан ҳам фарқланишига олиб келади. Мазкур жанрлардаги асарлар ўкувчига биринчидан, ўтмишнинг маданий мероси, бу мероснинг ранг-баранглиги, ўзбек ҳалқининг тақрорланмас истеъдод эталари бўлган аждодлари ҳакида аниқ ва қизиқарли маълумот беради. Иккинчидан, ўкувчининг ўзлигини англаши учун бой маънавий озиқ беради. Учинчидан, ўзбек миллати, шарқ ҳалқлари тарихи, дини, маданияти, урфодатлари, анъаналари, удумлари ҳакида бадиий ифода воситалари асосида илмий, ҳаққоний, тарихий маълумотларни эгаллашга муваффақ бўлади. Тўртинчидан, шарқ ҳалқлари, ўзбек ҳалқи руҳий ҳолати, ахлок-одоб мезонларидан қаҳрамонлик, жасурлик, меҳнатсеварлик инсонпарварлик, меҳмоннавозлик, имон-эътиқод, севгига садоқат каби қадриятлар ҳакида атрофлича маълумот олишига мусассар бўлади. Масалан, қаҳрамонлик эпосларида туркий ҳалқларга хос қаҳрамонлик, ватанпарварлик, жасурлик (“Широк”, “Тўмарис”), ҳалқпарварлик, севгига садоқат (“Алпомиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Фарҳод ва Ширин”), жангнома характеридаги достонларда ўтмиш қаҳрамонлар, тарихий ва ҳаётий ҳақиқатнинг куйланиши (“Шоҳнома”, “Жангномаи Жамшид”...), панднома характеридаги достонларда қишининг кундалик ҳаётида амал қилиши лозим бўлган ҳулқ-атвор мезонлари диний ва дунёвий ахлоқ қонун-қоидалари (“Қутадғу билиг”, “Садди Искандарий”...), киссаларда (“Бадоев-ул вакоев”, “Қиссаи Юсуф ва Зулайҳо”, “Қиссасул анбиё”, “Қиссаи Рабгузий” ва.к.) шарқ ҳалқларининг турмуш тарзи, тарихига хос воқеалар тасвири кўпроқ ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам бу жанрларда яратилган адабиёт намуналари ўкувчига маънавий маданиятизмнинг тарихий бой кирралари ҳакида шарқ ҳалқлари, шу жумладан

ўзбек халқининг ўтмиши, қадриятлари, ахлоқ-одоб мезонлари хақида атрофлича маълумот бериш имкониятига эга.

Ўқувчиларининг бадиий адабиёт воситасида маънавий маданиятини шакллантиришининг педагогика талабларидан бири, унинг тарбиявий таъсир кучидан фойдаланишда унга давр нуктаи назаридан ёндашишдир.

Мумтоз адабиёт намуналари мазмунидаги чукур фалсафийлик, фаросатлилик ўқувчини узок ўтмишга саёҳат қилдиради. Муаллифлар ўз даврларининг турмуш тарзларини, хаётий муаммоларини, фалсафий илдизларини бадиий ифодалашга, шу усулдан фойдалангтан ҳолда халқнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир оз бўлса-да, ташвишли масалалардан, безовта кечинмалардан йироқлаштиришга муваффак бўлганлар. Мумтоз адабиёт намуналарининг катта қисми поэтик тарзда яратилган бўлиб, улар асосан ғазал, рубоий, фард, туюқ, тўртлик, қисса, хикоят, достон, касида, мухаммаслардан иборат. Щунинг учун ўқувчидан нозик дил, қунт, теран фикр асосида уларни ўрганиш талаб этилади. Ахли замон ўртасидаги инсонпаврварлик, ширинсұханлик, қадр-киммат, дўстлик ва биродарлик, Ватан ишки, халқ фаровонлиги ва комил инсон масаласи мумтоз адиблар ижодидаги бош мавзу хисобланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тарих дарсларида бадиий адабиётлардан фойдаланишнинг тарбиявий ахамияти.
2. Тарих дарсларида бадиий адабиётлар фойдаланиш усуллари.
3. Бадиий адабиётларни таснифлаш .

## **10–Мавзу. Тарих дарсларида педагогик технологиялардан фойдаланиш**

### **Режа:**

1. Педагогик технология тушунчаси ва унинг аспектлари
2. Тарих дарсларида ўқувчига ёндошиш бўйича технологиялар
3. Танқидий фикрлаш методлари.
4. Ўқитишнинг интерактив методлар

### **1. Педагогик технология тушунчаси ва унинг аспектлари**

Илмий техник тараккиёт XX аср охирига келиб фақатгина кўплаб ишлаб чиқариш соҳаларини технологиялаштиришга сабаб бўлиб колмай, балки маданият соҳасига, гуманитар билимлар соҳаларига ҳам кириб келди. Бугунги кунда биз энди ахборот, тиббиёт технологиялари ҳакида гапирамиз, шу жумладан таълим соҳасида ҳам.

“Технология” тушунчаси техник тараккиёт сабабли юзага келди ва луғатлар талкини бўйича (techne санъат, хунар, фан; logok – тушунча, таълимот) материалларга ишлов бериш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар тўплами демакдир. Технология шу билан бирга жараённи билиш санъатини ҳам ўз ичига олади. Технологик жараён ҳар доим зарур воситалар ва шароитлардан фойдаланиш билан операциялар маълум кетма-кетлигини кўзда тутади. Технология процессуал мазмунда “кандай қилиб, нимадан ва қайси воситалар билан бажариш керак?” деган саволга жавоб беради.

“Педагогик технология” тушунчаси ўқитиш назариясидан кейинги пайтларда янада кенгрок тарқалди.

XX асрнинг 20-йилларида “педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича асарларда тилга олинган. Шу вактнинг ўзида яна бир бошқа – “педагогик техника” термини ҳам тарқалди. У педагогик энциклопедияда 30-йилларда ўқув машғулотларини аник ва самарали ташкил этишига қаратилган услублар ва воситалар сифатида ифодаланган. Педагогик технологияларга ўқув ва лаборатория ускуналари билан ишлаш, кўргазмали кўлланмалардан фойдаланиш маҳоратлари ҳам киритилган.

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида, ўқитиш - ўқув жараёнларига техник воситаларни татбик этиш бошланганида, “таълим технологияси” термини пайдо бўлди, у кейинги йиллар давомида “педагогик технологияга” айлантирилди.

60-йиллар ўрталарида бу тушунчанинг мазмуни чет элларда педагогик нашрларда ва ҳалқаро конференцияларда кенг муҳокама этилди, натижада ушбу соҳада турли мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Венгрия) уни талкин килиш даражасига қараб икки йўналиши белгиланди.

Биринчи йўналиш тарафдорлари техник воситалар ва дастурлаштирилган ўқитиш воситаларини кўллаш зарурлигини таъкидладилар (technology in education).

Иккинчи йўналиш тарафдорлари эса ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва педагогик гояларнинг техниканинг кескин ривожланишидан ортда қолишини йўқотиш мухим деб хисобладилар. Шундай килиб 1-йўналиш “ўқитишда техник воситалар” сифатида белгиланди, биз бироз

кейинрөк юзага келгән 2-йұналиш “үқитиши технологиясы” ёки “үқув жараёны технологиясы” сифатыда белгиланди.

70-йилларнинг бошларыда турлы хилдаги үқув ускуналарини ва үқув воситаларини модернизациялаштириш зарурлығи аңграб етилди. Булар сиз үқитишиннегін сифатлилігінің сипатынан да жарияланған.

60-йиллар үрталарында 70-йилларнинг бошларыда АҚШ, Англия, Япония, Италия каби юксак ривожланған давлатларда педагогик технологиялар масалалари билан шүгүлланувчи журналлар нашар этилар эди, кейинчалик бу мұаммодан билан ихтисослаштырылған ташкилоттар ва марказлар шүгүллана бошлады.

Педагогик технология деб одатда мақсади таълим жараёнининг самарадорлығини ошириш, таълимда күзленгендегі нағызларға әрішиш бүлгән чет зерттеуден педагогикасынин жұналишига айтылади (М. Кларин, 1989) миллий педагогик адабиётларда бундай қолларда үқитишиннегін дидактикасы ёки методикасы ҳақида гапирадилар, бирок “технология” термини қозырги кунда жуда көнгө тарқалған.

“Педагогик технология” сөз бирлигі – бу инглизча “*an educational technology*” – “таълим технологиясы” иборасыннан аник бүлмаган таржимасынан. “Педагогик технология” тушунчаси охирғи пайтларда үқитиши назариясида янада көнгрөк тарқалиб келмокда. Айнан ана шу мазмунда “технология” термини ва уннан “үқитиши технологиясы”, “таълим технологиясы”, “таълимда технология” шақлары педагогик адабиётларда фойдаланыла бошланғанда да мұаилилар таълим-технологик жараёниннегін түзилиши ва ташкил этиувчиларни көндай тасаввур этишларига қаралғанда күп көрсетілген.

“Педагогик технология” термини бириңчы бор педагогика бүйінчі ишларда - XX асрнинг 20-йилларында тиңгылған. Қозырги кунда педагогик технология тушунчасини түрлічіктастырып көрсетілген.

1. Технология – бу бирон-бир ишда, маҳоратда, саньатда күлланиладын ғылыми-техникалық тәсілдер (тәлкінлік лугат).

2. Педагогик технология – бу үқув жараёнини амалға ошириш мазмунлық тәсілдер (В.П. Бесспалько).

3. Педагогик технология – бу үқитишиңде режалаштырылған нағызларға әрішиш жараёнини тасвирлаштырылған (И.П. Волков).

4. Педагогик технология – бу үқитиши, тарбияның воситалары, шақлары, методлары, усул, ғылыми-техникалық тәсілдер (Б.Т. Лихачев).

5. Педагогик технология – бу таълим шақларын оптималлаштырып ғылыми-техникалық тәсілдер (Б.Т. Лихачев).

6. Технология – бу саньат, маҳорат, мөхирлік, ишлаб чыкып көрсетілген тәсілдер (В.М. Шепель).

7. Үқитиши технологиясы - бу үқувчилар үкитиши технологиясынан көрсетілген тәсілдер (ЮНЕСКО).

ташкыл этиш ва олиб бориши бүйича хар томонлама үйлаб чиқилған хамкорлықдаги педагогик фаолият моделидир (В.М.Монахов).

8. Педагогик технология – бу педагогикада фикрлашнинг системали усулидир (Т.Сакамото).

9. Педагогик технология – ўкув жараёнининг ташкилий шакли, методлари, мазмунини ўзгартырувчи унинг ривожланиш янги системасидир (Э. Бистереки ва Ж.Целлер).

10. Педагогик технология педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ҳамма шахсий, инструментал ва методологик воситаларни системали тұплами ва ишлатилиш тартибини билдиради (М.В.Кларин).

11. Педагогик технология – бу таълим мақсадига эришишга қаратылған ўқытувчи ва ўкувчининг фаолиятни системали, коцептуал, қоидали, объективлаштирилған, инвариант тасвираштырылған (Ф.А.Фрадкин).

12. Педагогик технология билимларни әгаллашда режалаштириш, бошқариш ва таъминлашни таҳлил қилиш учун фаолиятни ташкыл этиш усулини, одамлар, ғоялар, воситаларни ўз ичига олувчи комплекс интеграл жараён демақидир (Педагогик коммуникациялар ва технологиялар бүйича АҚШ ассоциациясы).

Барча халқларда ҳамма вакт яхши тайёрланған мұтахассислар, ўз ишининг усталари хурмат килинған, маҳорат билан мөхирона ўқитиш ҳам юқсак баҳоланған.

Педагогика фаны тарихида ўқитиш ва кадрлар тайёрлашнинг янада мүкаммал методларини ва усулдарини излаш доимий давом этиб келған.

Үқитиш – бу унинг жамият таралғандағы учун самарааси педагогнинг фаолияти яқунланиши билан дархол күрінімсаса ҳам хар кандай бошка фаолият каби ишлаб чиқариш фаолиятидир.

Жамият тарихида іктисодий даврлар фақаттіңа нималар ишлаб чиқарилиши, ким томонидан қанча ишлаб чиқарилиши, меңнатнинг қайси воситалари билан ишлаб чиқарилиши биланғина фарқ қылмайды.

Ана шу нүктәи назардан биз ижтимоий тарихда мавжуд бўлган “педагогик даврларни” кўриб чиқамиз:

I. Индивидуал педагог, кўл билан ишлайдиган педагогнинг педагогик фаолияти даври (қадимги даврлардан бошлаб XVII асрғача);

II. Ўкув китоби даври (XVII асрдан ҳозирги давргача);

III. Аудиовизуал воситалар даври (XX асрнинг 50-йиллари).

IV. Ўқитишни бошқаришни автоматлаштириш оддий воситалари даври (XX асрнинг 70-йиллари).

V. Замонавий хисоблаш машиналари асосида таълимни бошқаришни автоматлаштиришда адаптив воситалар даври (XX аср охири компьютерни ўқитиш).

“Педагогик технология” тушунчаси учта аспектлар билан тақдим этилиши мумкин:

1) Илмий педагогик технология - ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методларини ўрганувчи ва ишлаб чиқувчи, педагогик жараёнларни лойихалаштирувчи педагогик фаннинг бир қисмидир.

2) процессуал-таърифий: жараённи тасвираш ўқитишнинг кўзда тутилган натижаларига эришиш учун воситалар ва максад, методлар тўплами.

3) процессуал-амалий: технологик жараённи амалга оширилиши, ҳамма шахсий, инструментал ва методологик педагогик воситаларнинг ишга соли-ниши.

Шундай килиб, педагогик технология ўқитишнинг энг самарали йўлларини изловчи фан сифатида ҳам, ўқитишда кўлланиладиган усуслар, принциплар ва бошқарувлар системаси сифатида ҳам, ўқитиш ҳақиқий жараёни сифатида ҳам иштироқ этади.

## **2 Тарих дарсларида ўқувчига ёндошиш бўйича технологиялар**

1) Авторитар технологиялар, бунда педагог ўқув-тарбиявий жараённинг якка субъекти ҳисобланади, ўқувчи эса фақатгина “объект”, бирор-бир кисмдек бўлади. Улар мактаб ҳётини қатъий ташкил этилиши, ўқувчиларнинг ташаббуси ва мустақиллигига йўл қўймаслик, талаб ва мажбурлаш кўлланилиши билан ажralиб туради.

2) Дидактоцентрик технологиялар ҳам бола шахсига эътиборсизлик юқори даражаси билан ажralиб туради, уларда ҳам ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида субъект-объектли муносабатларлар хукм суради, ўқитиш таълимдан устун кўйилади ва шахсни шакллантириш энг асосий омиллари дидактик воситалар ҳисобланади.

3) Шахсга йўналтирилган технологиялар бутун мактаб, ўрта маҳсус таълим тизими марказига бола шахсини, унинг ривожланиши учун кулай, келишмовчиликларсиз ва хавфсиз шароитларни таъминлаш, унинг табиий имкониятларини амалга оширишни кўяди. Бу технологияда бола шахси фақатгина объект эмас, балки мухим субъект ҳамdir: у бирор-бир ноаник максадга эришиш воситаси эмас, балки таълим тизими мақсади ҳисобланади (авторитар ва дидактоцентрик технологияларида бўлганидек). Бундай технологияларни яна антроцентрик деб ҳам атайдилар.

Шундай килиб, шахсга-йўналтирилган технологиялар антроцентриклиги, инсонпарварлиги ва психотерапевтик йўналганлиги билан ифодаланади ва боланинг ҳар томонлама, эркин ва ижодий ривожланиши максад қилиб олади.

Шахсга-йўналтирилган технологиялар доирасида инсонпарварлик<sup>1</sup> шахсий технологиялар, ҳамкорлик технологиялари ва эркин тарбиялаш технологиялари мустақил йўналганлиги билан ажralиб туради.

4) Инсонпарварлик-шахсий технологиялар \_биринчи навбатда ўзининг инсонпарварлик мөхияти, шахсни қўллашга психотерапевтик йўналганлиги, унга ёрдам кўрсатиши билан ажralиб туради. Улар болага ҳар томонлама ҳурмат ва мухаббатни, мажбурлашни рад этиб унинг ижодий қудратига ишончни тарғиб қиласди.

5) Ҳамкорлик технологияси, ўқитувчи ва бола ўртасидаги объекст-субъектив<sup>2</sup> муносабатларда демократиклик, тенгликни, ҳамкорликни амалга оширади. Ўқитувчи ва ўқувчи биргаликда мақсад, мазмунни ишлаб чиқадилар, ҳамкорлик ва биргаликда ижод ҳолатида бўлиб баҳо берадилар.

6) Эркин тарбия технологиялар боланинг ҳаётий фаолияти доирасида кўпми озми танлаши ва мустақиллиги эркинлиги беришга эътиборни каратади.

Танловни амалга ошириб бола натижаларга ташки таъсир остида эмас, балки ички туйгулари оркали боради, у субъект нуктаи назарини энг яхши услуг билин амалга оширади.

## 2. Танқидий фикрлашнинг фаол методлари.

Танқидий фикрлашни ўстиришга хизмат киладиган методлар “Демократик таълим учун” консорциуми томонидан амалга ошириладиган “Танқидий фикрлаш учун ўқиш ва ёзиш” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган.

Танқидий фикрлашнинг фаол методларини ишлаб чиқишида куйидаги асослардан келиб чикадилар: Танқидий фикрлаш нима?

Фикрлаш – ўқиши, ёзиши, сўзлаш ва эшлишига ўхшаш жараён. У фаол, мувофикаштирувчи шундай жараёнки, ўзида бирор ҳакикат тўғрисидаги фикрларни камраб олади. Фикрлаш контекстдан ташқарида ҳосил қилинадиган кўнимма эмас. Танқидий фикрлаш таълими дастур ёки кундалик ҳаётнинг умумий контекстидан йироклашган шароитда ўрганилиши лозим бўлган ходиса хам эмас.

Браун (1989) таъкидлайдики, вазифа ва реал ҳаёт мақсадларидан ажратилган ўкув кўниммалари таълим олувчиларга объектив тестларни яхши топшириш имкониятини бериши мумкин, лекин улар бу кўниммаларни янги вазиятларда кўллай олмайдилар.

Рихер таъбири бўйича ўрганиши ва фикрлашнинг таърифи когнитив психология, фалсафа ва мультмедиа маданияти таълими соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига асосланади.

Бу тадқиқотларнинг асосий натижалари:

1. Самарали ва муттасил ўрганиш асосида талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш, синтезлаш ва уларни тўла эгаллаш фаоллиги ётади (Андерсон ва унга ҳаммуалифлар, 1985).

2. Ўрганиш жараёни фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг турли туман стратегияларидан фойдалангандагина муваффакиятироқ бўлади. Бундай стратегия ўрганиш жараёнини янада онглиаштиради (Палинскар ва Браун, 1989).

3. Ўрганиш ва танқидий фикрлаш талабаларнинг аниқ вазифаларга нисбатан янги билимларни кўллаш имкониятларига эга бўлган тақдирда ривожланади (Ресник, 1987).

4. Ўрганиш талабаларнинг олдинги билимлари, тажрибаларига таянгандағина мустаҳкамланади. Булар талабаларнинг билган билимларини янги ахборотлар билан боғлаш имкониятини беради (Рос, 1990).

5. Танқидий фикрлаш ва ўрганиш гоя ва тажрибаларнинг турли туманлигини педагоглар тушунган ва қадрлаган вактдагина амалга ошади. Танқидий фикрлаш “яккаю ягона тўғри жавоб”ни қабул киладиган менталитет жараёнида юз бермайди.

Танқидий фикрлашнинг ривожланиши мухитини яратиш

Танқидий фикрлашни ривожлантириш осон иш эмас. Бу муайян ёш даврида тугалланган ва эсдан чиқарилган вазифа хам эмас. Шу билан бирга танқидий фикрлашга олиб борадиган тугалланган йўл хам йўк.

Лекин танқидий фикрловчиларнинг шаклланишига ёрдам берувчи муайян ўкув шароитлари тўплами мавжуд. Унинг учун:

танқидий фикрлаш тажрибасини эгаллаши учун вакт ва имконият бериш;

талабаларга фикр юритиш учун имконият бериш;

турли-туман фойя ва фикрларни қабул килиш;

талабаларнинг ўкув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш;

талабаларни кулгига қолмасликка ишонтириш керак;

хар бир талабанинг танқидий фикр юритишга кодир эканлигига ўзларида ишонч хиссини уйготиш;

танқидий фикрлашнинг юзага келишини кадрлаш лозим.

*Шу муносабат билан талабалар:*

ўзига ишончни ортириш ва ўз фикри хамда гояларининг кадрини тушуниш;

ўкув жар ғинидаги фаол иштирок этиш;

турлича фикрларни эътибор билан тинглаш;

ўз ҳукмларини шакллантиришга хамда ундан кайтишга тайёр туриши лозим.

*Вакт.* Танқидий фикрлаш вакт талаб қиласди. Пирсон, Хансен, Гордон (1979) лар таъкидлашади, ўз фикларини ижод килиш гўё аввалги фойя, тасаввур, учрашувлар ва тажрибаларни археологик жихатдан тадқик қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам:

фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаш;

ўзаро танқидий фикрлар алмашиш;

ўз гояларини ифодалай олиш ва конструктив таклифларга жавоб ола билиш;

фикрларни муайян гоялар киёфасида, кулаг мухитда амалга ошира олиш ва ўз гояларини тўла ва аниқ ифодалай олиш.

*Изн.* Танқидий фикрлашда эркинлик бўлиши учун талабалар маъкул ва номаъкул нарсаларни айтиш, улар ҳакида фикрлаш, ижод килиш учун рухсат олишлари лозим. Талабалар йўл қўйиладиган ҳолатларни англаб олишгач, танқидий таҳлил қилишга фаол киришадилар. Танқидий таҳлилга изн олиш онглилик тамойилига асосланади. Бунда таҳлил ва ҳаддан ошиш орасидаги фарқ аниклаб берилиши лозим. Танқидий фикрлашга изн фикрлаш учун чинакам мақсад бўлган дўстона хамда самарали шароитда берилади.

*Ранг-баранглик.* Талабаларнинг фикрлаш жараёнида турли фикрлар ва гоялар пайдо бўлади. Ранг-баранг фикр ва гоялар яккаю-ягона жавоб мавжудлиги ҳакидаги тасаввур бартараф қилинган чоғдагина юзага келади. Фикрларни ифода қилиш чегараланганда талабаларнинг фикрлашига чек қўйилади. Фақат биргина жавоб мавжуд бўлган тақдирда хилма-хил восита ва жараёнилардан фойдаланиш жоизки, унинг ёрдамида талабалар ана шу жавобни топа олсин.

*Фаоллик.* Танқидий фикрлаш талабаларнинг фаоллиги билан бевосита боғланган. Одатда, талабалар сусткаш тингловчилар бўлишади, чунки уларда ўқитувчи билимлї ёки матнда унинг бу билимлари акс этган, шу туфайли уларнинг билимлари ўқитувчи масъул деган ишонч шаклланиб колган. Ўкув жараёнидаги талабаларнинг фаол иштироки ва ўқишларига ўзларининг масъул

эканлигига тайёрлиги танкидий фикрлашда кутилган натижаларни беради. Талабаларни фикр юритишга, ўз гоялари ва фикрлари билан ўзаро ўртоказишига даъват этиш каби педагогик ёндашув уларнинг фаоллигини ўстиради. Михали Чикжентихалий (1975) таъкидлайдики, талабалар ўша мураккаб даражадаги ўкув жараёнида фаол иштирок этишса, билиш жараёнида катнашганлигидан катта баҳра оладилар ва ўзларида чукур қониқиши хиссини сезадилар.

*Таваккалчилик.* Эркин фикрлилик таваккалчиликка асосланади. Унинг билим фаолиятида қўрқмай таваккал қилувчи инсонларни рафбатлантириб туриш жоиздир. Фикрлаш жараёнида “ахмоқона гоялар” акл билан тузилмаган бирикма ва тушунчалар илгари сурилган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Ўқитувчи буни ўкув жараёнининг табиий ҳолати сифатида талабаларга тушунтириши лозим. Талабаларни таваккалдан холи бўлган, яъни гоялар кадрланган, талабаларнинг фикрлаш фаолиятида фаол иштирокини юкори мотивациялаш имкони бўлган муҳитда ўйлаш лозимлигига ишонч ҳосил килиш зарур.

*Қадрлаш.* Танкидий фикрлашнинг омилларидан бири талабаларнинг фикрлаш жараёнини кадрлашидир. Ташкил этилган фикрлаш жараёнида талабалар ўз гоялари, тасаввурларининг ўқитувчи томонидан кадрланётганини гушунган ҳолда чукур масъулият ва эътиборга яраша жавоб қайтарадилар. Талабалар ўз фикрлаш жараёнини кадрлашни намойиш килишга ҳаракат киладилар, унга ва унинг оқибатларига нисбатан жиддий муносабатда бўла бошлайдилар.

*Кимматлилик.* Фикрлаш жараёнини ташкил этиш давомида талаба уларнинг фикрлари, ўз танкидий таҳлили натижалари кимматли эканлигини уларнинг онгига сингдириш зарур. Ўқитувчи талабалардан муйян материални шунчаки қайта ишлашни талаб қилганда тайёр қолиллардан, андозалардан холи бўлиши лозим. Бу эса талабаларда ўзгалар гояларини механик тарзда қайта ишлаб чикиш энг муҳим ва қимматли эканлигига ишонч ҳосил килишга олиб келади. Аслида талабаларга ўз фикри, ўзига тааллукли бўлган ғоя ва тасаввурлар қимматли эканлигини кўрсата олиш зарур. Талабаларнинг ўзлари ҳам ўз фикрларининг қимматбаҳо эканлигига ишонч ҳосил қила олишлари зарур. Улар ўз фикрининг тушунча ва масалани муҳокама қилиш жараёнида ўта муҳим, шунингдек, катта хисса бўлиб ҳисобланишини тан олишлари керак.

*Ўзаро фикр олишув.* Фикрлаш жараёни талабаларнинг ўзаро фикр олишувини кўзда тутади. Талабаларнинг ўзаро фикр олишиши уларнинг бир-биридан ўрганишдаги ўртокчилигига асос солади. Талабалардан фикрловчи сифатида ўзларида бўлган йирик фикр ва оддий хатога бўлган қобилиятларини бошқаларга очиб бериш талаб этилади. Ўзаро фикр олишишда талабалардан дикқат билан тинглаш, ўзининг қарашлар тизимини сўзловчига зўрлаб ўтказиш ва бошка сўзловчиларни тузатиб туришдан ўзини тийиб туриши ҳам талаб этилади. Бунга жавобан талабалар бошқаларнинг ялпи фикрларидан фойдаланиши имкониятига эга бўлади. Кенг доирадаги мунозара оқибати ўларок талабалар ўзларига тегишли бўлган гояларни таҳлил килиш ва уни аниқлашга янада қобилияти орта боради ҳамда уларни ўз билимлари ва ҳаётий

тажрибаларида яратган ғоялари тизимига тиркаб боради. Фикрлаш жараёнини ташкил этишда уни ўтказишнинг бир неча моделлари мавжуд. Улар:

ўзига ишонч хосил қилиш;  
ишда фаол иштирок этиш;  
ўртоклар ва ўқитувчи билан фикр олишиш;  
ўзгалар фикрини тинглай олиш.

Танқидий фикрлашни ривожлантириш муаллифлари фикрлаш жараёнини ташкил этишда идрок килишининг 4 типини фарқлайдилар:

*Яхлитлигича идрок этиши*. Мавзу ёки фан түғрисида умумий билим берадиган идрокнинг шаклидир.

*Изоҳли идрок этиши*. Бу Блум изоҳлари даражасига айландир. Идрокнинг бу типада талаба гоя ва ходисаларнинг ўзаро алоқаларини ёритади, унинг моҳиятини мухокама киласи, фанинг тури соҳаларига оид гоя ва ахборотларни ҳатто ташки жиҳатдан боғлик ходисаларни бирлаштиради.

*Шахсий идрок этиши*. Талабалар ўзларида аввалдан мавжуд бўлган шахсий тажриба ва билимлар тузилмасини янги билимлар билан боғлаб тушуниш жараёни акс эттиради.

*Танқидий идрок этиши*. Мазмунни бир томонга кўйиб, уни таҳлил қилиш, унинг нисбий кимматини, тўғрилигини, фойдалилигини ва талабаларнинг билиши, тушуниши ва қабул қилиши доирасида унинг аҳамиятини баҳолаштириди.

Шундай килиб, ахборотларни чорлаш, ўйлаб кўриш ва фикрлаш методикаларидан фойдаланиш кўйидаги мухим вазифаларни ечиш имкониятини беради:

талабаларга максадларини англаб олишга ёрдам беради;  
машгулотларда фаоллигини таъминлайди;  
самарали мунозарага чорлайди;  
талабаларнинг ўзлари саволлар тузиши ва уни савол тарзида бера олиши учун ёрдам беради;  
талабаларга ўз шахсий билимларини ифода қилишга ёрдам беради;  
талабаларнинг шахсий мутолааси мотивациясини қўллаб-кувватлади;  
хар кандай фикрларга бўлган хурмат кайфиятини яратади;  
талабаларда персонажларга бўладиган изтиробини ўстиришга ёрдам беради;  
талабалар қадрланадиган фикрлашга шароит яратади;  
Ўзгаришлар содир бўлишига сабаб сифатида хизмат қиласи  
талабаларнинг танқидий жалб килинишига бир қатор умидлар билдирилади.

### 3. Ўқитишининг интерактив методлари

#### “Ақлий ҳужум”

Шундай килиб, “аклий ҳужум” коидаларини қуидагича белгилаш мумкин:

- олга сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига каратилади, ғоялар канча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга харакат килинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-кувватланади;

- барча гоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) кайд этиш йўли билан ёзib олинади;
- “хужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга кискача ( асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Мунозара – Бу метод ёрдамида ўкувчиларга муайян муаммо бўйича тўлик ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзуни ўкувчилар аёвсиз “штурм” қиласидар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар

### **Мунозарани ўтказиш методикаси.**

1. Мунозара олиб борувчи - бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва хоказо) мавзуни олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.
2. Бошловчи иштирокчиларга “аклий хужум” топширигини беради ва унинг коидаларини тушунтиради:
  - “хужум”дан мақсад - муаммо ечимиға оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;
  - ўз акли-идроқингизни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диккатни муаммо ечимиға қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган гоялар умумий фикрга зид бўлсада, хеч бири рад этилмайди;
  - бошка иштирокчилар гояларини ҳам ривожлантиринг;
  - таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинрок шугулланасиз.

3. Бошловчи котибини тайинлади ва у юзага келган барча гояларни ёзib боради. Мухокама вақтида сўзга чикувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилди. Агар бирор бир киши томонидан “аклий хужум”ни ўтказиш коидалари бузилса, бошловчи зудлик билан мухокамага аралашади. Биринчи боскич янги гоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури “чархланиши” учун кискача ганаффус эълон қиласи. Кейин иккинчи боскич бошланади. “Аклий хужум” иштирокчилари гурухланади ва биринчи боскичда билдирилган гояларини мустахкамлайдилар. Гоялар гурух бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришдилар ва натижада ўрганишга ўрганишга кўйилган муаммонинг ечимиға тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозарага якун ясади.

### **“Ўз ўрнингни топ”**

Агар синфда у ёки бу мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиши мумкин. Ундан кўпинча дарснинг кириш кисмida фойдаланишади ва ўтилаётган мавзуни ўрганишга турли хил ёндашувлар мавжудлиги намойиш этилади. Бу бир томондан. Иккинчидан, ўкувчиларга ўз фикрини баён килишга, мулокот кўникмаларини қайтадан тузатишга имкониятлар мавжуд бўлади. Учинчидан, дарс сўнгига ўқитувчи томонидан мавзуни ўзлаштириши даражасини баҳолаш аниқ амалга оширилади.

1. Синфнинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилди. Уларнинг бирига “розиман”, бошқасига “рози эмасман” деган сўзлар ёзилиши керак.

Плакатларда бაъзи бир мавзуга оид саволлар бўйича билдирилган қарама-карши фикрлар ҳам ёзилиш мумкин. Масалан: “анжир гуллайди ва мева тугади”, ёки “анжир гулламасдан мева тугади”.

2. Дарсни ташкил этиши коидалари мухокама қилинади.

3. қаралпётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш зарурлиги ўкувчиларга таклиф этилди.

4. Бўлинган ўкувчилардан ўз каршиларини асослаш сўралади. Бу пайтда бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиш рухсат этилади ва шу тарика синф ўкувчиларининг хаммаси жалб этилди.

5. Муаммо бўйича фикрлар билдирилгач, ўкувчилар ичидаги мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартирганлар ва бошқа гурухга ўтувчилар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўз ўрнини ўзгартириш сабабларини асослаши керак бўлади.

6. Иштирокчилардан оппонентлари ичидаги муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтган ўкувчиларни аниқлаш сўралади. “Кичик гурухларда ишлаш” - Кичик гурухларда ишлаш ўкувчиларнинг дарсда фаолигини таъминлайди, хар бири учун мунозарада катнашиш ҳукуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини кадрлашга ўргатади.

“Меню” - Якка тартидда ёки кичик гурухлар билан иш олиб боришини хоҳлаган ижодкор ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гурух (ўкувчи) га аниқ топшириқ берилади.

Хар бир гурух топширик олади ва 3 минут давомида мухокама қилишади. сўнгра хар гурухлардан биттадан вакил ўқитувчи столига келишади ва тайёр “Меню”ни олиб қайтишади. Бу узун кирқилган қофозлар - “Тиллар” бўлиб, уларда хилма-хил ҳукуқ нормалари баён қилинган бўлади. Гурух вакили тиллардан танлаб олади ва ўз гурухига олиб келади, кейин бошқа ўкувчи шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йигилгунча бу холат давом этади. 10 минут давомида топширик мухокама қилинади ва расмийлаштирилади. Бу жадвал қўлда тайёрланиши ҳам мумкин ёки жавоблар оғзаки оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Бошқа гурух вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гурух ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб беради.

**“Кичик гурухларда босма материаллар билан ишлаш”** - Кичик гурухларда ишлashingнинг яна бир самарали методи - бу нашр қилинган материаллар билан ишлаш хисобланади. ўкувчиларнинг зарурий ахборотларни излаб топишлари учун, назарий билимларни мустахкамлаш ёки таснифлашлари учун, назарий материалларни чуқур англаб олишлари учун бу методдан фойдаланиш яхши самара беради. Синф 4-5 кишидан иборат кичик гурухларга бўлинади. Гурух бир хил ёки турлича мазмундаги топшириклар, газеталар, журнallар, фотоальбомлар, бюллетенлар олишади.

Зарурий материаллар: А - I Форматли оқ қофоз, қайчи, елим.

Топшириклар:

Ўкувчилар 5 гурухга бўлинишади ва хар бир гурухга тегишли топширик берилади.

*1-гурухга топширик:* "Маънавият – кишиларнинг фалсафий, сиёсий, хукукий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи" деган таърифининг мазмунини изоҳланг.

*2-гурухга топширик:* "Маънавият деганда, авваламбор, одамни рухан покланишга, қалбан улгайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиласман", деган фикрнинг мазмунини изоҳланг.

*3-гурухга топширик:* "Хозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлусиз давом этаётган мағкуравий курашдир. Эндилиқда ядро майдонларида эмас, мағкура майдонларида бўлаётган курашлар ҳамма нарсани ҳал қиласи", деган сўзларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг.

*4-гурухга топширик:* Индивидуал онг, ижтимоий онг, ижтимоий психологиянинг мазмунини тушунтириб беринг.

*5-гурухга топширик:* "Мағкура" тушунчасининг моҳиятини тушунтириб беринг.

Ҳар бир гурух ўзига берилган топширикни бажариб бўлганидан сўнг, уларнинг ҳар бири ўз жавобларини бутун аудиторияга ҳавола килишади. Бунда топширикни аниқ ва тўғри ечган, фаоллик кўрсатган гурухни ва алоҳида фаол ўқувчиларни рагбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Бу методни қўллаш давомида ўқувчилардан барча материаллар йиғиб олинади, аксинча ўқувчилар газеталардаги бошка қизиқарли мақолаларни ўқишга киришиб кетадилар ва сардорлар фикрларига кулок солмайдилар. Ўқувчилардан эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этилади, ортиқча қоғоз киркиш, слимлаш, синфни ифлослантиришга йўл қўйилмайди.

"Дебатлар" Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад муаммонинг ечимини топишда ўқувчи ўзгаларни ўз ёндашувишининг тўғрилигига ишонтиришдир. Ўз фикрини аниқ ва мантикий баён этиш, бунинг учун эса ишонарли далиллар ва хуносалар топиш кўнімаларини шакллантирища дебатлар ўтказиш самарали метод хисобланади.

Улар ўқувчиларда ижтимоий фикрни ўзгартиришга таъсир этиш қобилияти · мавжудлигига ишонч туйгуларини ривожлантиради.

Методик тавсиялар: Дебатлар мавзусини англаб этишлари учун ўқувчиларга шароит түғдирилади. Бунинг учун эса мавзуни *резолюция* шаклида ифодалаш керак бўлади. Маялумки, резолюция ҳар доим мавжуд ҳолатни ўзгартиришни талаб этади. Мисол учун, "қабул қилинган: АҚШ Олий суди олий жазонинг ноконституцияйлилигини тан олди".

Машгүлотга маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, мұхандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади.

Дебатда катнашиш учун иктидорли ўқувчилар таъланади ва улар икки гурухга ажратилади: резолюцияни қўллаб-куватлайдиган ва уларга қарши чиқувчи иштирокчилар дебатларни ўтказиш қоидасини чукур ўзлаштирган бўлишлари керак. Гурух сардори регламентга риоя қилишини кузатувчи - ёрдамчини тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” (3-5та ҳолатга асосланган; мантикий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун ўқувчиларга етарлича вакт берилади. Уларга муаммонинг кўламини англаш ва баҳсда ўз фикрини саклаб қолишлари учун аник, мантикий аргументлар тайёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан биргаликда ўқувчилар карши томон билдирилган фикрларни қандай булиши мумкинлигини тахмин қилишлари ва олдиндан бу фикрларни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўришлари лозим.

Баҳслашув натижасида ўқувчилар нималарни кўлга киритиш мумкинлигини тушуниб етсагина дарс самараси тўғрисида гапириш мумкин.

Ўқувчиларни шундай далил-исбот топиш кўнималарини эгаллашга ўргатиш керакки, натижада билдирилган фикрни карши томоннинг мухокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина ўқувчилар тенгдошларининг қарашларини хурмат қилишга ёки хусусий тасаввурларини синдошининг фикри олдида ожиз эканлигини тан олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш кўнималари шакллана боради.

Дебатларни ўтказиш тартиби:

1. Ўқитувчи ва дебат иштирокчилари синфдан жой олишади. қулай бўлиши учун резолюцияни кўллаб-кувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига жойлашишгани маъкул.

2. Ўқитувчи қискача мухокама мавзусини ва иккала резолюция варианtlарини баён килади, сўзга чикувчилар учун вактни белгилайди.

3. Ўқитувчи дастлаб резолюцияни кўллайдиганларнинг биринчисига сўз беради ва ундан конструктив аргументларни баён қилиш сўралади. Иложи бўлса сўзга чикувчилар тартибини хар бир гурух аъзолари учун олдиндан белгилаш керак. Ўқитувчининг ёрдамчиси гапириувчи учун ажратилган вактнинг тугаганингизслатиб туради.

4. Ўқитувчи резолюцияни кўллайдиган гурух ўқувчиларини биринчисига сўз беради ва у ўз фикрини етарлича аргументлар ёрдамида асослаб беради.

5. Ўқитувчи биринчи гурухнинг иккинчи рақамли ўқувчисига сўз беради, сўнgra иккинчи гурухнинг иккинчи рақамли ўқувчиси ўз фикрларини резолюция бўйича баён килади. Шу ҳолат барча дебат иштирокчилари навбатма-навбат чикиш қилгунларига қадар давом этади.

6. Кейинги босқичда хар бир иштирокчига карши томоннинг далилларини инкор этиб ташлашга ва улар танқидига жавоб бериш- га имконият тудирилади.

7. Масала талашиш давомида янги аргументларни келтириш мумкин эмас. Баҳсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлишади.

8. Ўқувчилар бу босқичда резолюцияга нисбатан у ёки бу мавкени эгаллаш сабабларини баён қилишади. Ўқитувчи бу сабабларни синф доскасига ёзиб бориши ҳам мумкин. Ўқувчилар бу сабабларга тегишли саволларга жавоб беришлари ҳам мумкин, бирок ўз мавқеининг тўғрилигини оқлашга киришиб кетмасликлари керак.

9. Иштирокчилар шундай аргументларни кўрсатиш керакки, биринчидан уларнинг қарашлари муаммо ечимиға зид ҳам бўлиши мумкин,

иккинчидан, барчани ўйлашга мажбур этсин, учинчидан, хайратда қоларли даражада ифодаланиши лозим.

10. Дебат ларс сўнгидиа ўкувчилик қарши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши оқибатларини баҳолашиб керак. Шунингдек, ҳар иккى томондан ўртага ташланган қарашларни хаётга тадбиқ этиш жамият учун канчалик фойдалёни ёки заарарли эканлиги ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

“Танқидий фикрлаш” - ВАЗИФАСИ. Демократик жамиятда ҳар бир фукаро ўз олдида турган муаммоларни оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу боисдан ўкувчиларни дарсларда кўпроқ баҳсли тортишувларга сабаб бўладиган муаммолар ечимини топишга жалб этиш лозим.

Баҳсли саволларни ечиш жараёнида ўкувчиларда тинглаш, мулоқат олиб бориш, турлича фикрларни таққослаш, бошқа киши тақдирiga бефарқ қарамаслик каби хислатлар шаклана боради, масалаларни ечиш ва тегишли хукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилияtlари ривожланади, мълум кетма-кетлика тафаккур юргизиш, тўғри ечимларни топиш малакалари ўзлаштирилади.

**Ўтказиши усули.** Мунозарали саволларни аналитик-синтетик таҳлил қилиш ва объектив фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун талайгина методика мавжуд. Рўй берадиган воқеаликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш куйидаги боскичлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Ўкувчининг ўз фикрини эркин ифодалаши.

Ўкувчига ечимини топиш учун таклиф этилган муаммо бўйича ўз ўрнини аниклаб олиши учун имкон берилади. Мисол учун, Тошкентда 16 февраль воқеалари нима учун содир бўлгандиги тўғрисида. Муаммога ўкувчидан жавоб олиш учун катор саволлар билан мурожаат килиш мумкин: Сенинг фикринг кандай? Бу хақда сен нималарни ўйлайсан? ва бошқа.

2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.

Ўкувчиларнинг билдиригани фикрларини янада аниклаштириш мақсадида уларга кўшимча тарзда куйидаги саволлар берилади: Бу билан нима демокчисан? Ўз фикрингни тушунтира оласанми? Бу нима дегани?

3. Ўкувчиларнинг фикрларини асосланганигини текшириш.

Бу ерда куйидагича саволларнинг берилиши ўринлидир: Нима учун сен айнан шундай деб ўйлайсан? Сенинг мавқеингни тасдиқловчи қандай асослар бор? Нима учун сенда шундай таассурот туғилди? қандай аргументларни билдиригани фикринг фойдасига келтирасан? Сенинг фикрингни нима исботлайди? ва ҳоказо.

4. Баҳшалар фикрини ўрганиш.

Инсон ўз фикрининг ожизлигини ҳар доим ҳам тан олавермайди ва сухбатдошининг фикрига ҳурмат ва эҳтиром билан қаравермайди. Айниқса бу холатни кўпроқ ўсмирларда кузатиш мумкин. Шубҳасиз, кўп холларда бунинг аксини ҳам кўриш мумкин. Шу билан биргаликда қатор мураккаб муаммоларнинг ечимини топишда ўзгалар фикрини эшитиш ва тинглаш кўникмаси жуда аскотади. Бу кўникмани ўкувчиларда шакллантиришини хохласангиз, марҳамат, куйидаги саволлар билан мурожаат килинг: ўз

фиркингизга мүқобил бўлган ҳолатни баён кила оласизми? Бу ҳақда бошқалар нима дейин мумкин? Танқидга учрашингиз мумкинми?

### 5. Ўз ҳолатини ва ўзгалар фирмрни таҳлил этиш.

Бу ҳақда нафакат ўсмирлар, балки катталар ҳам кўпинча ўйлашмайдилар. ўкувчи хусусий фирмр билан тўғри келмайдиган фирмрларни ҳам ўзаро тақкослаш, илмий асосланган ҳолатни аниқлаш учун фирмрлар қарама-каршилигини таҳлил этиши керак. Шу мақсад учун куйидаги саволлар аскотиши мумкин: ўз фирмринг ожизлиги нимада? қарши томоннинг далил-исботи нима учун кучли ёки нима учун кучсиз? қандай фирмрлар сизнинг мавқеингизни мустаҳкамлайди ёки уни кучсизлантиради?

Ўрганилаётган муаммо бўйича ҳар иккала фирмрларнинг мантикий оқибатларини ўрганиш учун саволлар: агар сизнинг гоянгиз кабул килинса, нималар рўй бериши мумкин? Бу жамиятга қандай таъсир кўрсатади? Унинг натижаси келажакка фойда берадими?

### 6. Муаммо бўйича ечим қабул килиш.

Бу “танқидий фирмрлаш” методининг сўнги босқичи ҳисобланиб, ўкувчилар томонидан билдирилган турлича фирмрлар қайтадан баҳоланади ва мутаносиблик аникланади. Бунинг учун: қайси натижа энг кулагай ва ишончли? Кимнинг чиқиши мақсадга мувофик бўлди? Сиз баҳсга қандай нуқта кўйган бўлардингиз? ва хоказо.

Бу методлардан дидактик жараённинг қайси босқичида фойдаланиш керак? Шубҳасиз, мавжудлик алгоритмida (МА) - ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолиятини ташкил этишда - мустақил ўз-ўзини (синфдошин) ўқитишда, якка тартибда, кичик

### “ФСИ”

Янги мавзуни мустаҳкамлаш учун ўкувчиларнинг ўз шахсий фирмрларини асослаб беришлари, яъни “ФСИ” технологияси таклиф килинади. Бунинг учун ҳар бир гурухга уттадан қозоғ вараклари берилади. Уларнинг бирининг ўнг ёки чап бурчагига Ф, иккинчисига С, учинчисига И ҳарфлари ёзилган бўлади. Бунда:

Ф - ўз фирмрингни баён қил;

С - нима учун шундай фирмрда эканлигингга бирон-бир сабаб келтири;

И - мисол билан келтирилган сабабни изоҳла деган маънони билдиради.

Масалан:

<b>Ф ФИРМ</b>	Ҳар бир киши ўз ҳатти-ҳаракати учун шахсан жавобгардир.
<b>С САБАБ</b>	Бу фирмрни шунинг учун келтирибимки, мен бир киши қилган иш учун бир неча кишини жазоланганига гувоҳ бўлганиман (Мисоллар ёки вазият тушунтириб берилishi мумкин).
<b>И ИЗОХ</b>	Жавобгар киши жазоланса адолат галаба қиласади.

## **Асосий тушунчалар**

**Педагогиканинг назарий вазифаси** - илгор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

**Муаммоли ўқитиш** - ўкув машғулотини ташкил этиши шакли бўлиб, унда педагоги раҳбарлигига муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилик фоал мустакил ҳаракат қиласидилар.

**Муаммоли вазият** - ўкув вазияти бўлиб, у машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

**Мулокотнинг етакчи тури** - ривожланишининг маълум бир даврида атрофидаги кишилар билан мумомалада етакчилик қиласидиган мулокот тури бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

**Мунозара** – 1) матбуотда, сухбатда бирор баҳсли масалани мухокама қилиш, баҳс; 2) муйян муммо бўйича фикр алмашибига асосланган таълим методи.

**Педагогик технология** - 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани сишига қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимирид; 2) таълим ва тарбия методларининг у ёки бу тўпламини кўллаш билан боғлик бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимирид; 3) педагогнинг тутукларига кафолат берадиган аник ишлаб чиқилган ва катыйи илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган ва техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятини тушунтиринг
2. Педагогиканинг технологик вазифасини аникланг.
3. Педагогик технологиянинг тарих ўқитиш методикасидаги ўрнинни аникланг.
4. Педагогик технологиянинг турлари

## **11-мавзу. Тарих фанидан синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар**

**Режа:**

1. Синфдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг аҳамияти
2. Синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, кўриниши ва методлари.
3. Тарих тўғараклари, конференциялар, тарихий кечалар.

Тарих дарсларида ўлкашунослик материалларининг тутган ўрни ўлкашунослик турлари.

- а) илмий ёки давлат ўлкашунослиги;
- б) жамоа ўлкашунослиги;
- в) музей экспонатлари.

Ўлкашуносликнинг асосий манбалари ва методологияси. Дарс ва дарсдан ташқари машгулотларда ўлкашунослик материалларини танлаш ва улардан фойдаланиш методлари.

Ўкувчилар ўқув материалининг асосий мазмунини синфда дарс давомида ўзлашиб оладилар, албатта. Бирок, ўкувчиларнинг тарих дастури юзасидан ўрганиши зарур бўлган билим ва малакаларнинг ҳаммасини хам синф-дарс машгулотлари доирасига сифдириб бўлмайди. Бунинг устига тарихий билимлар, илмий ва сиёсий маълумотлар ҳажми тез кенгайиб, мутгасил ошиб бораётган шароитда ўкувчилар ўз билимларини тинмай тўлдира боришлари учун синфдан ташқари ишларни яхши йўлга кўйиш ғоят зарурдир.

Тарих севиб ўқиладиган фандир. Уни ўрганиш жараёнида ўкувчиларда ўтмишни пухта билишга интилиш орта боради, уларда бу интилишни амала ошириша эса синфдан ташқари ишларнинг аҳамияти каттадир.

Тарих предмети юзасидан синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, кўриниши ва методлари методик адабиётда турлича туркумланади. Методист В.Н. Бернадский синфдан ташқари ишлар туркумига билиш манбаларини асос қилиб олиб, уларни куйидаги турларга бўлади. Маълумки, ўкувчилар факат дарсликни ўкиш билангина чегараланиб колса, уларнинг билим доираси ва ўтмиш ҳакидаги тасаввурлари тор бўлиб колади. Шуни эътиборга олиб В.Н.Бернадский синфдан ташқари ишларнинг асосий кўриниши сифатида кўшимча ўкишни тавсия этади.

1. Кўшимча китоб ўкиш. У тарихдаги ўқиладиган китобларни уч гурухга бўлади:

- а) илмий-оммабол китоблар,
- б) тарихий беллетристика,
- в) тарихий даврга оид бадиий адабиёт.

2. Кўшимча суратлар кўриш.

3. Жамоа бўлиб театр ва киноларга бориш ҳамда уларни биргаликда мухокама қилиш.

4. Тарихий кечалар уюштириш.
5. Тарихий инсценировка ёки пьесалар кўйиш.
6. Мактаб тарихий кўргазмаларини ташкил этиш.
7. Олисдаги тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш.

В.Н.Бернадский фикрича, ўкувчилар синфдан ташқари кўшимча китоб ўқиб, фильмлар кўриб, радио, маърузалар эшишиб олган билимлари ва тасаввурларини амалий фаолият билан қўшиб олиб боргандагина қўзланган мақсадга эришади - мустақилликни, ташаббус ва ижодий ишлаш қобилиятини ўстира олади.

Кейинги 10—15 йил ичидаги синфдан ташқари ишлар кўлами кенгайди, мазмунан бойиди, кўринишлари кўпайди. Бу ишларнинг назарий томонлари хам ишлаб чиқилди.

Синфдан ташқари ишлар ташкилий жиҳатдан оммавий ва тўғарак ишларига бўлинади.

Ўзининг илмий тадқиқий асарларида синфдан ташқари ишларнинг назарий масалаларини ишлаб чиқкан, мактаб тажрибасига суюниб синфдан ташқари ишларнинг асосий бошлангич кўриниши — оммавий ишлар эканлигини исбот килиб берган А.Ф.Родин синфдан ташқари ишларнинг оммавий кўринишига: овоз чиқариб ўқиш, ҳикоя килиб бериш, маъруза ўқиш, тарихий воқеаларнинг иштирокчилари ва илгор кишилар билан учрашувлар ўтказиш, кинофильмлар, пьесалар кўриш, экскурсиялар уюштириш, ўкув конференциялари, кечалар, танловлар ташкил килиш, олимпиадаларда иштирок этиш, ўлка бурчаги ва мактаб кўргазмаларини ташкил этиш ва бошқаларни киритади.

А.Ф.Родиннинг тарих таълимида синфдан ташқари ишлар соҳасидаги тадқиқотларининг яна бир қимматли томони шундаки, уларда синфдан ташқари ишларни ўкувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолияти билан (тарихий ёдгорликларни муҳофаза килиш, Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари, ижтимоий химояга муҳтож ахолига ёрдам бериш, улар билан давра сұхбатлари уюштириш, газета, журнallар ўқиб бериш ва х. к. билан) боғлаб олиб бориш зарурлиги таъкидланади.

Методист А.А.Вагин тарих таълимида синфдан ташқари қилинадиган иш методлари соҳасида кейинги йилларда орттирилган илгор тажрибаларни умумлаштириб, уларни уч гурухга бўлади.

1. *Оғезаки метод*. Синфдан ташқари ишларнинг бу гурухига ўқитувчининг ҳикоя килиб бериши, овоз чиқариб ўқиши, юкори синфларда эса, ўқитувчининг дарсдан кейин бўладиган маъруzasи киради. Синфдан ташқари ишларда ўкувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини ошириш мақсадида ўкувчилар хам оғзаки сўзлаб бериш методидан фойдаланади. Ўкувчилар тўғарак йигилишларида, тарихий кечаларда, кўйи синф ўкувчилари ва аҳоли орасида қисқача ахборотлар, доклад ва рефератлар билан қатнашадилар, мунозараларда, назарий конференцияларда, тарихий материаллар (китоблар, кинофильмлар ва пьесалар) муҳокамасида иштирок этадилар.

Ёзма вабосманбалар биланишлаш методи.

Синфдан ташқари ишларнинг бу турига кўшимча китоб ўқиши, тарихий-адабиёт — тўпламлар, хрестоматиялар, архивлардаги хужжатлар ва бошқаларни ўрганиш, вактли матбуотни ўрганувчилар тўғараги, кўлёзма ва архив хужжатларини ўрганувчи «ёш архивчилар тўғараги» барпо килиш, «Китоб ва унинг тарихи» деган мавзуда кеча ташкил этиш, ўлканинг ўтмиши ва хозирги ҳаётига доир ҳар хил китоб ва мақолалар,

кўлёзмаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижодига доир материалларни тұплаш, тарихий воқеаларнинг шохидлари ва иштирокчиларининг хикояларини ёзib олиш, улар билан хат ёзишиб туриш, тарихий хужжатларни ўрганиш каби ишлар киради.

3. Кўрсатмали материаллар билан ишләши методи. Иллюстрация ва диапозитивларни кўрсатиш, фильмларни кўриш, экскурсия материалларини ўрганиш каби дарсда бошланган ишлар синфдан ташқари давомида тұпланган материаллар нусхасини кўпайтириш, расмга олиш, шу материаллар асосида моделлар ясаш ва намойиш килиш хам шу гурухга доир ишлар каторига киради. Бу ишлар хам синфдаги ишлар билан бөлгүлек олиб борилади. Гап шундаки. ўкувчилар дарс жараённанда эгаллаган кўнникма ва малакаларини синфдан ташқари ишларда янада ривожлантириб, такомиллаштириб борадилар.

Синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, форма ва методлари.

Ўкувчиларнинг ёши, билим ва малакалари, уларнинг индивидуал мойиллигига ва кизикишларига қараб, тарих таълимида синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, кўриниш ва методлари турлича бўлади. Хозир мактабда синфдан ташқари ишларнинг кўйидаги асосий, ташкилий формалари мавжуд.

1. Тарих тўгараги (ёки тарихий-ўлкашунослик тўгарак).
  2. Тарих (ёки тарихий-ўлкашунослик) жамияти.
  3. Синфдан ташқари тарихий ёки тарихий-ўлкашунослик экскурсиялари. коллектив бўлиб театр ва кинога бориш.
  4. Узок жойларга тарихий-ўлкашунослик экскурсиялари.
  5. Археология экспедициясида катнашиш.
  6. Тарихий ёки ўлкашунослик бурчаклари, музейлари.
  7. Тарихий, тарихий-ўлкашунослик, тематик кечалар ёки (тарих жамияти, тўгарак иши хақида, узок жойларга уюштирилган археологик ишлар хақида) хисобот кечалари.
  - 8.Хисобот ёки тематик кўргазмалар.
  - 9.Юкори синф ўкувчилари учун семинарлар, сухбатлар.
  10. Тарихий (тарихий-ўлкашунослик) конференциялар, мунозара ва муҳокамалар.
  11. Мактаб ўкувчиларининг тарихий воқеаларнинг катнашувчилари ва шохидлари, ёзувчилар ва ижтимоий арбоблар билан учрашувлари.
  13. Тарихий ёки тарихий-ўлкашунослик ўйинлари.
  14. Тарихий мавзуларга бағишиланган деворий газета ва кўлёзма журналлар.
  15. Синфдан ташқари ўқишлар.
- Кўриниб турибдики, синфдан ташқари ишларнинг кўринишлари турли-туман, мазмуни бой, ҳатто мактаб тарих курсининг мавзусидан четта чиқиши хам мумкин. Шунни айтиш керакки, синфдан ташқари ишларнинг мазмуни қанчалик бой ва турли-туман кўринишларда олиб борилмасин, улар бир мақсадга: таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишга хизмат қиласди.

Мактабда ташкил этиладиган тарих тұғараги (ёки тарихчилар жамияти) синфдан ташқари килинадиган барча оммавий ишларни уюштириш маркази ва унинг энг ихчам күренишидир.

Синфдан ташқари ишлардан кузатилган масъулиятли вазифаларнинг мұваффакиятли бажарылышы үқитувчининг үқувчиларни шу марказга жипс жамлашга ва унинг ишларига тұғри бошчилик қила билишига болғықдир.

Күшимча үқишиң синфдан ташқари ишларнинг синфдан ташқари мухим формасидир. Бу иш үқувчиларға китоб үқишиң тарғиб килиш, унинг ахамиятини тушунтириш, китобга қизиктиришдан бошланади. Синфдан ташқари үқишиң ташкил этишда үқувчиларнинг ёши, билими ҳамда малакалари өзтиборга олиниши лозим. Үқитувчи үқувчиларни, аввало дарсликда құрсатилған бадиий ва илмий-оммабоп асарлар билан таништиради ва улардан фойдаланиш йұлларини галириб беради, янги чиққан китoblар ҳақида уларни хабардор килиб туради, китоб үқишиң уюштиради.

Мактаб тажрибасыда 5-6-синф үқувчиларни китоб үқишиңге қизиктириш максадыда илғор үқитувчилар күйидаги усулдан фойдаланадилар: үқитувчи үқувчиларға үқишиң керак бүлған китобларни айтиш билан бирга шу китобларни үқувчиларға құрсатади ва ҳатто энг мухим, мароқлы жойларни үқиб беради. Бирок, үқишиң чўзиб юбориш ярамайды, 15—20 минутдан ошириб юбормаслик керак.

Күшимча үқишиң ташкил этишда үқувчиларни китобга қизиктириш билан бирга, мустакил үқишиң ташкил қила билиш ҳам зарур. Үқувчиларнинг күшимча үқишиң зарур бүлған китоблар үз вактида тавсия этилади. Баъзи методик асарларда құрсатилғанидек, ҳамма синфлардагы үқувчиларнинг чорак ичидә ёки үқув йилининг ярмидә үқишиң учун китобларнинг катта рүйхатини бирданига тавсия килиш тұғри бүлмайды, тажриба ҳам рад қилди. Бу масалада ҳам ҳар бир синф болаларининг ёши, билим даражаси ва малакаларини назарға олиб иш қўриш лозим бўлади. Масалан, 5-6-синфларда үқувчилар мустакил үқишилари лозим бүлған китобга доир мавзу дарсда ўрганиб бўлингандан кейин қандай китобни үқишиң кераклиги тавсия қилинади; 7-8-синфда мавзуга кириш дарсида, агар үқишиң тавсия килинадиган китоб ҳажми катта бўлса, темани ўрганишдан 2—3 ҳафта олдин, 9-синфларда эса, йил бошида, ҳаттоқи эски йилнинг охиридаэк тавсия килиш маъқул, негаки тавсия қилинган китоблардан баъзиларини үқувчилар ёзғи таътил вактида ҳам үқишилари мумкин.

Үқувчиларнинг ёзувчилар билан учрашувлари уларнинг китобхонлик иштиёқини оширишда мухим роль үйнайды. Тарихий мавзуларга бағишинланган кеча ва конференцияларни үтказиши, үқилган китобларни мұхокама қилиш каби тадбирлар ҳам мухим ўрин тутади.

Үқувчиларнинг синфдан ташқари ишларини, шу жумладан тавсия қилинган китоблардан қандай фойдаланғанликларини үқитувчи доим назорат қилиб туради.

Бу билан үқитувчи үқувчиларда қўшимча адабиёт үқишиңга рағбатии кучайтиради, китобларни тушуниб үқишиң үргатади, қўшимча китоблар үқиб олган билимларини дарсда, тарих тұғарагида ва экскурсияларда олган билимлари билан боғлай билишиңга ва улардан фойдалана билишиңга үргатади.

5-6-синфларда ёк ўкувчилар ўқиган нарсаларни тушуниш, уларга баҳо бера билиш ва улардан хулоса чиқариш малакасини бир қадар хосил киласи. Ўкувчиларда мустақил ўқиш учун тавсия этилган китобларга онгли ва тўғри муносабатни тарбиялаш учун уларни ўқиган китобларни маҳсус дафтарга кайд килиб ва хар бир китобга ўзларининг кисқача тақризларини ёзиб боришга ўргатиш керак.

Табиий, 5-6-синфлардаги ўкувчиларнинг ўқиган китобларига берган баҳолари юзаки бўлса-да, кейинчалик айтайлик, 7-8-синф ўкувчиларнинг баҳоси мазмунан бойиб боради. 9-синфда эса, берилган баҳолар мазмуни янада чукурлашади.

Тарихий темаларда ўтказиладиган кечалар синфдан ташқари ишларнинг мухим ташкилий формаси бўлиб, уларнинг асосий вазифаси хар хил санъят воситалари (бадиий ўқиш, музика, ашула, инсценировкалар) ёрдамида ўкувчиларга тарихий фактлар, воқеалар ҳамда ҳодисаларнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини уктиришдан иборатdir. Ҳозирги вақтда тарихий темалардаги кеча ва эрталиклар мактаб тажрибасида кенг кўлланилмоқда.

Тарихий мавзулардаги кеча ва эрталиклар олдига куйидаги талаблар кўйилади:

1. Мактабда ўтказиладиган кеча ёки эрталиклар ўкувчиларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллий кадриятлар руҳида тарбиялашга ёрдам бериши лозим.

Ўтказиладиган хар бир кеча ва эрталиклар ўкувчиларнинг оммавий байрамига айлансин, унда иштирок этган хар бир ўкувчи ўзининг қобилият ва талантини намойиш қилисин.

Кечанинг кўнгилли ўтишига эришиш лозим. Унинг марокли ўтиши учун характерига караб, турли мавзуларда докладлар тинглаш, шеърхонлик қилиш, тарихий воқеаларнинг қатнашувчилари билан учрашувлар ташкил қилиш мумкин. Ҳар бир кеча албатта бадиий кисм (ашула, музика, инсценировка, викторина ўйинлар, хазил-тоифадаги конкурслар ва шу кабилар) билан якунланади.

Бундай кечалар ўкувчилар фаоллигини оширади, уларни ташкилий ишларидаги иштироки ижтимоий фойдали меҳнатга ўргатади, жамоа олдидағи жавобгарлик хиссини оширади.

Мактаб ва ўрта маҳсус таълим тажрибаси ўлка тарихини ўрганишда тарихий кечаларнинг аҳамияти борган сари ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Мактабда ўлкани ўрганиши билан боғлик ҳамма ишларни тарихий кеча билан якунлаш одат тусига кириб колди, ўлкани ўрганишга бағишлиланган кечалар ўкувчилар орасидагина эмас, балки ўлка аҳолиси орасида ҳам тарихга қизиқиш туғдирмоқда. Ҳозир тарихни чукурроқ ўрганишга интилиш кучайиб бораётган шароитда тарихий кеча ва конференциялар ташкил этишининг аҳамияти янада ортиб боради.

Ўтказиладиган тематик кечаларнинг мухим турларидан бири китобхонлар конференциясидир. Конференцияда ўқитувчи раҳбарлигига ўқилган китоблар муҳокама килинади. Имконият бўлганда муҳокамага кўйилган китобнинг муаллифи иштирок қиласа яна яхши бўлади.

Шундай қилиб, тарихий кече ва конференциялар синфдан ташқари ўкув ишларининг мухим формаси бўлиб, ўкувчиларнинг дарсда олган билимларини тўлдириш, уларнинг мустакил ва ижодий ишлаш кобилиятларини ўстириш, ижтимоий фаолиятга тайёрлашнинг мухим воситаси бўлиб хизмат қиласи. Тарих ёки тарихий-ўлкашунослик тўгараги одатда бир хил ёшдаги синф ўкувчи-ларидан ташкил топади.

Тўгарак ишининг мазмуни аъзоларининг ёшига, билим савиялари ва малакаларига караб турлича бўлади. 5-6-синф ўкувчилари учун ташкил этилган тарих тўгарагининг асосий вазифаси ўкувчиларда тарихни ўрганишга пайдо бўла бошлаган кизикиши ривожлантириш, уларни тарихий материаллар устида мустакил ва ижодий ишлай бошлашга ўргатишдан иборатdir.

7-8-синфларда, айниқса 9-синфларда ташкил этилган тўгарак тематикаси, унинг мазмуни ўкувчиларнинг ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб берадиган бўлиши керак. Мактаб тажрибасида 9-синфлардаги ўкувчилар учун ташкил этилган тўгаракларда мамлакат иқтисодиётига, халқ хўжалигининг юксалишига доир масалаларни ўрганишга катта эътибор берилганини кўрамиз.

Тарих ёки тарихий-ўлкашунослик тўгарагида ўкувчиларнинг кизикишларига караб ҳар хил масалалар - ҳарбий-тарихий, улуғ кишилар, тарихий арбоблар ва машхур қаҳрамонларнинг биографияси, маданият ва санъат тарихи, тарихий-ўлкашунослик материаллари, кундалик воқеалар ва бошқалар ўрганилади. Тўгарак ўкувчиларни тарихий тадқиқотнинг баъзи томонлари билан ҳам маълум даражада таништиради. Масалан, ёш археологлар, ёш архившунослар тўгарагида ўкувчилар археология ишларини олиб бориши, архивда ишлаш малакаларини эгаллайдилар. Тўгаракда маъруза қилишга, ахборот беришга, кўрсатмали куроллар тайёрлаш ва эскиларини таъмирлашга, таълимнинг техника воситалари билан ишлашга ўрганадилар. Тарихий-ўлкашунослик тўгаракларининг фаолияти кўпроқ юкори синф ўкувчиларнинг кичик ёшдаги ўкувчилар ва аҳоли орасида олиб борадиган тарғибот ишлари билан боғланган бўлади.

Тўгаракда тарихий-биографик мавзуларни ўрганиш ўкувчи ёшларни тарбиялашда мухим аҳамият касб этади. Агарда 5-7-синф ўкувчилари учун кишиларнинг жангдаги қаҳрамонлиги, жонбозлиги қизиқарли ва тушунарли бўлса, юкори синфлардаги ўкувчиларни олим, тадқиқотчи ва давлат арбобларининг ички дунёси, йирик олим бўлгунга қадар босиб ўтган йўли кизиктириди. Шу сабабдан 8-9-синфларда ва ўрта максус таълим тизимида тўгараклар тематикасининг асосий мазмунини кўпинча биографик характердаги мавзулар ташкил этади.

Тўгаракда ҳарбий ўтмишни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, 5-6-синф ўкувчилари тўгарагида қадимги дунё, ўрта асрлардаги ҳарбий техникани ўрганиш мумкин. 7-9-синфлардаги ўкувчиларнинг тўгаракларида уруш ва ҳарбий санъат тарихининг назарий масалалари ўрганилади.

Шундай қилиб, синфдан ташқари ишларнинг мухим формаси бўлган тарих тўгараги ҳам ўкувчиларнинг тарихни ўрганишга кизикишини оширади, олган билимларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга ҳамда мустакил ижодий ишлай билиш соҳасида малакаларини ҳосил қилишларига ёрдам беради.

V – VI синфларда	VII – IX синфларда	Академик лицей ва касб-хунар колледжларда
1. Таълим жараёнининг ҳамма элементларини ўз ичига олган дарс.	1. Таълим жараёнининг ҳамма элементларини ўз ичига олган дарс.	1. Мавзуга кириш дарси.
2. Ҳикоя формасида баён дарси.	2. Янги материални баён килиш (ҳикоя, кино, экспурсия) дарси.	2. Янги материални баён килиш дарси.
3. Такрорлаш дарси.	3. Кириш дарси.	3. Тахлил килиш дарси.
	4. Якунловчи дарс.	4. Мавзуни якунловчи дарс.
	5. Тахлил килиш дарс.	5. Такрорлаш дарси.
	6. Кўникма ва малакалар ҳосил килиш дарс.	6. Умумлаштирувчи дарс.
	7. Умумлаштирувчи – такрорлаш дарси.	7. Сураш дарси.
		8. Кўникма ва малакалар ҳосил килиш дарси.
		9. Билимларніг кўлланиш дарси.
		10. Таълим жараёнининг ҳамма элементларини ўз ичига олган дарс.

#### Асосий тушунчалар:

Синфдан ташқари ишларда ёзма ва босма манбалар билан ишлаш методлари - кўшимча китоб ўкиш, тарихий-адабиёт, тўпламлар, хрестоматиялар, архивлардаги хужжатлар ва бошқаларни ўрганиш, вактли матбуотни ўрганувчилар тўгараги, кўлёзма ва архив хужжатларини ўрганувчи «ёш архивчилар тўгараги» барпо килиш.

Кўрсатмали материаллар билан ишлаш методи - Иллюстрация ва диапозитвларни кўрсатиш, фильмларни кўриш, экспурсия материалларини ўрганиш

#### Такрорлаш учун саволлар

1. Тарих дарсларида ўлкашунослик материалларининг тутган ўрни.
2. Тарих дарсларида ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш методлари
3. Синфдан ташқари ишларнинг мазмуни, кўриниш ва методлари.

4. Синфдан ташкари ишларда ёзма ва босма манбалар билан ишлаш методлари.

5. Синфдан ташкари ишларда кўрсатмали материаллар билан ишлаш методлари.

### **Атамаларнинг қисқача луғати**

**Амалий тадқикотлар** - педагогик жараённинг айрим жihatларини чукур ўрганишга қаратилган ишлар, педагогик амалиёт қонуналарини очиши.

**Анкеталаштириш** - анкета ёрдамида ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик (рухий), педагогик ва бошқа тадқикотлар учун дастлабки материалларни йигиш жараёни.

**Антропология** - одамнинг биологик табиатини ҳар томонлама ўрганиувчи фан.

**Аутотренинг** - ўзини-ўзи ишонтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошкаришга қаратилган маҳсус машқулар тўплами, аутотренингдан шахснинг ўз руҳий холати ва хулкими бошкаришда фойдаланилади.

**Ахборотли малака** - таълим ва тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириш ва талқин килиш малакаси.

**Ахлок** - шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ коидалари, у ижтимоий онг шаклларидан биридир.

**Баён қилиш** - ўқитувчи томонидан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сузлаб бериш методи.

**Билиш фаолияти** - идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

**Бошкариш** - ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, обьектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва якун ясаш.

**Бурч** - муайян ахлоқий мажбуриятларни хис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

**Вазифа** - мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг оидинглаштириши.

**Вербал** - ифодали, оғзаки.

**Гуманизм** - 1) инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, унинг қадрини ҳурмат қилиш, киши манбаатлари учун қайғуриш ғоялари билан сугорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, ҳалоллик, инсоний муносабат тамойилларига асосланган дүёқараш; 2) инсонийлик ва инсонпарварлик, инсонларнинг бунёдкорлигига ишончи.

**Давлат таълим стандарти** - узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис)нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.

**Дидактика** - таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.

**Долзарблликни асослаш** - таълим ва тарбия назарияси ҳамда амалиётининг истикболдаги тараққиёти муаммоларини ўз вактида ўрганиш ва хал қилиш зарурлигини кўрсатиш.

**Дунёкараш** - шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи карашлар, эътиқод ва фикр-ўйлар тизими.

**Идрок этиш малакаси** - бошқа субъектнинг хусусиятларини - унинг мулокоти ва мулокотга хозирлигини аниқлаш учун зарур бўлган касбий-педагогик малака.

**Идеал** - олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гурухларнинг ҳатти-харакатлари, интилишлари интиҳоси.

**Ижтимоий идрок этиш** - кишилар томонидан ижтимоий обьектларнинг идрок этилиши, тушунтиши ва баҳоланиши.

**Изоҳлаш, тушунтириш** - оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

**Илмий муаммо (масала)** - фан орқали хал қилинадиган асосий зиддиятлар.

**Илмий янгилик** - муайян даврга нисбатан маълум бўлмаган ва педагогикага оид адабиётларда қайд қилинмаган назарий ва амалий хulosалар, таълим конуниятлари, унинг тузилма ва механизмлари мазмуни, тамоилилари ва технологиялари.

**Индивидуаллик** - шахснинг бетакор биосоциологик хусусиятлари.

**Интеллект** — шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришини белгилайдиган түгма ва ўзлашма барча аклий қобилиятлар тұтпамы.

**Ишонтира олиш** - ахборот оқимининг шахс томонидан танкiddан холи, әркин равиша ўзлаштиришнга- эришишни кўзлаган рухлй таъсир этиш методи.

**Ишонч хосил килиш** - шахснинг муайян қоида ва талабларини онгли равиша ўзлаштириш воситасида тарбиялаш методи. Тегишли маълумотлар ва аргументларга асосланб, шахснинг ўз ҳукми ва хulosалари түғрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

**Ички позиция (мавқе)** - шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлик ва хаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ҳамда йўналғанлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлар тизими.

**Истиқболни белгилаш малакаси** - ижтимоий ва билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

**Касбий- педагогик мулокот** - педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий-психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш хисобланади.

**Касбий тайёргарлик** - бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

**Коммуникация** - кишиларнинг ўзаро мулокотларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

**Коммуникатив кўнишка** - мумомала қила олиш ва педагогик техника, малака ва кўнишкаси.

**Коммуникатив фаолият** - педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ ўрнатган муносабатлари.

**Креативлик** — бетакрор қадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар қабул килувчи индивиднинг ботиний кобилияти.

**Кузатиши** - бирор педагогик ходиса бўйича аниқ фактик материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этишининг шакли.

**Кўникма** - ўрганиши натижасида кўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат, кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш кобилиятларидир.

**Кўрсатма** - эхтиёжнинг мавжудлиги ва объектив вазият ҳамда уни кондириш билан боғлик равишда олдиндан шахсларнинг маълум фаоллигини тайёрлаш, уларни жойлаштириш.

**Лаборатория иши** - асбоб-ускуналар ва бошқа техник мосламалардан фойдаланган холда, талабалар билан тажрибалар ўтказиш, бирор ходисани маҳсус жиҳозлар ёрдамида ўрганиш.

**Лекция (маъруза)** - одатда, таълим муассасасида бирор фан мазмунини оғзаки баён қилишга асосланган ўкув жараёни, методи.

**Мактабнинг ички бошқаруви** - юксак натижаларга эришиш мақсадида билишнинг объектив қонунлари асосида яхлит педагогик жараён катнашчиларининг ўзаро мақсадли, онгли ҳаракатлари.

**Малака** - шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида билимларнинг янги шароитда янтиликлари билан бирга, маълум бир фаолиятни самарали бажариш кобилияти.

**Малака тавсифномаси** - ўқитувчининг назарий ва амалий билимларига кўйиладиган умумий талаблар.

**Мафкура** - гоя ва қарашлар тизими.

**Машқ** - ўзининг билимларини чукурлаштириш ҳамда тегишли малака ва қўникмалар ҳосил қилиш мақсадида оғзаки ҳамда ёзма ҳаракатларни такроран амалга ошириш.

**Машқ қилиш** - ўқувчининг ўз кобилиятлари, билим, малака ва қўникмаларини ўстириша қаратилган ҳаракатлари.

**Мақсад** - фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

**Мактоб** - фойдали иш қилган шахсни, жамоани оғзаки тақдирлаш.

**Менежмент** - ижтимоий (социал), шунингдек, таълим жараёнларини бошкариш тамоийллари, методлари, воситалари ва шакллари мажмуаси.

**Метод** — 1) табиий ва ижтимоий хаёт ходисаларини татбиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

**Методика** - бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланадиган методлар тўплами.

**Методология** - 1) дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот; 2) бирор фанда, шу жумладан, педагогикада қўлланадиган методлар тўплами.

**Мифология** - қадимги дунё ҳалқларининг дунё ва табиат ходисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлари, афсоналари, бу афсонада қадимий ҳалқларнинг дунё ва худолар ҳақидаги ибтидоий тасаввурларининг акс этганлиги.

**Мотив** - маълум эхтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

**Мотивация** — шахсни фаол хатти-харакатларга ундовчи сабаблар, асослар түглами бўлиб, у айни замонда киши хулкими физиологик ва психологик бошқаришнинг динамик жараёнини ҳам билдиради ва фаолиятининг йўналиши, фаоллиги, уйгунлиги ва тургунлигини белгилайди.

**Муаммоли ўқитиш** - ўқув машгулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигига муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал килинишида таълим олувчилар фаол мустакил харакат қиласидар.

**Муаммоли вазият** - ўқув вазияти бўлиб, у машакқат билан ҳал килинадиган масала туфайли юзага келади.

**Мулоқотнинг етакчи тури** - ривожланишнинг маълум бир даврида атрофидаги кишилар билан муомалада етакчилик қиласидаги мулоқот тури бўлиб, унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шаклланади.

**Мунозара** — 1) матбуотда, сұхбатда бўрор баҳсли масалани мухокама қилиши, баҳс; 2) му йян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим методи.

**Назарий босқич** — тадқиқот объекти тўғрисидаги амалдаги ва истиқболдаги тасаввурлар ҳамда уларга бўлган талаб ўртасидаги зиддиятни енгиш.

**Назарий таҳлил** - педагогик ходисаларнинг алоҳида жиҳатлари, белгилари, хусусиятлари ўзига хослигини аниқлаш ва таҳлил этиш.

**Объект** - инсоннинг, субъектнинг биљиши предмети ва фаолияти.

**Одат** - кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий месъёрлардан келиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти.

**Педагог** - тарбиячи, ўқитувчи, дарс берувчи.

**Педагогика** — ёш авлод таълим ва тарбияси ҳакидаги фан.

**Педагогикада антропологик ёндашув** - одам тўғрисидаги барча фанлар маълумотларидан мунтазам фойдаланиш ва педагогик жараённи ташкил этиши ҳамда амалга оширишда уларни хисобга олиш.

**Педагогиканинг назарий вазифаси** - илгор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

**Педагогиканинг технологик вазифаси** — *диагностик* сатҳ - педагогик ходисалар ҳолатини аниқлаш; *башорат қилиши* сатҳи - педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеиликни яратиш моделларини ўрнатиш; *лойиҳа* сатҳи - педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характеристи асосида уларга мувофиқ методик материаллар (ўқув режа, дастур, дарслек ва ўқув кўлланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш; *яратувчилик* сатҳи - педагогик фан ютукларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбик этиш; *рефлекстик ва тузатма* (корректировка) сатҳи — илмий тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

**Педагогика предмети** - маҳсус институтларда (оила, таълим ва тарбия, маданият муассасалари) мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ҳақиқий, яхлит педагогик жараён.

**Педагогик жараён** - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қартилган, маҳсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

**Педагогик жараён тамойиллари** — педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг конуниятларини очиб беради.

**Педагогик ихтинослик** - таълим натижаси ўлароқ билим, малака ва кўнимкамлар мажмуудан иборат бир касбий гурух доирасидаги фаолият тури.

**Педагогик ихтиослашиш** - педагогик ихтинослик доирасидаги фаолиятнинг бир тури.

**Педагогик малака** - муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

**Педагогик масала** - педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлик тафқур килинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадини кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

**Педагогик маҳорат** - педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, харакатта келтириш (А.С.Макаренко), педагогик жараённинг юкори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

**Педагогик мулокот** - таълим олувчиларнинг максадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва кўллаб-куватлашни ташкил этишнинг кўп киррали жараёни.

**Педагогик техника** - 1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказиша самарали кўллаш учун зарур бўлган малака ва кўнимкамлар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жихатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўнимкамлар.

**Педагогик технология** - 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган харакатлари тизимидир; 2) таълим ва тарбия методларининг ўёки бу тўпламини кўллаш билан боғлик бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган харакатлари тизимидир; 3) педагогнинг ютукларига кафолат берадиган аниқ ишлаб чиқилган ва қатъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик харакат; 4) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган ва техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимили методидир.

**Педагогик тизим** - шахсни ривожлантириш ва яхлит педагогик жараённи бирлаштирган таълимнинг ўзаро боғланган ташкилий тузилмаси.

**Педагогик фаолият** - таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

**Педагогик ўйин** - билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

**Педагогнинг коммуникатив маданияти** - педагогнинг кишилар билан қиска муддатда мулокот ўрната олиши, улар билан мулокот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

**Педагог нұктай назары (позициясы)** - педагогнинг дүнёга, педагогик вөкөлика ва педагогик жараёнга бұлған интеллектуал ва хиссий муносабати.

**Педагогик қаққонийлик** - ўқитувчиниг объективлик мезони, унинг маңавиј тайёргарлық даражаси.

**Психология** - 1) шахснинг объектив борлықни фаол акс эттириш жараёнини ұрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар түплеми; 3) психика, характер хусусияти, күнгил хазинаси.

**Сұхбат** - кузатув чөғида етарлар даражада аник бўлмаган зарур ахборотни олиш учун кўлланадиган тадқиқот методи.

**Тадқиқот объекти** - зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга каратилган илмий таҳлилга мухтож объект.

**Тадқиқот предмети** - бевосита ұрганилиши лозим бўшан ва амалий ёки назарий жиҳатдан мухим аҳамият касб этадиган объектнинг мөхияти, маълум бир томони, хусузи ияти.

**Таълим** - 1) шахснинг жисмоний ва маңавиј шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд килинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш гоявий-ахлоқий қадр, малака, кўнікма, ахлоқ меъёрларига қаратилган жамият аззоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустақил тизим.

**Таълимнинг маданий инсонпарварлик вазифаси** - кишининг ҳаёт түсикларини енгишга ёрдам берадиган маңавиј кучи, қобилияти ва малакалари, табиат ва ижтимоий ҳаётга мослашиш вазиятидаги характеристири ва маңавиј масъулиятининг шаклланиши, шахсий ва касбий такомили ҳамда шахснинг ўзи томонидан амалга оширилишини таъминловчи имкониятлари, шахснинг интеллектуал, ахлоқий эркинликка, шахсий мухторияти ва баҳтига эришиш учун зарур бўлған воситалар шахснинг индивидуал ижодий тараққий этиши ва маңавиј имкониятларининг очилиши учун шароитлар яратиши.

**Таълим турлари** - сукротча сұхбат методи, анъанавиј таълим, изохли-намунали (иллюстратив) таълим, билимларни мустақил эгаллаш, программалаштирилган таълим, таълимни алгоритмлаш жараёни, табақалаштирилган, яккама-якка таълим ва бошқалар.

**Тарбия** - 1) шахснинг маңавиј ва жисмоний холатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг маҳсус ташкил этилган фаолияти.

**Тақлид қилиш** - бирор ҳаракат, қилиқ, ахд, фикр ва хиссиётни тақрорлаш, айнан ўзлаштириш.

**Тафаккур** - инсон ақлий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дүнёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни, мухим ҳаётий жараёнларни хис қилиш ва муаммоларни хал этиш, маълум бўлмаган вөкеа-ҳодисаларни кидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, хукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

**Тест** — 1) стандарт шакидаги топшириклар бўлиб, ақлий тараккиёт, кобилият, билим ва малакани аниклаш максадида ўтказиладиган синовдир; 2) аник социологик тадқикотларда фойдаланиладиган тарқатма материал, саволнома; 3) шахс руҳияти ва хулқининг аник микдорий ва маълум сифат баҳоларини олдиндан берилган баъзи стандарт - тест мезёrlари билан киёсий ўрганишга мўлжалланган психологик тадқикотларнинг стандартлаштирилган методи.

**Тестдан ўтказиш** - таълим олувчининг билим ва малакаларини, психик ривожланиши, ижтимоий тажрибасини аниклаш учун саволлар тизимининг кўйилишидир.

**Технология** - ишлаб чиқариш жараёнода ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, ҳусусияти, шаклини ўзгартириш методлари тўплами.

**Тизим** - 1) яхлит таълимни, унинг бирлигини белгиловчи бир-бири билан конуний боғлиқ аксарият унсурлар (предметлар, ҳодисалар, қарашлар, билимлар ва бошқалар); 2) қисмларнинг маълум бир боғланишларда, ҳаракатларнинг ўта изчилликда режали, тўғри жойлашиш тартиби.

**Тушунча** - атроф-муҳитдаги ҳодисалар, предметларнинг муҳим ҳусусиятларини, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни билиш.

**Фаолият** - 1) онгли максад билан бошқариладиган кишининг ички (рухий), ташки (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувоғик қайта бунёд этилиши.

**Фаолиятнинг етакчи тури** - бола ҳаётининг муайян давридаги психик ривожланишини етарли даражада таъминловчи ҳамда кейинги тараккиётига асос бўлувчи фаолиятдир.

**Фундаментал** - асосий.

**Хайриҳохлик** - кишиларга очик кўнгил бўлиш, илтифотли, марҳаматли бўлиш.

**Шахс** - 1) кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тувишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмунини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидағи кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш кобилиятига эга бўлган киши.

**Шахсий фазилат** — шахс томонидан ўзининг ахлоқий-руҳий ва ишчанлик кобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиши.

**Эътиқод** — шахс амал қиласидаган билим, тамойил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-харакатларига бўлган субъектив муносабати.

**Ўйин** - у фаолиятнинг шундай бир турики, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришга ва бунёд этишга, ўз хатти-харакатларини такомиллаштиришга каратилган бўлади.

**Ўз-ўзини баҳолаш** - кишининг ўз психологик сифатлари, хулки, ютуклари ва муваффакиятсизликлари, кадр-киммати, камчиликларини баҳолай олиши.

**Ўз-ўзини тарбиялаш** - 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

**Ўқитиши** - таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти: 1) таълимнинг ўзига хос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) ўқувчи ва ўқитувчи, ўқувчининг бошка ўқувчилар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-мухит, унинг қонуниятлари, тараккиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усулларини билишнинг мунтазам бошқариш жараёни.

**Ўқитувчининг инновацион фаолияти** - ижтимоий-педагогик феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишидир.

**Ўқитиши вазифаси** - таълимий, тарбиявий ва ривожланиши вазифалари.

**Ўқитиши турлари** - сукротча сухбат методи, колоқ таълим, изоҳлаш-намойиши этиш асосида ўқитиши, билимларни мустакил эгаллаш, дастурлаштирилган таълим, ўкув жараёнини алгоритмлаш, табакалаштирилган ҳамда яккана-якка таълим ва бошқалар.

**Ўкиши** - ўқувчининг ўз қобилияти, билими, малака ва қўнижмаларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракати.

**Ўқувчиларни қасбга йўналтириш** - ўқувчи ва ёшларга келажакда ўз қасбларини аниклаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иктисодий, психолого-педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш - техник тадбирларнинг асосланган тизими.

**Ўкув-билиш фаолияти** - инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолияти.

**Ўкув фаолияти** - шахснинг янги билим, малака ва қўнижмаларни эгаллаш жараёни.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 1992.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: 1992.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йўли. Т.: 1992.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктиносид, сиёсат, мафкура. Т. Ўзбекистон, 1993.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон - бозор, муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т.: Ўзбекистон, 1993.
6. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин Т.: Ўзбекистон, 1994.
7. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т.: Ўзбекистон, 1995.
8. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1995.
9. И.А.Каримов. Ўзбекистон иктиносидий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995.
10. И.А.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётнинг пойдевори. - Т.: «Шарқ», 1997.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни (Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори китобида. —Т.: «Шарқ», 1997, 20-29 - бетлар).
12. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури (Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори китобида. - Т.: «Шарқ», 1997, 32-62-бетлар).

13. А.А.Абдуқодиров ва бошк. Информатика (маъruzалар матни) АЛ лар учун. -Асака, 2000. -74 б.
14. А.А.Абдуқодиров ва бошк. Ахборот технологияларига оид атамаларнинг изоҳи луғати. -Т.: ТДПУ, 2002. -26 б.
15. А.А.Абдуқодиров ва бошк. Ахборот технологиялари фанидан ўкув штакатлар тўплами. -Т.: ТДПУ, 2002. -34 б.
16. А.А.Абдуқодиров ва бошк. Ahborot tetexnologiyalari (AL ya KHK uchun dastur) -Т.: "Armaprint" MCHJ, 2004. -15 b.
17. Н.Н.Азизхўжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Т.: ТДПУ, 2003.
18. Академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўтказиладиган ритуаллар тизими (1-китоб). - Х.Н.Бобобеков, М.Г.Давлетшин, Р.Ж. Ишмуҳамедов ва бошк. - Т.: «Фан», 1999.
19. Академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (2-китоб). - Х.Н.Бобобеков, М.Г.Давлетшин, Р.Ж. Ишмуҳамедов ва бошк.- Т.: «Фан», 2005.
20. А.Аскаров Ўзбекистон мустақиллиги шароитида тарих фанининг вазифалари.- “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” 1992. № 7-8.
21. Б.Ахмедов Тарихдан сабоклар. Т.,1992
22. Б.Ахмедов Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.Т.,1991
23. Я.Гаффаров, М.Гаффорова Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш усуллари.Т., 1996.
24. Г.М. Донской Задания для самостоятельный работы по истории средних веков.М., 1992
25. Жаҳон тарихи фанидан академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун ўкув дастури.-Т.:2004.
26. И.Д.Зверьев, В.А.Максимова Межпредметные связи в современной школе. М.,1991
27. Р.Ж.Ишмуҳамедов Болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида). - Т.: УДАП, 2004.
28. Р.Ж.Ишмуҳамедов Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
29. Ж.Г. Йўлдошев Малака оширишнинг назарий ва методологик асослари. (екуд ўқитувчи бўлиш осмси) Т., 1998
30. Ж.Ф.Йўлдошев Ж.Ф.Йўлдошев. Таълим янгиланиш йўлида.-Т.: Ўқитувчи. 2000.
31. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари.-Т.: Ўқитувчи. 2004.
32. Ж.Г.Йўлдошев Янги педагогик технология: йўналишлари, муаммолари, ечимлари. «Халқ таълимни», 1998. N4
33. А Кабиров, Коровкин Ф. Жаҳон тарихи.Т., 1995
34. А Кабиров, А.Сагдуллаев Ўрта Осие археологияси.Т., 1990
35. Г.М.Коджаспирова Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектах, - М.: Айрис-пресс, 2006.

36. А.К. Колеченко Энциклопедия педагогических технологий. Пособие для преподавателей. - СПб: КАРО, 2005.
37. Г.Кутлумуратова «Педагогикалик практика» (оқув методикалик кўлланма) Н., 2005.
38. М.Лафасов, У.Жўраев. Жаҳон тарихи дарслиги.-Тошкент. 2005.
39. И.Я. Лернер Дидактические основы методов обучения. М., 1991
40. И.Я. Лернер Ўқитиш методларининг дидактик асослари.М.,1991
41. М.Махмутов Мактабда муаммоли таълимни ташкил килиш.Т.,1991
42. Мустақил Ўзбекистон-тарих силсиларида.Т.,1992
43. А.Р. Мухаммеджонов Ўзбекистон тарихи. (V асрдан XXI асрнинг бошигача) Т., 1992
44. А.Набиев Тарихий ўлкашунослик.Т.,1996
45. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. Учеб. пособие для студ.пед.вузов и системы повыш.квалиф.пед.кадров /Под ред. Е.С.Полат.-М.: Издательский центр «Академия», 2005.
46. Памятка студента-практиканта.Н.,1995.
47. Н.Поспелов, И.Поспелов Формирование мыслительной операции у старшеклассников. М., 1999
48. Преподавание истории в средней школе. М.,1996
49. Ж.Рахимов Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбаларидан фойдаланиш.Т., 1995
50. Т.Рахматуллаев Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда археология материалларидан фойдаланиш Т.Ўқитувчи. 1994.
51. Э.Сафаева Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда маҳалий материаллардан фойдаланиш.Т.,1993
52. А.Сайдуллаев Ўзбекистон халқлари тарихини урганишда археология материалларидан фойдаланиш. Т., 1994.
53. А.Сайдуллаев Кадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.Т., 1996
54. А.Сайдиев Мактабда тарих билимларининг хозирги ахволи ва ўни ўқитишини миллий асосга куриш.Т., 1993.
55. А.Сайдиев Ўзбекистон халқлар тарихини ўқитиш.Т., 1993.
56. Студент-практикантларга педагогикалик хам методикалиқ эскрептлар.Н., 1991
57. Тарих ўқитиши методикаси фанидан маърузалар матни.-Т.: ТДПУ.
58. “Тафаккур” журнали, 1998, №2
59. Т.Ташпулатов, Я Гаффоров Тарих ўқитиши методикаси Т., 2002.
60. Ў.Қ. Толипов, М.Усмонбоева Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. - Т.: 2006.
61. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури.-Т.: 1999.
62. Эркин ва фаровон хаётни юксак маънавиятсиз куриб бўлмайди, Т., 2006.
63. Қ.Усмонов, М.Содиков. Ўзбекистон тарихи.- Т.: Шарқ. 2002.

64. Қ.Усмонов. Ўзбекистон тарихи. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун дарслер.-Т.: “Ўқитувчи”. 2005.
65. Ўзбекистон тарихи ва маданияти.Т., 1992
66. Ўзбекистон тарихи. (1917-1993) Т., 1995
67. Ўзбекистон тарихи (I кисм) Т., 1997
68. Ўзбекистон тарихи фанидан академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун ўқув дастури.-Т.:2004.
69. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси.-Т.: 1996.
70. Ўзбекистон тарихи умумтаълим ва янги турдаги мактабларнинг V-XI синклорни учун дастур Т. 1997.
71. Ўзбекистон тарихи фани дастури. Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг тарих факультетлари учун. Т. 1996
72. Ҳукуқ асослари.Т., 1995
73. 5-синф «Жаҳон тарихидан хикоялар» И.Жўраев, М.Лафасов, К. Норматов. Т. 2000.
74. 6-синф Ўзбекистон тарихи, А.С.Саъдуллаев, Е.А.Костецкий, Н.К.Норкулов. Шарқ. 1999.
75. А.Муҳаммаджонов. 7-синф Ўзбекистон тарихи. Тошкент. Ўқитувчи 2000
76. Т.Салимов, С.Махкамов 7-синф Жаҳон тарихи. «Шарқ»-Т.-1999й.
77. М.Лафасов. 9-синф Жаҳон тарихи ўқув кўлланмаси.-Т.: А.Қодирий номидаги мероси.-Т.: 1999.
78. У.Жўраев. 7-синф Жаҳон тарихидан ўқитувчилар учун методик кўлланма.-Т.: 2000.
79. Н.Норкулов, У.Жўраев . 8-синф Ўзбекистон тарихи. Шарқ. Т. 2000.
80. Ж.Рахимов. 9-синф Ўзбекистон тарихи. Тошкент. 2000.
81. Д.Алимова, Р.Каримов, К.Оқилов ва бошқалар. 10-синф Ўзбекистон тарихи. Шарқ. Т. 2000..

А. Сагдиев  
Г. Фузайлова, М.Хасанова

## **ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

**Мұхаррір: Мансуров У.  
Компьютерда  
сақиловчи: Аллаёрова М.**

Босишга рухсат этилди: 29.02.2008 й.  
Қоғоз бичим и 60 x 84/<sub>16</sub>. Таймс гарнитура. Офсет босма.  
Офсет көзози. Шартлы босма 7,5 т. Ҳисоб нашриёти 8,0 т.  
Адади 100 нұсқада. Буюртма № 30  
Келишилгандархда.

«Fan va texnologiyalar Markazining bos maxonası»да чоп этилди.  
700003, Тошкент, Олмазор, 171.